

ФАРМАЦЕВТИКА
ИНСТИТУТИ
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН



ЎҚУВ
АДАБИЁТИ

Л. Х. БОЗОРОВА, Н. С. СУҲОНДИКОВ,
Х. Х. ХОЛМАТОВ

ЛОТИН ТИЛИ



“Абу Али ибн Сино”

А.Х.Бозорова, Н.С.Суюндиқов, Ҳ.Х.Холматов

ЛОТИН ТИЛИ

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фармацевтика
институти талабаларига ўқув қўлланмаси
сифатида тавсия этган*

у1838

Тошкент
Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти
2003

81.2 Лат.
УДК 46.2

Муаллифлар: Л.Х. Бозорова, Н.С. Суюндиқов,
Х.Х. Холматов

Тақризчилар: Фармацевтика фанлари номзоди, доцент
М.М. Миралимов.

Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт институти
чет ва лотин тиллар кафедрасининг катта
ўқитувчиси Н.И. Овчаренко.

Бозорова Л.Х. ва бош.

Б 81 Лотин тили: Фармацевтика институти талабалари учун
ўқув қўлланма. / Муаллифлар: Л.Х.Бозорова, Н.С.Суюндиқов,
Х.Х.Холматов. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр,
2003. - 208 б.

Ўқув қўлланмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган
дастур асосида тузилган.

Қўлланма 35 та дарсдан иборат. Ҳар бир дарсга кўплаб
фонетик, лексик ва грамматик машқлар; лотин тилидан ўзбек
тилига, ўзбек тилидан лотин тилига таржима қилиш учун
рецептлар берилган. Қўлланмага лотинча-ўзбекча ва ўзбекча-
лотинча луғатлар ҳам киритилган.

ББК 81.2 Лат - 923

Б 4102020102 -
М 354 (04) - 2003

© Л.Х. Бозорова, Н.С. Суюндиқов,
Х.Х. Холматов,
2003 й.

ISBN 5-638-01961-8

Сўз боши

Мазкур қўлланма фармацевтика олий ўқув юрти талабаларига мўлжалланган бўлиб, амалдаги ўқув дастури асосида тузилган. Кейинги йилларда қатор доривор ўсимликлар ва препаратларнинг лотин тилида янги номлари қабул қилинганлиги сабабли бундай номларни ўз ичига олган дарсликни яратиш замон талаби бўлиб қолган.

Қўлланманинг асосий вазифаси талабаларга лотин тилини ўргатишдан иборатдир.

Қўлланма 35 та дарсни ва лотинча-ўзбекча, ўзбекча-лотинча лугатни ўз ичига олади. Ҳар бир дарсга 5-10 тадан фонетика, грамматика ва лексикага оид машқлар ва таржима қилиш учун рецептлар берилган. Мавзулар фармацевтика институтида ўқув материалларини ўтилиши кетма-кетлигида танлаб олинган.

Ушбу қўлланмани яратиш жараёнида мамлакатимизда ва чет элларда нашр этилган дарслик ва қўлланмалардан, фармацияга оид адабиётлардан фойдаланилди.

Қўлланмадан тиббиёт коллежи фармацевтика бўлими талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар.

ФОНЕТИКА

1-дарс

1-§. Латин тили алифбоси

Латин тили алифбосида 25 та ҳарф бор

Босма ҳарфлар	Номи	Ўзбекча муқобили	Босма ҳарфлар	Номи	Ўзбекча муқобили
A a	а	а	N n	эн	н
B b	бэ	б	O o	о	о
C c	цэ	ц ёки к	P p	пэ	п
D d	дэ	д	Q q	ку	и билан бирга [кв]
E e	э	э	R r	эр	р
F f	эф	ф	S s	эс	с
G g	гэ	г	T t	тэ	т
H h	гэ	ўзбекча ғ	U u	у	у
I i	и	и	V v	вэ	в
J j	йот	й	X x	икс	кс
K k	ка	к	Y y	ипсилон	и
L l	эль	ль	Z z	зета	з ёки ц
M m	эм	м			

2-§. Унли ҳарфлар

Латин тилида 6 та унли ҳарф бор:

A a унли ҳарфи [a] деб талаффуз қилинади:

amarus [амарус] - ачиқ

ana [ана] - тенг миқдорда

E e унли ҳарфи [э] деб талаффуз қилинади:

гемма [гэмма] - куртак

gelatina [гэллатина] - желатин

O o унли ҳарфи [o] деб талаффуз қилинади:

odor [одор] - ҳид, ис

os [ос]-суяк

I i унли ҳарфи [и] деб талаффуз қилинади:

internus [интернус] - ички

infans [инфанс]-бола, гўдак

U u унли ҳарфи [y] деб талаффуз қилинади:

unus [унус] - бир

utilis [утилис] - ишлатишга яроқли

Y y унли ҳарфи [и] деб талаффуз қилинади:

Amygdalus [амигдалус]- бодом

polyvitamina [поливитамина] - поливитами~~н~~

3-§. Дифтонглар

Иккита турли унли ҳарфларнинг бир бўгин сифатида талаффуз этилишига дифтонг дейилади. Латин тилида 4 та дифтонг бор:

«au» дифтонги [ау] деб ўқилади.

Масалан: *aureus* [аурис] - қулоқ

auscultare [аускултарэ] - эшитмоқ

«eu» дифтонги [эу] деб ўқилади.

Масалан: *Eucommia* [эукоммия] - эвкоммия

Eucalyptus [эукалиптус] - эвкалипт

«ae» дифтонги [э] деб ўқилади.

Масалан: *aeger* [эгэр] - бемор, касал

Crataegus [кратэгус] - дўлана

«oe» дифтонги [э] деб ўқилади.

Масалан: *Foeniculum* [фэникулюм] - укроп, фенхель

oedema [эдэма] - шиш

Агар ае ва ое дифтонгларида е ҳарфининг устига икки нуқта қўйилган бўлса, у ҳолда ҳар бир ҳарф ўзининг алоҳида товушини ифода этади.

оё [оэ] - *Aloë* [алоз] - алой, сабур

аё [аэ] - *aër* [аэр] - ҳаво

4-§. Ундош ҳарфлар

Сс - ҳарфи икки товуш [ц] ва [к]ни ифода этади.

Агар с ҳарфи ае, ое дифтонглари, е, і, у унли ҳарфлари олдида турса [ц] деб ўқилади.

Масалан: *cito* [цито] - тез

cera [цэра] - мум

cyclus [циклюс] - цикл

coeruleus [цэрулэус] - кўк

Агар с ҳарфи а, о, и, унлилари ва ундош ҳарфлар олдида ёки сўз охирида турса [к] деб ўқилади.

Масалан: *creta* [крэта] - бўр

carbo [карбо] - кўмир

cucurbita [кукурбита] - ошқовоқ

lac [ляк] - сут

С  [ц] агар ае, ое, е, і, у дан олдин келса

[к] а, о, и, унлилари ва ундошлардан олдин;
сўз охирида келса

Нн - ҳарфи ўзбекча [ғ] ҳарфи сингари талаффуз қилинади.

Масалан: *herba* [ғэрба] - ўт, майса

homo [гомо] - одам, киши

К к - ҳарфи [k] товушини беради, лекин бу ҳарф тиббий лотин тилида кам қўлланилади:

Kalium [калиум] - калий

Keratinum [кэратинум] - кератин

L l - ҳарфи юмшоқ талаффуз қилинади:

mel [мэль] - асал

las [ляк]- сут

Х х - ҳарфи [кс] товушини беради:

rix [пикс]- смола, қатрон

faex [фэкс]- хамиртуруш

Z z -ҳарфи юнончадан ўзлаштирилган сўзларда учрайди ва [з] деб талаффуз қилинади:

rhizoma [ризома] - илдизпоя

Glycyrrhiza[глицириза] - қизилмия, ширинмия

Лекин zincum сўзида z ҳарфи [ц] деб ўқилади:

zincum [цинкум] - рух

J j - ҳарфи а,о,е,и унли ҳарфлари билан биргаликда қуйидагича ўқилади:

jo [ё] - jocus [ёкус] - ҳазил

ja [я] - janua [януа] - эшик

ju [ю]- juniperns [юнипэрус] - арча

je [е] - jecur [екур]- жигар

S s - ҳарфи икки товушни [з] ва [с]ни ифодалайди. Агар s ҳарфи икки унли ҳарф ўртасида ёки ҳар қандай бир унли билан т ёки п ҳарфлари ўртасида келса [з] деб, бошқа ҳолларда [с] деб ўқилади.


Масалан: dosis [дозис]-доза

Rosa [роза] - наъматак

mensis [мэнзис] - ой

reumatismus [рэуматизмус]-ревматизм

Solanum [соланум]-итузум

S 
[з] унли + s + унли;
унли + s + m ёки n
m ёки n+s+ унли

[с] бошқа ҳолларда

1-машқ

Дифтонгларнинг ўқилишига эътибор бериб сўзларни ўқинг.

Aërosolum, auctor, anaemia, oedema, praescribo, foeniculum, aurum, graecus, saepe, oestrogenus, faex, auris, praeparatum, crataegus, eucommia, foetidus, synoestrolum, aeger, aër.

2-машқ

Ундош ҳарфларнинг ўқилишига эътибор бериб сўзларни ўқинг ва ўқилиш қоидадини тушунтиринг.

Decoctum, acidum, capsula, glucosum, scatula, briketum, semen, junius, hypnoticus, jam, ledum, herbaceus, dystonia, hydricus, insolubilis, amurensis.

3-машқ

Қуйидаги сўзларни ўқинг ва с ҳарфининг ўқилишини тушунтиринг.

Tinctura, fructus, succus, cella, cera, galenicus, bacca, calor, cito, locus, capsicum, acidum, officina, coeruleus, cortisonum, bacillus, medicinalis, medicamentum, caecum.

4-машқ

Сўзларни ўқинг ва с ҳарфининг ўқилишини тушунтиринг.

Spissus, species, destillatus, dens, morbus, elasticus, dystonia, emulsum, internus, massa, latus, resina, reumatismus, cortisonum, dysenteria, vaselinum, amarus.

Уйга вазифа.

I. Лотин тили алифбосини ёд олинг.

II. Унли ва ундош ҳарфлар, дифтонгларнинг ўқилишини эслаб қолинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида ўзлаштирган билимларингизни текшириб кўринг.

1. Лотин тили алифбосига нечта ҳарф бор ва улар қандай талаффуз қилинади?

2. Дифтонг деб нимага айтилади ва қандай дифтонгларни биласиз?

3. С ҳарфи қандай товушларни ифодалайди?

4. S ҳарфи қандай ўқилади?

5. j ҳарфи a, o, u, e, унли ҳарфлари билан биргаликда қандай талаффуз этилади?

6. h, l, k, x, z ҳарфларининг ўқилиш қоидадини айтинг.

III. Қуйидаги сўзларни ўқинг ва уларнинг транскрипциясини ёзинг.

Hypericum, acidum, haemostaticus, cito, ossis, praeparatum, plasma, major, oestrogenus, juvenus, lacteus, glycerinum, extractum, cuprum, scabies, oleosus, coeruleus, ledum.

2-дарс

5-§. Ҳарф бирикмаларининг ўқилиши.

qu - ҳарф бирикмаси унли ҳарф олдида келганда [кв] деб ўқилади:

aqua [аква]- сув

quercus [квэркус] - дуб, эман

ngu - ҳарф бирикмаси унли ҳарф олдидан келганда [нгв] деб ўқилади:

unguentum [унгвэнтум] - суртма

lingua [лингва] - тил

su - ҳарф бирикмаси а,е, унли ҳарф олдидан келганда [св] деб ўқилади. Қолган ҳолларда эса [су] деб ўқилади:

suasor [свазор] - маслаҳатчи

suillus [суиллус] - чўчқа - и (-си)

ti - ҳарф бирикмаси унли ҳарф олдидан келганда [ци] деб ўқилади:

solutio [солүцио] - эритма

injectio [инйэкцио] - инъекция

ti - ҳарф бирикмаси х, s ундош ҳарфларидан кейин келса [ти] деб ўқилади:

mixtio [микстio]- аралашма

combustio [комбустио] - куйиш

sch - ҳарф бирикмаси [сх] деб ўқилади:

Schizandra [схизандра] - лимонник.

6-§. Диграфлар

Диграф деб иккита ундош ҳарф бирикмасининг битта товуш сингари талаффуз этилишига айтилади. Лотин тилида 4 та диграф бор. Ҳар бир диграфда h ҳарфи мавжуд.

ch - диграфи [х] деб талаффуз қилинади:

Chininum [хининум] - хинин

charta [харта] - қоғоз

ph - диграфи [ф] деб талаффуз қилинади:

pharmacologia [фармакология] - фармакология

morphinum [морфинум] - морфин

rh - диграфи [р] деб талаффуз қилинади:

Rhamnus [рамнус] - тоғжумрут

rhizoma [ризома] - илдизпоя

th - диграфи [т] деб талаффуз қилинади:

Mentha [мэнта] - ялпиз

Thermopsis [термопсис] - термопсис

5-машқ

Сўзларни ўқинг ва ўқилиш қоидаларини тушунтиринг.

Charta, arachis, rheum, quercus, aether, diphthericus, lingua, solutio, camphora, glycyrrhiza, haemostaticus, norsulfazolum, praecipitatus, cochlear, chamomilla, equisetum, mentha, aqua, axungia, extractum.

6-машқ

Сўзларни ўқинг ва уларнинг транскрипциясини ёзинг.

Althaea, therapia, synoestrolum, rhizoma, phosphorus, majalis, terebinthina, helianthus, coquo, ephedra, schizandra, kalanchoë, saccharum, frictio, ichthyolum.

7-машқ

С ҳарфи [ц] товушини ифодаловчи сўзларни топиб ёзинг.

Carbo, cytologia, cito, cucurbita, calor, citrus, bacca, decoctum, baccae, cera.

8-машқ

Қуйидаги сўзларни ўқинг ва s ҳарфининг [з] товушидек ўқилишини тушунтиринг.

Anisum, dosis, usus, vaselinum, narcosis, mensura, gargarisma, suasor, plasma.

7-§. «у» ҳарфининг қўлланилиши

«у» ҳарфи юнон тилидан ўзлаштирилган сўзларда олд қўшимча, ўзак ва қўшимча сифатида учраши мумкин. Шунинг учун қуйидаги олд қўшимча, ўзак ва қўшимчаларни эсда сақлаш керак.

hyper - юқори, кўпроқ; hypertonia - қон босимининг кўтарилиши

hypo - паст, камроқ; hypertonia - қон босимининг пасайиши

oxy - тахир; Oxxygenium - кислород

hydr - сув; Hydrogenium - водород

pyr - иссиқлик; Antipyrinum - антипирин

poly - кўп; polyvitamina - поливитамин

glyc - ширин; glycerinum - глицерин

mys - қўзиқорин; Biomycinum - биомисин

9-машқ

Қуйидаги сўзларни ўқинг ва уларнинг транскрипциясини ёзинг.

Hypermanganas, Streptomycinum, anhydricus, glycosidum, Amidopyrinum, oxydum, Perhydrolum, hyperaemia, hypothermia, mycosis, antipyreticus, hydrargyrum, peroxydum.

Уйга вазифа.

I. Ҳарф бирикмалари ва диграфларнинг ўқилишини эслаб қолинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг:

1. *qu* ва *ngu* ҳарф бирикмалари қандай ўқилади?

2. *ti*, *su* ва *sch* ҳарф бирикмалари қандай ўқилади?

3. *Диграф* деб нимага айтилади ва қандай диграфларни биласиз?

4. «у» ҳарфи қайси сўзларда учрайди?

II. Ўқилиш қоидаларига эътибор бериб, қуйидаги сўзларни ўқинг ва уларнинг транскрипциясини ёзинг.

planta, calor, oedema, lapis, linimentum, Aloës, Juniperus, Convallaria, majalis, Tetracyclinum, camphora, lingua, latina, infusum, Glycerinum, frictio, combustio, rhizoma, Nux, Quercus, citrus, Salvia, officinalis, Thymus, Naphthalanum, quinque, briquetum,

unguentum, tabuletta, aeger, Chamomilla, Leuzea, rhus, coeruleus, cyclus, major, extractum, mensura, diphthericus.

3-дарс

8-§. Сўзларнинг бўғинларга бўлиниши

Лотин тилида ўзбек тилидагидек сўзлар бўғинларга бўлинади. Сўзда қанча унли ҳарф бўлса, шунча бўғин бўлади.

Масалан: cu - cur-bi-ta; cha - mo - mil-la

Товушлар чўзиқ ва қисқа талаффуз қилинади. Товушнинг чўзиқлиги ҳарф устига тўғри чизикча, қисқалиги эса ярим ой қўйиб белгиланади: а а, о о; е е.

Товуш ва бўғинларни узун ёки қисқалигини тўғри аниқлай билиш урғуни (') қўйиш учун керак.

Чўзиқ унли товушли бўғин - чўзиқ бўғин, қисқа унли товушли бўғин - қисқа бўғин ҳисобланади.

9-§. Бўғинларнинг чўзиқ ва қисқалик қоидалари

Чўзиқлик қоидаси

1. Агар бўғинда дифтонг бўлса, ўша бўғин доимо чўзиқ бўлади:

Cratāegus

2. Агар унли ҳарф икки ёки ундан ортиқ ундош ҳарфлар олдида келса, шу бўғин чўзиқ ўқилади:

tabulētta

3. х ёки z ундош ҳарфлари олдида келган унли товуш чўзиқ ўқилади:

Glycyrrhīza

4. in, ur, at, ar, ut, os, al қўшимчали бўғинлар чўзиқ ўқилади: vitaminum, tinctura, nitratis, gelatinosis.

Қисқалик қоидаси

1. Унли ҳарф олдидан унли ҳарф келса, бу бўғин қисқа ўқилади:

injection

2. Диграфлар олдида келган унли ҳарф қисқа ўқилади:

Arachis

3. ol, ul, ib, id, il ҳарф бирикмалари бўлган бўғин қисқа ўқилади:

fluidus, pilula, solubilis

4. b, p, d, t, ҳарфлари г ёки l ҳарфлари билан бирикиб келганда бу ҳарф бирикмаларидан олдин турган унли ҳарф қисқа ўқилади:

Ephēdra, vertēbra

5. h ҳарфи олдида келган унли қисқа талаффуз қилинади:

extrāho

10-§. Ургу

Лотин тилида ургу сўзнинг охиридан иккинчи бўғини чўзиқ бўлса, ўша бўғиннинг унли товушига тушади. Агар сўзнинг иккинчи бўғини қисқа бўлса, ургу сўзнинг охиридан учинчи бўғиндаги унли товушга тушади. Икки бўғинли сўзларда ургу ҳамиша сўзнинг иккинчи бўғинига тушади.

ex - trāc-tum
vér - tèb - ra
cō - la - tū - ra
pí - lū - la

9-машқ

Сўзларни бўғинларга бўлинг ва ургу қўйинг.

emplastrum, cella, barium, mixtio, oleum, Tormentilla, folium, saccharum, Oxycoccus, ampulla, bacterium, intravenosus, solutio, scatula, Foeniculum, pharmacopoea, milligramma, tinctura, Potentilla, spiritus, Convallaria, gargarisma, extraho, linimentum, decoc-tum, acidum, medicina.

10-машқ

Қуйидаги сўзларни ургу қоида сига риоя қилиб ўқинг.

Suppositorium, Ephedra, sirupus, butyrum, Eucommia, Betula, aqua, Frangula, globulus, Oryza, Althaea, injectio, Penicillinum, amyllum, vitaminum, Belladonna, magister, unguentum, tabuletta, aquosus, signatura.

Уйга вазифа.

I. Сўзларнинг бўғинларга бўлиниши; бўғинларнинг чўзиқлик ва қисқалик қоидаларини; ургу қўйиш қоида сини эслаб қолинг. Қуйидаги саволлар ёрдамида ўзлаштирган билимларингизни текшириб кўринг.

1. Лотин тилидаги сўзлар бўғинларга қандай бўлинади?

2. Бўғинларнинг чўзиқлик қоида сини айтинг.

3. Бўғинларнинг қисқалик қоида сини айтинг.

4. Лотин тилида ургу қайси бўғинга қўйилади?

II. Қуйидаги сўзларни ўқинг.

Scatula, Sanguisorba, coeruleus, medicamentum, Myrtillus, Chenopodium, Allium, aesculus, Oxygenium, Rhamnus, vaccinum, xeroformium, Sinapis, oculus, Absinthium, arborescens, Erythromycinum, Hypericum, Amygdalus, Retinolum, Rosaceae, Armeniaca, Diplococcus, Gossypium.

III. 10-машқдаги сўзларни бўғинларга бўлинг ва ургу қўйинг.

Морфология

4-дарс

11-§. Феъл

Предметнинг иш - ҳаракатини ифодаловчи сўз туркумига феъл деб аталади. Латин тилида феъл ўзбек тилидагидек шахс-сон, замон ва майл билан тусланади. Латин тилида феъллар тўртта турланишда тусланади.

Ноаниқ шаклда:

I - турланишдаги феъллар - **āre** қўшимчасига эга: *dāre* - бермоқ.

II-турланишдаги феъллар чўзиқ - **eīre** қўшимчасига эга: *miscēre* - аралаштирмоқ.

III-турланишдаги феъллар қисқа - **ēre** қўшимчасига эга: *solvēre* - эритмоқ

IV - турланишдаги феъллар - **īre** қўшимчасига эга: *audīre* - эшитмоқ.

11-машқ

Қуйидаги феълларни тусланишига кўра гуруҳларга ажратинг.

Addere, audire, miscere, curare, extendere, colare, finire, formare, recipere, dare, continere, vertere, servare.

12-§. Феъл негизи

Феълларнинг негизини аниқлаш учун I, II, IV - турланишдаги феълларнинг ноаниқ шаклидан - **re** қўшимчасини, III-турланишдаги феълларнинг ноаниқ шаклидан - **ere** қўшимчасини олиб ташлаш керак.

Турланиш	Феълнинг ноаниқ шакли	Феълнинг негизи
I	dare	da
II	miscere	misce
III	solvere	solv
IV	audire	audi

12-машқ

Феълларнинг негизини аниқланг.

extendere, finire, addere, miscere, sterilisare, recipere, studere, formare, linire, filtrare.

Намуна:

Феъл	Турланиш	Негизи
colare	I	cola

13-§. Буйруқ майли

Буйруқ майли буюриш, сўраш каби маъноларни ифодалаб, одатда иккинчи шахсга қаратилган бўлади. I, II, IV- турланишдаги феълларнинг буйруқ майли бирликда феъл негизидан иборат;

III-турланишдаги феълнинг буйруқ майлини ҳосил қилиш учун феъл негизига - e ҳарфи қўшилади.

Турланиш	Феълнинг ноаниқ шакли	Феъл негизи	Буйруқ майли бирлик сони
I	dare	da	da - бер!
II	miscere	misce	misce - аралаштир!
III	solvere	solv	solve - эрит!
IV	audire	audi	audi - эшит!

Буйруқ майли кўплик сонини ҳосил қилиш учун I,II,IV-турланишдаги феълларнинг феъл негизига - te кўшимчаси, III-турланишдаги феъллар негизига - ite кўшимчасини қўшиш керак.

Турланиш	Феълнинг ноаниқ шакли	Феъл негизи	Буйруқ майли бирлик сони
I	dare	da	date-беринг!
II	miscere	misce	miscete-аралаштиринг!
III	solvere	solv	solvite-эритинг!
IV	audire	audi	audite-эшитинг!

13-машқ

Қуйидаги феълларнинг буйруқ майлини ҳосил қилинг.

Destillare, miscere, extendere, finire, formare, recipere, addere, signare.

Намуна:

Феъл	Турланиш	Негиз	Буйруқ майли	
			бирлик	кўплик
dare	I	da	da	date

14-§. Қуйидаги феълларни ёд олинг!

I-турланиш

dare - бермоқ

depurare - тозалamoқ

filtrare - сузmoқ, тинитmoқ

sterilizare - стерилизация қилmoқ

colare - сузmoқ

formare - ташкил этmoқ

destillare - дистилляция қилmoқ

signare - белгилаmoқ

servare - сақлаmoқ

parare - тайёрлаmoқ

refrigerare - совитmoқ

II-турланиш

continere - сақламоқ, тутмоқ

miscere - аралаштирмоқ

III-турланиш

recipere - олмоқ

extendere - суртмоқ

addere - қўшмоқ

solvere - эритмоқ

vertere - айлантirmoқ, бурамоқ, ўтирмоқ

concidere - кесмоқ, қирқмоқ

coquere - қайнатмоқ

ponere - солмоқ, етказиб қўймоқ

sumere - қабул қилмоқ, дори ичмоқ

repetere - такрорламоқ, қайталамоқ

dividere - бўлмоқ, ажратмоқ

contundere - туймоқ

extrahere - ажратиб олмоқ

IV-турланиш

finire - тамомламоқ

Уйга вазифа.

I. "Феъл, феъл негизи ва буйруқ майли" мавзуларини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Лотин тилида феъллар нечта турланишда турланади?

2. I - турланишдаги феъллар қандай қўшимчага эга?

3. II - турланишдаги феъллар қандай қўшимчага эга?

4. III ва IV-турланишдаги феълларнинг қўшимчаларини айтинг.

5. Феълнинг негизини қандай аниқлаш мумкин?

6. I, II ва IV - турланишдаги феълларнинг буйруқ шакли қандай ҳосил қилинади?

7. III - турланишдаги феълларнинг буйруқ шакли қандай ҳосил қилинади?

II. 14-§ даги феълларни ёд олинг.

III. Чап устундаги лотинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

1) dare

2) sterilisare

3)olvere

4) depurare

5) formare

6) extendere

7) vertere

8) addere

9) recipere

10) miscere

a) эритмоқ

b) аралаштирмоқ

c) суртмоқ

d) бермоқ

e) қўшмоқ

f) ташкил этмоқ

d) олмоқ

h) стерилизация қилмоқ

i) айлантirmoқ, бурамоқ

j) тозалармоқ

IV. Қўйидаги феълларнинг буйруқ майлини ҳосил қилинг.
servare, refrigerare, continere, finire

V. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Enfluran, Trichloroethylenum, Aethylchloridum, Cyclopropane, Hexenale, Cyclobarbitale solubile, Endodorm, Methylhexobarbitale, Thiopentalum-natrium, Farmotal, Intraval, Ketamini hydrochloridum, Velonarcon, Methohexital, Propanidide, Sombrevin, Nitrozepam, Nitrenpax, Hipnax, Calsmin, Dormicum, Pacisyn, Nitrosam, Serenex, Flunitrazepam, Narcozep, Sedex, Nuctanol, Lendormin, Halcion, Chlorazolum, Bromisovalum, Zolpidem, Doxylamine, Hemineurin, Phenobarbitale, Benzonalum, Trimethinum, Ethosuximidum, Puphemidum, Carbamazepine, Acediprolum, Lamotrigine, Felbamate, Chloraconum, Chlorali hydras, Methindionum, Mydocalm, Baclofen, Tizanidine, Myolgin, Aminazinum, Levomepromazine, Methetazinum, Aethaperazinum, Triftazinum, Phthorphenazinum decanoate, Pipotiazine, Thioridazine.

5-дарс

15-§. От

Предмет номини билдириб, ким? нима? саволига жавоб берадиган сўз туркумига от дейилади. Отлар лотин тилида учта родга эга:

genus masculinum - мужской род
genus femininum - женский род
genus neutrum - средний род

Отларнинг родлари лугатда махсус ҳарфлар ёрдамида белгиланади:

m - мужской род
f - женский род
n - средний род

Лотин тилида отлар иккита сонга эга:

Numerus Singularis - бирлик сон
Numerus Pluralis - кўплик сон

Лотин тилида ҳам худди ўзбек тилидагидек олти келишик мавжуд. Фармацевтика атамашунослигида отлар асосан бешта келишик бўйича турланади:

Casus Nominativus - бош келишик - ким? нима?
Casus Genetivus - қаратқич келишиги - кимнинг? ниманинг?
Casus Dativus - жўналиш келишиги - кимга? нимага?
Casus Accusativus - тушум келишиги - кимни? нимани?
Casus Ablativus - чиқиш келишиги - кимдан? нимадан?

Лотин тилида отлар бешта турланишга бўлинади. Турланиш тури қаратқич келишиги (Genetivus Singularis)нинг бирлик сондаги келишик қўшимчасига қараб аниқланади.

Genetivus Singularis нинг турланиш қўшимчаларини ёд олинг!

Турланиш	Gen. Sing
I	ae
II	i
III	is
IV	us
V	ei

Луғатда отлар бош келишик бирлик сони (Nominativus Singularis) да ёзилади, кейин қаратқич келишигининг бирликдаги (Genetivus Singularis) қўшимчаси ва роди кўрсатилади:

planta, ae, f - I турланишдаги от
 sirupus, i, m - II - турланишдаги от
 liquor, is, m - III - турланишдаги от
 fructus, us, m - IV - турланишдаги от
 res, ei, f - V - турланишдаги от

Отларни турлашда уларнинг негизини аниқлай билиш лозим. Отларнинг негизини аниқлаш учун Genetivus Singularis шаклидан келишик қўшимчасини олиб ташлаш керак.

Nom. Sing.	Gen. Sing.	Негизи
betula	betulae	betul
sirupus	sirupi	sirup
liquor	liquoris	liquor
spiritus	spiritus	spirit
species	speciei	speci

14-машқ

Отларни ўқинг ва родини айтинг.

papaverinum, n; percolatio, f; hepar, n; fructus, m; plantago, f;
 cina, f; pulvis, m; gemma, f; atrium, n; nota, f; provisor, m; antidotum,
 n; apis, f; triticum, n; planta, f; patria, f.

15-машқ

Женский роддаги отларни кўрсатинг.

- | | |
|-------------|--------------|
| 1) oryza, f | 4) sorbus, f |
| 2) os, n | 5) hortus, m |
| 3) manus, f | 6) salep, n |

16-машқ

Отларнинг турланишини ва родини аниқланг.

- | | |
|----------------------|-------------------|
| 1) rheum, i, n | 7) quercus, us, m |
| 2) chamomilla, ae, f | 8) resina, ae, f |

- 3) hydrargyrum, i, n
- 4) species, ei, f
- 5) familia, ae, f
- 6) sepsis, is, f

- 9) succus, i, m
- 10) spiritus, us, m
- 11) serum, i, n
- 12) creta, ae, f

17-машқ

IV-турланишидаги отларни кўрсатинг.

- 1) globulus, i, m
- 2) habitus, us, m
- 3) sirupus, i, m
- 4) morbus, i, m
- 5) exitus, us, m
- 6) succus, i, m

18-машқ

II-турланишдаги средний роддаги отларни кўрсатинг.

- 1) magnolia, ae, f
- 2) ferrum, i, n
- 3) aegrotus, i, m
- 4) cornu, us, n
- 5) decoctum, i, n
- 6) ampulla, ae, f
- 7) secale, is, n
- 8) acidum, i, n

19-машқ

Қуйидаги Genetivus Singularis га берилган отларни кўчириб ёзинг, негизини топинг ва турланишини кўрсатинг.

guttae, dosis, infusi, usus, decocti, officinae, carbonis, gustus, emplastri, scabiei.

Намуна:

Genetivus Singularis	Негизи	Турланиши
plantae	plant	I

20-машқ

Қуйидаги отларни турланишлари ва роглари бўйича устунларга ёзинг.

Belladonna, ae, f; iodium, i, n; tussis, is, f; herba, ae, f; cutis, is, f; urtica, ae, f; glacies, ei, f; linum, i, n; habitus, us, m; oxycoccus, i, m; charta, ae, f; acus, us, f; remedium, i, n; diagnosis, is, f; acetum, i, n; dies, ei, f; ribes, is, n; species, ei, f.

16-§. I-турланишдаги отлар

I -турланишга бош келишик бирлик сони (Nominativus Singularis)да **а**, қаратқич келишик бирлик сони (Genetivus Singularis)да **ае** қўшимчасига эга бўлган женский роддаги отлар киради.

Масалан: gemma, ae, f; aqua, ae, f

I - турланишдаги отларнинг келишик қўшимчалари.

y1838

Турланиш намунаси

Casus	Singularis	Pluralis
Nom.	a	ae
Gen.	ae	arum
Dat.	ae	is
Acc.	am	as
Abl.	a	is

Casus	Singularis	Pluralis
Nom.	gemma	gemmae
Gen.	gemmae	gemmarum
Dat.	gemmae	gemmis
Acc.	gemmam	gemmas
Abl.	gemma	gemmis

Эслаб қолинг!

Лотин фармацевтика атамашунослигида дори номлари ва доривор ўсимликлар номи бош ҳарф билан ёзилади.

Масалан: Analginum, i, n - анальгин

Betula, ae, f - қайин

17-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

tinctura, ae, f - настойка

mixtura, ae, f - микстура

aqua, ae, f - сув

tabuleta, ae, f - таблетка

herba, ae, f - ўт, ер устки қисми

tela, ae, f - дока

cera, ae, f - мум

pilula, ae, f - җабдори

scatula, ae, f - қутича

planta, ae, f - ўсимлик

gemma, ae, f - куртак

massa, ae, f - масса

gutta, ae, f - томчи

gelatina, ae, f - желатин

glandula, ae, f - без

materia, ae, f - модда

Valeriana, ae, f - валериана

Betula, ae, f - қайин

Tilia, ae, f - жўка
 Farfara, ae, f - оққалдирмоқ
 Convallaria, ae, f - марваридгул
 Senna, ae, f - сано
 Mentha, ae, f - ялпиз
 Chamomilla, ae, f - мойчечак
 Belladonna, ae, f - белладонна
 Urtica, ae, f - газанда, чаёнўт
 Calendula, ae, f - тирноқгул

21-машқ

Жагвалдан фойдаланиб, қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишиқ, бирлик ва кўплик сон шакллариғи ҳосил қилинг.
 настойка, таблетка, сув, масса, ўсимлик, модда.
 Намуна:

Nom. Sing.	Турл.	Род	Gen.Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
gemma- куртак	I	f	gemmae- куртакнинг	gemmae- куртаклар	gemmaum- куртак- ларнинг

22-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Date mixturam aegrotas. 2. Colligite plantas. 3. Praeparate tinturas. 4. Depura ceram. 5. Filtra tinturam. 6. Formate pilulas. 7. Exsiccate gemmas. 8. Lavate ollas. 9. Sterilise telam.

23-машқ

Лотин тилига таржима қилинг.

1. Настойкани тайёрланг. 2. Таблеткани беринг. 3. Микстурани беринг. 4. Ер устки қисмини йиғинг ва қуритинг. 5. Сувни дистилляция қилинг. 6. Микстурани сузиб тиндиринг. 7. Бинтга суртинг. 8. Докани стерилланг.

Уйга вазифа.

I. "От ва I- турланишидаги отлар" мавзуларини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамда билимларингизни текшириб кўринг:

1. Лотин тилида отлар нечта рогга эга?
2. Луғатда отларнинг рог белгиси қандай кўрсатилади?
3. Отлар нечта сонга эга?
4. Фармацевтика атамашунослигига қайси келишиқлар кўп қўлланилади?

5. Отларнинг турланиши қайси келишиқ қўшимчасига қараб аниқланади?

6. Отларнинг луғат шакли қандай ёзилади?

7. Қайси отлар I-турланишга киради?

8. *Род*, сон ва келишиқларнинг лотинча номларини айтинг.

II. 17-§ даги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги лотинча сўзларнинг ўнг устундаги эквивалентларини топинг.

- | | |
|------------------------|-----------------------|
| 1) <i>aqua</i> | a) куртак |
| 2) <i>gutta</i> | b) жўка |
| 3) <i>herba</i> | c) валериана |
| 4) <i>cera</i> | d) ялпиз |
| 5) <i>gemma</i> | e) газанда, чаёнўт |
| 6) <i>pilula</i> | f) ўт, ер устки қисми |
| 7) <i>Betula</i> | g) настойка |
| 8) <i>Valeriana</i> | h) ўсимлик |
| 9) <i>glandula</i> | i) дока |
| 10) <i>planta</i> | j) мойчечак |
| 11) <i>Convallaria</i> | k) сув |
| 12) <i>Mentha</i> | l) қутича |
| 13) <i>Chamomilla</i> | m) қайин |
| 14) <i>Urtica</i> | n) марвариггул |
| 15) <i>Calendula</i> | o) томчи |
| 16) <i>scatula</i> | p) модда |
| 17) <i>Tilia</i> | q) ҳаб дори |
| 18) <i>tinctura</i> | r) без |
| 19) <i>tela</i> | s) тирноқгул |
| 20) <i>materia</i> | t) мум |

IV. Қўйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишиқ, бирлик ва кўплик сон шакллари ҳосил қилинг.

ҳаб дори, *ер устки қисми*, *микстура*.

V. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Chlorprothixene, Zuclopentixol, Haloperidole, Thalamonal, Fluspiriline, Penfluridole, Azaleptinum, Carbidinum, Sulpiride, Sibazonum, Nozepamum, Gidazepamum, Alprazolam, Amizylum, Hydroxyzine, Oxylidinum, Mebicarum, Stressplant, rhizoma cum radicibus Valerianae, Valocormidum, Valosedan, Corvalolum, Valocordin, Dormiplant, Bromcamphora, Pyrazidolum, Tetrindolum, Incazanum, Befolum, Imipraminum, Amitriptyline, Damileni maleinas, Phthoracizinum, Fluoxetine, Fluvoxamine, Sydnophenum, Lithii carbonas, Lithii oxybutyras, Pyracetam, Aminalonum, Pantogamum, Picamilonum, Pyriditolum, Acephenum, Memoplant, Coffeinum natrio - benzoicum, Aethimizolum, Bemithylum, Phenaminum, Sydnocarbium, Sulfocamphocainum, Cordiaminum, Cytisinum, Anabasinum hydrochloridum, Strychninum.

6-дарс

18-§. Аниқловчи

Лотин тилида мослашган ва мослашмаган аниқловчилар қўлланилади. Мослашган аниқловчи сифат билан ифодаланади ва аниқланувчи сўз билан бир хил род, сон ва келишиқда туради. У «қандай?» «қанақа?» деган саволларга жавоб беради.

оқ мум

Мослашмаган аниқловчи қаратқич келишигидаги от билан ифодаланади ва «ниманинг?» деган саволга жавоб беради.

валериананинг настойкаси


(валериана настойкаси)

Фармацевтика атамашунослигида атамаларнинг икки асосий турини ажратиш мумкин:

- 1) мослашган аниқловчи атама;
- 2) мослашмаган аниқловчи атама;

Атамаларнинг ҳар бир турига шартли тасвир тузиш мумкин:

1. Мослашган аниқловчи атама:




Отни O, сифатни C деб белгилаймиз. Атаманинг шартли тасвири қуйидагича бўлади:

O → C (Nom.)

2. Мослашмаган аниқловчи атама:

ниманинг?




24-машқ

Қуйидаги атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, уларнинг қандай аниқловчи атама эканлигини аниқланг.

ялпиз суви, чўктирилган олтингугурт, қайтарилган темир, иситмани туширадиган микстура, амидопирин таблеткаси, желатинли капсула, қайин куртаги, мойли эмульсия, сувсиз ланолин, оққалдирмоқ барглари, новокаин эритмаси, аналгин таблеткаси.

19-§. Мослашмаган аниқловчили атамаларни таржима қилиш

Атамани таржима қилиш учун аввал унинг шартли тасвирини тузамиз.



Шартли тасвирга кўра, биринчи от «настойка»ни латин тилига таржима қилганда бош келишикка, иккинчи от «валериана»ни қаратқич келишикка қўйишимиз керак.

Таржима қиламиз:

Nom. *tinctura Valerianae*

Мослашмаган аниқловчили атамани келишиклар бўйича турлаганда фақат аниқланувчи сўз ўзгариб, мослашмаган аниқловчи эса ўзгармасдан қолади.

Nom. *tinctura Valerianae*

Gen. *tincturae Valerianae*

20-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

bacca, ae, f - резавор мева, данаксиз мева

officina, ae, f - дорихона

ampulla, ae, f - ампула

lingua, ae, f - тил

capsula, ae, f - капсула

pasta, ae, f - паста

spongia, ae, f - губка

membranula, ae, f - парда

camphora, ae, f - камфора

charta, ae, f - қоғоз

Althaea, ae, f - гулхайри

Rubia, ae, f - рўян

Glycyrrhiza, ae, f - ширинмия, қизилмия

Liquiritia, ae, f - ширинмия, қизилмия

Aralia, ae, f - аралия

Sterculia, ae, f - стеркулия

Salvia, ae, f - маврак

Tormentilla, ae, f - гозпанжа

Schizandra, ae, f - лимонник


Sophora, ae, f - тухумак
 Arnica, ae, f - арника
 Ephedra, ae, f - эфедра, қизилча
 Gentiana, ae, f - газакўт, эрбаҳоси
 Euscommia, ae, f - эвкоммия, хитой гуттаперча дарахти
 Amygdala, ae, f - бодом
 massa pilularum, massae - ҳабдори массаси
 pilularum

25-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Nom.* ва *Gen.* да латин тилига таржима қилинг.

1. тирноқгул настойкаси
2. ялпиз таблеткаси
3. марваридгулнинг ер устки қисми
4. арника настойкаси
5. газакўт настойкаси
6. ялпиз суви
7. бодом суви
8. белладонна настойкаси.

Намуна:



Nom. tinctura Urticae
Gen. tincturae Urticae

26-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

tinctura Valerianae, aqua Menthae, tinctura Convallariae, massae pilularum, tinctura Belladonnae, glandulae pilularum, tinctura Tormentillae, massa gelatinae, herba Ephedrae.

27-машқ

Қуйидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг ва мослаш-маган аниқловчини кўрсатинг.

1. Da aegrotae tincturam Valerianae.
2. Addite massam pilularum.
3. Infunde aquam Menthae.
4. Misce tincturam Belladonnae et tincturam Convallariae.
5. Concide herbam Menthae.

28-машқ

Латин тилига таржима қилинг.

1. Ялпизнинг сувидан ол. 2. Марваридгулнинг ер устки қисмини қурит. 3. Лимонникнинг настойкасидан бер. 4. Эфедранинг ер устки қисмини қирқинг. 5. Газақутнинг настойкасини сузинг.

21-§. Предлоглар

Қўп тиббий ва фармацевтика иборалари предлоглар ёрдамида ҳосил қилинади. Латин тилида предлоглар фақат икки келишик *Accusativus* ва *Ablativus* билан ишлатилади.

Accusativus да ишлатиладиган предлоглар:

ad - учун, гача, -да, га - **ad aegrotam** - беморга

per - орқали - **per vaginam** - қин орқали

contra - қарши - **contra anginam** - ангинага қариш

Ablativus да ишлатиладиган предлоглар:

sine - сиз - **sine aqua** - сувсиз

pro - учун - **pro aqua** - сув учун

ex - дан - **ex aqua** - сувдан

cum - билан - **cum aqua** - сув билан

Accusativus ва *Ablativus* да ишлатиладиган предлоглар:

in - га, - да - **in aquam** - сувга (*Acc.*)

in aqua - сувда (*Abl.*)

sub - остига, остида - **sub linguam** - тил остига (*Acc.*)

sub lingua - тил остида (*Abl.*)

22-§. Боғловчилар

et - ва - **tinctura et mixtura** - настойка ва микстура

aut - ёки - **Convallaria aut Valeriana** - (икки хил маънони англатувчи сўзлар ўртасига қўйилади) - марваридгул ёки белладонна

seu - ёки - **Glycyrrhiza seu Liquiritia** (бир хил маънони англатувчи яъни синоним сўзлар ўртасига қўйилади) - ширинмия ёки қизилмия.

29-машқ

Латин тилига таржима қилинг.

1) қоғоз орқали

2) настойкага

3) желатиндан

4) резавор мевалар билан

5) маврақдан

6) рўядан

7) арника ёки аралия

8) таблетка ва ампула

9) дорихонага

10) ер устки қисми билан

30-машқ

Чап устундаги лотинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|-----------------|------------------|
| 1) in capsulam | a) тил остида |
| 2) in capsula | b) капсулада |
| 3) sub chartam | c) қоғоз остида |
| 4) sub charta | d) дорихонага |
| 5) in officinam | e) қутича остига |
| 6) in officina | f) капсулага |
| 7) sub scatulam | g) дорихонада |
| 8) sub scatula | h) тил остига |
| 9) sub linguam | i) қутича остида |
| 10) sub lingua | j) қоғоз остига |

31-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Miscete tincturam Valerianae cum tinctura Convallariae.
2. Praeparate capsulas ex gelatina.
3. Filtrate mixturam per chartam.
4. Date aegrotae ampullas cum camphora.
5. Colligite et exsiccate herbas ad officinam.
6. Ponite tabulettam in aquam.
7. Aralia aut Sterculia.
8. Glycyrrhiza seu Liguiritia.

32-машқ

Нуқталар ўрнига предлоглардан мосини қўйиб, гапларни ёзинг. Гапларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Sumite tabulettam . . . horam.
2. Date pilulas . . . scatula.
3. Praeparate pilulas . . . massa pilularum.
4. Date ollam . . . gemmis Betulae.
5. Solve tabulettam . . . aqua.

Ўйга вазифа.

I. "Аниқловчи; мослашмаган аниқловчи атамаларни таржима қилиш; предлог ва боғловчилар" мавзуларини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

- 1) Қандай аниқловчиларни биласиз?
- 2) Мослашган аниқловчи деб қандай аниқловчига айтилади?
- 3) Мослашмаган аниқловчи қайси сўз туркуми билан ифодаланади?
- 4) Мослашмаган аниқловчи атама лотин тилига қандай таржима қилинади?
- 5) Accusativus билан қайси предлоглар ишлатилади?
- 6) Қайси предлоглар Ablativus да ишлатилади?
- 7) Қайси боғловчиларни биласиз?

II. 20-§ даги сўзларни ёғ олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги эквивалентларини топинг.

- | | |
|------------------------|-----------------------|
| 1) <i>lingua</i> | a) резавор мева |
| 2) <i>Rubia</i> | b) ғозпанжа |
| 3) <i>Sophora</i> | c) қоғоз |
| 4) <i>bacca</i> | d) лимонник |
| 5) <i>charta</i> | e) тил |
| 6) <i>Glycyrrhiza</i> | f) бодом |
| 7) <i>Schizandra</i> | g) тухумак |
| 8) <i>Amygdala</i> | h) газакўт, эрбаҳоси |
| 9) <i>Gentiana</i> | i) рўян |
| 10) <i>Tormentilla</i> | j) ширинмия, қизилмия |

IV. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Not. va Gen.* да латин тилига таржима қилинг.

1. лимонник настойкаси 2. аралия настойкаси 3. желатин массаси 4. эфедранинг ер устки қисми.

V. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Johimbine, radix Ginseng, Ginsana, Ecdistenum, Pantocrinum, Cyclodolum, Aethpenalum, Morphinum, Omnoponum, Morphilongum, Codeini phosphas, Aethylmorphini hydrochloridum, Nalorphine Hydrochloride, Pentazocine, Butorphanol, Promedolum, Phentanylum, Remifentanil, Aesthocinum, Naloxone, Hydrochloride, Antipyrinum, Propyphenazone, Paracetamol, Ketorolac, Acidum acetylsalicylicum, Natrii salicylas, Methylii salicylas, Butadionum, Ibuprofen, Ortophenum, Naproxen, Piroxicam, Acidum mephenamicum, Sulindac, Diflunisal, Meloxicam, Dimexidum, Chole conservata medicata, Bishofit, Glaucini hydrochloridum, Broncholytin, Bithiodinum, Libexin, Apomorphinum, Dimethpramidum, Ondansetron, Granisetron, Acetylcholinum, Carbocholinum, Cisapride, Pilocarpinum.

7-дарс

23-§. Аниқлик ва мажҳуллик нисбатлари

Латин тилида феълларнинг иккита нисбати бор:

аниқлик нисбати (*Activum*)

мажҳуллик нисбати (*Passivum*).

Латин фармацевтика атамашунослигида аниқлик ва мажҳуллик нисбатида феъллар ҳозирги замон III - шахсда қўлланилади.

Аниқлик нисбати III - шахс бирлик сонини ҳосил қилиш учун феъл негизига - **t**, кўплик сонини ҳосил қилиш учун эса - **nt** қўшимчасини қўшиш лозим.

Мажҳуллиқ нисбати III - шахс бирлик сонини ҳосил қилиш учун феъл негизига - **tur**, кўплик сонини ҳосил қилиш учун эса - **ntur** қўшимчасини қўшиш лозим.

III-шахс	Activum	Passivum
Singularis	t	tur
Pluralis	nt	ntur

I-турланиш

Dare-бермоқ (негизи -da)

Activum

III-шахс бирлик dat - у бераяпти

III-шахс кўплик dant - улар беришаяпти

Passivum

III-шахс бирлик datur - берилсин

III-шахс кўплик dantur- берилсин.

II-турланиш

Miscere - аралаштирмоқ (негизи - misce)

Activum

III-шахс бирлик miscet - у аралаштиряпти

III-шахс кўплик miscent - улар аралаштиришаяпти.

Passivum

III-шахс бирлик miscetur - аралаштирилсин

miscentur - аралаштирилсин

III-турланиш

Феъл негизига бирлик сонда i, кўпликда - u ҳарфлари қўшилади.

Solvere - эритмоқ (негизи - solv)

Activum

III-шахс бирлик solvit - у эритаяпти

III-шахс кўплик solvunt - улар эритишаяпти

Passivum

III - шахс бирлик solvitur - эритилсин

III - шахс кўплик solvuntur - эритилсин

IV-турланиш

Кўпликда феъл негизи билан қўшимчаларни бирлаштирувчи - u ҳарфи қўшилади.

Audire - эритмоқ (негизи - audi)

Activum

III - шахс бирлик audit -у эшитаяпти

III - шахс кўплик audiunt - улар эшитишаяпти

Passivum

III - шахс бирлик auditur - эшитилсин

III - шахс кўплик audiuntur - эшитилсин

24-§. Esse - бор бўлмоқ феъли

Esse - бор бўлмоқ ёрдамчи феълининг ҳозирги замон
III - шахсда тусланиши куйидагича;

Бирлик

est - у бор

Кўплик

sunt - улар борлар

25-§. Гапда сўзларнинг тартиби

Латин тилида гаплардаги сўзларнинг тартиби эркиндир.
Гапларда биринчи ўринда эга, ўртасида тўлдирувчи, охирида
кесим келади.

Масалан:

Aegrota tabulettam sumit.

Бемор таблетка қабул қилаяпти.

33-машқ

*Жағвалдан фойдаланиб, куйидаги феълларнинг ҳозирги замон
шаклини ҳосил қилинг.*

белгиламоқ, бўлмоқ, стерилизация қилмоқ, суртмоқ,
тамомламоқ, қабул қилмоқ, сузмақ.

Намуна:

Феъл	Негизи	Praes. Ind. Activi		Praes. Ind. Passivi	
		III-шахс бирлик	III-шахс кўплик	III-шахс бирлик	III-шахс кўплик
parare	para	parat - у тайёрла- япти	parant - улар тайёрла- шяяпти	paratur - тайёр- лансин	parantur - тайёр- лансин

34-машқ

*Ўзбек тилига таржима қилинг. Аниқлик нисбатигади феъл-
ларнинг тагига битта чизик, мажҳулик нисбатигади феъллар-
нинг тагига иккита чизик чизинг.*

1. Collam coquit. 2. Colla coquitur. 3. Pilulas conspergunt.
4. Pilulae consperguntur. 5. Massam gelatinae refrigerat. 6. Massa
gelatinae refrigeratur. 7. Tincturam Valerianae sumit. 8. Tinctura
Valerianae sumitur. 9. Gemmas Betulae servat. 10. Gemmae Betulae
servantur. 11. Herbam Convallariae concidit. 12. Herba Convallariae
conciditur.

26-§. Рецепт ва унинг тузилиши

Рецепт - шифокорнинг дори тайёрлаш кераклиги тўғрисида дорихонага хат орқали мурожаат қилиши.

Рецепт сўзи «*receptum*» - «олинган» сўздан келиб чиққан.

Рецепт расмий ҳужжат бўлиб, уни ёзган шифокор, шу билан бирга дорини тайёрлаб берган доришунос ҳам рецептнинг тўғрилиги учун юридик жиҳатдан жавобгардир. Рецептлар ягона нусхали махсус варақаларда аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим. Рецептлардаги сўзларни тузатиш ёки ўзгартиришга рухсат этилмайди.

Рецепт тўққиз қисмдан иборат:

1. Даволаш муассасасининг манзили ва телефон рақами.
2. «Болалар учун» ёки «Катталар учун» белгилари
3. Рецепт ёзилган кун, ой, йил
4. Беморнинг исми, шарифи ва ёши
5. Шифокорнинг исми шарифи
6. Дорининг номи ва миқдори
7. Фармацевтга кўрсатма
8. Дорини қабул қилиш усули
9. Шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри

Рецептнинг олтинчи қисми латинча қисми бўлиб, у *Recipe* - ол (*recipe* - олмоқ феълининг буйруқ шакли) сўздан бошланади.

Recipe сўздан кейин ёзиб берилаётган дори таркибига кирадиган дори моддаларининг номи ёзилади. Ҳар бир ингредиентнинг номи қаратқич келишиқда янги сатрдан бош ҳарф билан ёзилади.

Recipe: *Tincturae Valerianae* 10 ml
Tincturae Convallariae 15 ml

Агар икки дори моддасининг миқдори бир хил бўлса, унда иккинчи дори номидан кейин ана - тенг миқдорда (қисқача аа) сўзи ёзилиб, сўнгра дори миқдори кўрсатилади:

Recipe: *Tincturae Convallariae*
Tincturae Valerianae ana 10 ml

Граммлар ва миллилитрлар араб рақамлари билан кўрсатиб ёзилади: 4,0; 0,5; 0,01 ва бошқалар.

Томчилар миқдори рим рақамлари билан кўрсатилади. gtt. V (guttas - томчилар)

Дори моддаларининг биологик таъсир бирлиги қисқача БТ шаклида, сони эса араб рақамлари билан ёзилади.

Рецептнинг латинча қисми Да- бер, *Signa* - белгила сўзлари билан тамомланади.

Рецептлар оддий ва мураккаб бўлади.

Битта ингредиент ёзилган рецепт оддий бўлади. Иккита ва ундан ортиқ ингредиентлар ёзилган рецептлар мураккаб ҳисобланади.

Дорини тезлик билан тайёрлаш лозим бўлса, рецепт варақасининг юқорисига cito - тезда ёки statim - тез, дарҳол сўзлари ёзилади.

Рецепт варақасининг намунаси

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Муассаса номи	ОКУД бўйича код шакли ОКПО бўйича муассаса коди 107/V сонли тиббий ҳужжат шаклини Собиқ ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган										
РЕЦЕПТ (катталар, болалар учун - кераксизи ўчирилсин) « ____ » _____ 200__ йил. (рецепт ёзилган кун, ой, йил)											
Беморнинг исми, шарифи Ёши Шифокорнинг исми, шарифи											
<table border="0" style="width: 100%;"> <tr> <td style="width: 20%;">Сўм</td> <td style="width: 5%; border-left: 1px solid black; border-right: 1px solid black;"></td> <td style="width: 20%;">тийин</td> <td style="width: 5%; border-left: 1px solid black; border-right: 1px solid black;"></td> <td style="width: 50%;"></td> </tr> <tr> <td>Сўм</td> <td style="border-left: 1px solid black; border-right: 1px solid black;"></td> <td>тийин</td> <td style="border-left: 1px solid black; border-right: 1px solid black;"></td> <td></td> </tr> </table> Шифокорнинг имзоси ва шахсий муҳри		Сўм		тийин			Сўм		тийин		
Сўм		тийин									
Сўм		тийин									
Рецептнинг муҳлати - 10 кун, 2 ой (кераксизи ўчирилсин)											

27-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

axungia, ae f - ёғ, мой
 colla, ae, f - елим
 cella, ae, f - ҳужайра
 cellula, ae, f - ҳужайрача
 Terebinthina, ae, f - терпентин
 Scopolia, ae, f - скополия
 Frangula ae, f - франгула
 Polygala, ae, f - истод
 Oliva, ae, f - зайтун
 Cucurbita, ae, f - қовоқ
 Inula, ae, f - андиз
 Sanguisorba, ae, f - сангвизорба

Rosa, ae, f - наъматак
Passiflora, ae, f - пассифлора
Leuzea, ae, f - левзея
Bistorta, ae, f - илонсимон торон
Armeniaca, ae, f - ўрик

28-§. Қуйидаги юнончадан ўтган отларни ёд олинг!

Aloë, es, f - алой
Hippophaë, es, f - чаконда
Kalanchoë, es, f - каланхой
chole, es, f - ўт, сафро

Қуйидаги ибораларни эслаб қолинг!

Da in capsulis - капсула шаклида бер
Da in tabulettis - таблетка шаклида бер
Da in ampullis - ампулада бер
Da in charta - қоғозда бер
Da in scatula - қутичада бер

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Tincturae Schizandrae 50 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 15 томчидан ичилсин.
2. Recipe: Tincturae Araliae 50 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.
3. Recipe: Tincturae Sterculiae 50 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.
4. Олинг: Арника настойкасидан 25 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.
5. Олинг: Марваридгул настойкасидан 15 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.
6. Олинг: Қайин куртагидан
Беринг.
Белгиланг: 1 ош қошиқ куртак 1 стакан сувда дам-
лансин. Кунига 3 марта 2 ош қошиқдан
ичилсин.
7. Олинг: Белладонна настойкасидан 20 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 15-20 томчидан ичилсин
8. Олинг: Марваридгул настойкасидан 10 мл
Валериана настойкасидан 10 мл

Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 15-20 томчидан ичилсин.

Уйга вазифа.

I. "Аниқлик ва мажҳуллик нисбатлари; рецепт ва унинг тузилиши" мавзуларини ўзлаштириб олинг ва қўйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Аниқлик ва мажҳуллик нисбатларининг III - шахс бирлик ва кўplik сонлари қандай ҳосил қилинади?

2. Рецепт - деганда нимани тушунасиш?

3. Рецепт нечта қисмдан иборат?

4. Рецептнинг лотинча қисми қайси сўзлар билан бошланиб, қайси сўзлар билан тугайди?

5. Дорини тезлик билан тайёрлаш лозим бўлса қандай лотинча сўзлар ёзилади?

6. Рецептда дори моддаларининг номи қайси келишикда ёзилади?

7. Огдий ва мураккаб рецептлар деганда нимани тушунасиш?

II. 27, 28-§§ даги сўз ва сўз ибораларини ёд олинг.

III. Чап устундаги лотинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

1) cella

a) зайтун

2) axungia

b) ўт, саффо

3) Oliva

c) илонсимон торон

4) Cucurbita

d) ҳужайра

5) Rosa

e) чаконда

6) Bistorta

f) истог

7) Hippophaë

g) ёғ, мой

8) chole

h) терпентин

9) Polygala

i) қовоқ

10) Terebinthina

j) наъматак

IV. Жагвал ёрдамида қўйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва кўplik сон шакллариини ҳосил қилинг.

елим, ҳужайра, зайтун.

Намуна:

Nom. Sing.	Турл.	Pog	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
aqua - сув	I	f	aquae - сувнинг	aquae - сувлар	aquarum - сувларнинг

V. Атамаларнинг шартли тасвириини тузиб, Nom. ва Gen. да лотин тилига таржима қилинг. 1. қайин куртаги 2. зайтун мойи

VI. Рецептларни таржима қилинг.

1. Recipe: *Tincturae Menthae 50 ml*

Da.

Signa: Кунига 3 марта 20 томчиган ичилсин.

2. Recipe: *Tincturae Arnicae 25 ml*

Da.

Signa: Кунига 3 марта 20 томчиган ичилсин.

3. Олинг: Валериана настойкасидан 30 мл

Беринг.

Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчиган ичилсин.

4. Олинг: Софора настойкасидан 20 мл

Беринг.

Белгиланг: Кунига 3 марта 15-20 томчиган ичилсин.

VII. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Physostigminum, Galanthaminum, Proserinum, Pyridostigmini bromidum, Oxazylum, Chinotilinum, Aminostigminum, Stephaglabrini sulfas, Desoxypeganini hydrochloridum, Alloximum, Izonitrozinum, Diaethyximum, Scopolaminum, Homatropini hydrobromidum, Platyphyllinum, Spasmolytinum, Aprophenum, Methacinum, Buscopan, Chlorozilum, Cyclozylum, Fubromeganum, Tropicamide, Cyclopentolat, Ipratropium bromide, Troventolum, Pirenzepine, Benzohexonium, Pentaminum, Imechinum, Hygronium, Camphonium, Pirilenum, Pachycarpinum, Temechinum, Tubocurarine Chloride, Diplacinum, Pipecuronium Bromide, Atracurium, Qualidilum, Mellictinum, Dithylinum, Dioxonium, Adrenalini hydrotartras, Phethanolum, Ephedrinum, Naphthyzinum, Xylometazoline, Orciprenalini sulfas, Hexoprenaline, Dihydroergotaminum.

8-дарс

29-§. II - турланишдаги отлар

II - турланишдаги отларга бирликдаги қаратқич келишиги (Genetivus Singularis) да - *i* қўшимчасига эга бўлган мужской ва средний роддаги отлар киради. Бу отлар бош келишик бирлик сон (Nominativus Singularis) да мужской родга кирса **-us,- er**, средний родга кирса **-um** қўшимчасига эга бўлади.

Масалан: succus, *i*, m

puer, *i*, m

decoctum, *i*, n

Мужской роддаги отларнинг келишик қўшимчалари

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	us, er	i
Gen.	i	orum
Dat.	o	is
Acc.	um	os
Abl.	o	is

Турланиш намунаси

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	succus	succi
Gen.	succi	succorum
Dat.	succo	succis
Acc.	succum	succos
Abl.	succo	succis

-er билан тамомланадиган кўпчилик мужской роддаги отларда турланиш вақтида -е ҳарфи, агар асосда бўлмаса, тушиб қолади. Агар асосда -е ҳарфи бўлса, келишиклар бўйича турлаганда у сақланиб қолади.

Турланиш намунаси

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	puer	puer
Gen.	pueri	puerorum
Dat.	puero	pueris
Acc.	puerum	pueros
Abl.	puero	pueris

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	magister	magistri
Gen.	magistri	magistrorum
Dat.	magistro	magistris
Acc.	magistrum	magistros
Abl.	magistro	magistris

30-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

sirupus, i, m - шарбат
 medicus, i, m - врач, шифокор
 succus, i, m - шира
 numerus, i, m - сон
 globulus, i, m - шарча
 stilus, i, m - қалам
 bacillus, i, m - таёқча
 fungus, i, m - қўзиқорин, замбуруғ
 Leonurus, i, m - арслонқуйруқ
 Helianthus, i, m - кунгабоқар
 Strophanthus, i, m - строфант
 Thymus, i, m - тоғжамбил
 Acorus calamus, i, m - оддий игир
 Rubus idaeus, i, m - малина
 Lagochilus, i, m - бозулбанг, лагохилус
 Ricinus, i, m - канақунжут
 Eleutherococcus, i, m - элеутерококк
 Hyoscyamus, i, m - мингдевона
 Myrtillus, i, m - черника

35-машқ

Қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва
 кўplik сон шаклларини жағвал ёрдамида ёзинг.
 шира, сон, ампула, капсула, қалам
 Намуна:

Nom. Sing.	Тупл.	Рог	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
sirupus - шарбат	II	m	sirupi - шарбатнинг	sirupi - шарбатлар	siruporum - шарбатларнинг

36-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг

- | | |
|------------------------------|----------------------------|
| 1. Nom. succus Kalanchoës | Gen. succi Kalanchoë |
| 2. Nom. tinctura Leonuri | Gen. tincturae Leonuri |
| 3. Nom sirupus Althaeae | Gen. sirupi Althaeae |
| 4. Nom.tinctura Strophanthi | Gen. tincturae Strophanthi |
| 5. Nom. sirupus Glycyrrhizae | Gen. sirupi Glycyrrhizae |
| 6. Nom. succus Aloës | Gen. succi Aloës |

37-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. ga лотин тилига таржима қилинг.

1. арслонқуйруқ ер устки қисми
2. гулхайри шарбати
3. черника шарбати
4. тоғжамбил ер устки қисми
5. малина шарбати
6. алой шираси
7. бозулбанг настойкаси

38-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Medicus tincturam Leonuri praescribit.
2. Praeparate sirupum ex succo Rubi idaei.
3. Date aegroto tincturam Strophanthi.
4. Sirupi coquuntur.
5. Addite in mixturam sirupum Rubi idaei.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Tincturae Strychni 5 ml
Tincturae Convallariae 10 ml
Misce. Da.
Signa: Кунига 2-3 марта 10 томчидан ичилсин.
2. Recipe: Infusi herbae Leonuri 15,0: 200 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
3. Олинг: Строфант настойкасидан 5 мл
Марваридгул настойкасидан.
Валериана настойкасидан тенг миқдорда 10 мл дан.
Аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2-3 марта 20 томчидан ичилсин.
4. Олинг: Арслонқуйруқ настойкасидан 50 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 30 томчидан ичилсин.

Уйга вазифа.

*1. "II - турланишдаги отлар" мавзусини ўзлаштириб олинг.
Мужской роддаги отларнинг келишик қўшимчаларини ёд олинг.
Қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.*

1. II - турланишга қайси отлар киради?

2. II - турланишдаги мужской роддаги отлар Nom. Sing. ва Gen. Sing. қандай қўшимчаларга эга?

3. Мужской рогдаги отларнинг *Nom Plur.* ва *Gen. Plur.* қўшимчаларини айтинг.

II. 30-§ даги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|----------------------|------------------|
| 1) <i>succus</i> | a) арслонқуйруқ |
| 2) <i>numerus</i> | b) врач, шифокор |
| 3) <i>Leonurus</i> | c) шарбат |
| 4) <i>Lagochilus</i> | d) шира |
| 5) <i>sirupus</i> | e) кунгабоқар |
| 6) <i>Ricinus</i> | f) қалам |
| 7) <i>Helianthus</i> | g) сон |
| 8) <i>bacillus</i> | h) бозулбанг |
| 9) <i>medicus</i> | i) таёқча |
| 10) <i>stilus</i> | j) канақунжут |

IV. Қўйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва кўplik сон шакллариини жагвал ёрдамида ёзинг. шарча, арслонқуйруқ, канақунжут

V. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Nom.* ва *Gen.* да латин тилига таржима қилинг.

1. арслонқуйруқ настойкаси 2. қаланхой шираси 3. черниканинг резавор мевалари 4. строфант настойкаси

VI. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Dihydroergotoxinum, Sinepres, Vasobral, Nicergoline, Phentolaminum, Tropaphenum, Pyrogloxanum, Butiroxanum, Prazosinum, Tamsulosin, Oxprenolol, Betaxolol, Labetalol, Proxofelinum, Dophaminum, Serotonini adipinas, Mexaminum, Sumatriptan, Lysuride, Methysergide, Pizotifen, Ketanserinum, Histaminum, Histaglobulinum, Betahistine, Dimedrolum, Phencarolum, Bicarphenum, Diazolinum, Suprastin, Cyproheptadine, Fexofenadine, Cromolyn sodium, Ketotifenum, Anaesthesinum, Novocainum, Lidocaini hydrochloridum, Bupivacaine hydrochloride, Trimecainum, Promecainum, Benzofurocainum, Acidum tannicum, Tannalbinum, Amylum, Aluminii hydroxydum, Almagel, Maalox, Gastal, Protab, Fosfalugel, Sucralfate, Liquor Burovi, Alumen ustum, Bismuthi subnitras, Pylorid.

9-дарс

31-§. II-турланиш средний роддаги отлар

Келишик қўшимчалари

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	um	a
Gen.	i	orum
Dat.	o	is
Acc.	um	a
Abl.	o	is

Турланиш намунаси

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	decoctum	decocta
Gen.	decocti	decoctorum
Dat.	decocto	decoctis
Acc.	decoctum	decocta
Abl.	decocto	decoctis

Средний род отларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича:

1. Accusativus Singularis = Nominativus Singularis = um

2. Accusativus Pluralis = Nominativus Pluralis = a

Бу қоида ҳамма 5та турланишдаги средний род отларига тегишли.

32-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

folium, i, n - барг

oleum i, n - мой

extractum i, n - экстракт

decoctum i, n - қайнатма

infusum i, n - дамлама

unguentum i, n - суртма

linimentum i, n - суюқ суртма

briketum i, n - брикет

aërosolum i, n - аэрозол

emulsum i, n - эмулсия

amylum i, n - крахмал

vaccinum i, n - вакцина

emplastrum i, n - малҳам

emplastrum ad clavos - қадоқ малҳами

suppositorium i, n - шамча

granulum i, n - гранула

remedium i, n - врачлик воситаси

saccharum i, n - қанд, шакар

Rheum i, n - равоч

Anisum i, n - арпабодиён, анис

Erysimum i, n - желтушник

Equisetum i, n - қирқбўғим

Linum i, n - зигир

Centaurum i, n - тиллабош

Persicum i, n - шафтоли
 Foeniculum i, n - укроп, фенхель
 Taraxacum i, n - қоқи
 Capsicum i, n - қалампир, гармдори
 Triticum i, n - бугдой

39-машқ

Қуйидаги отларнинг келишигини аниқланг.

- | | |
|-----------------|-------------------|
| 1. foliorum | 6. extracta |
| 2. olea | 7. folium |
| 3. extractus | 8. unguenta |
| 4. unguenti | 9. olei |
| 5. suppositoria | 10. suppositorium |

40-машқ

Қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва кўplik сон шакллариини жадвал ёрдамида ёзинг.

шарбат, барг, мой, шарча, қалам, экстракт, резавор мева, таёқча
 Намуна:

Nom. Sing.	Турл.	Род	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
infusum- дамлама	II	n	infusi- дамлама- нинг	infusa- дамлама- лар	infusorum- дамлама- ларнинг

41-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

folium Belladonnae, folia Helianthi, oleum Amygdalarum, oleum Anisi, aërosolum «Cametonum», granula Amydapyrini, emulsum ex oleo, extractum Convallariae, extractum Strychni, tinctura Rhei, tinctura Erysimi, oleum Hippophaës

42-машқ

Атамаларнинг шартли тасвириини тузиб, Nom. ва Gen.га лотин тилига таржима қилинг.

- қайин барги
- маврак барглари
- оққалдирмоқ барглари
- наъматак мойи
- зайтун мойи
- қанд шарбати
- сано дамламаси
- тиллабош ер устки қисми

43-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Globuli, baccili, suppositoria oleum Cacao continent.
2. Herba Sennae, Convallariae, Erysimi, Leonuri in medicina adhibetur.
3. Colate decoctum foliorum Salviae per telam.
4. Concidite folia Menthae et praeperate infusum.
5. Forma pilulas numero 25.
6. Refrigerera et cola infusum foliorum Salviae.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Extracti Aloës 1,0
Da in ampullis.
Signa: Тери остига 1 мл дан юборилсин.
2. Recipe: Emulsi olei Ricini 180,0
Sirupi Sacchari ad 200,0
Misce. Da.
Signa: 2 ош қошиқдан ич сургунча ҳар соатда ичилсин.
3. Recipe: Infusi foliorum Urticae 15,0: 200 ml
Da.
Signa: 3-4 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
4. Recipe: Decocti foliorum Farfarae 15,0: 200 ml
Da.
Signa: Ҳар 3-4 соатда 1 ош қошиқдан ичилсин.
5. Олинг: Арпабодиён мойидан 15,0
Беринг.
Белгиланг: Бир марта ичишга
6. Олинг: Арника ер устки қисми дамламасидан 10,0:200 мл дан
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан овқатдан олдин ичилсин.
7. Олинг: Кунгабоқар мойи эмульсиясидан 480,0
Камфорадан 2,0
Қанд шарбатидан 10,0
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
8. Олинг: Сано барги дамламасидан 10,0:150 мл
Равоч шарбатидан 30 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Эрталаб ва кечқурун 1 ош қошиқдан ичилсин.

Уйга вазифа.

I. II - турланиш средний роддаги отларнинг келишик қўшимчаларини ёд олинг.

II. 32-§ даги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|-------------------------|---------------------|
| 1) <i>oleum</i> | a) шамча |
| 2) <i>folium</i> | b) дамлама |
| 3) <i>Rheum</i> | c) малҳам |
| 4) <i>suppositorium</i> | d) қайнатма |
| 5) <i>emplastrum</i> | e) суртма |
| 6) <i>Anisum</i> | f) мой |
| 7) <i>unguentum</i> | g) суюқ суртма |
| 8) <i>decoctum</i> | h) равоч |
| 9) <i>infusum</i> | i) арпабодиён, анис |
| 10) <i>linimentum</i> | j) барг |

IV. Қўйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва қўплик сон шакллари жадвал ёрдамида ёзинг. шакар, малҳам, шира, куртак.

V. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen.ga лотин тилига таржима қилинг.

- 1) арпабодиён мойи
- 2) канақунжут мойи
- 3) равоч шарбати
- 4) газанда барглари

VI. Рецептларни таржима қилинг:

- 1) Олинг: Укроп сувидан 200 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 5-6 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
- 2) Олинг: Маврак баргларининг дамламасидан 20,0:200 мл
Беринг.
Белгиланг: Чайқаш учун.

VII. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Xeroformium, Dermatolum, Magnesii oxydum, Magnesii subcarbonas, granulae «Calmaginum», Calcii carbonas praecipitatus, Plumbi acetas, folia Menthae piperitae, Mentholum, balsamum «Stella auraria», fructus Capsici, unguentum contra congelationem, Capsitrium, linementum Capsici camphoratum, emplastrum Capsici, succus Plantaginis, Plantaglucidum, folia Menyanthidis trifoliata, chloroformium, linimentum Chloroformii compositum, Chlorobutanoli hydras, aërosolum «Camethonum», unguentum «Antipsoriaticum»,

solutio Ammonii caustici, tabulettae «Apiphorum», Apisartron, Vipraxinum pro injectionibus, Najaxinum, Viprosalum, cortex Frangulae, Alnus, Antrasenninum, Senadexinum, Senade, Cafiolum, Regulax, Laminaria saccharina, Forlax, Phenolphthaleinum, Isapheninum, Bisacodyl, Guttalax, sal carolinum factitium, oleum Vaselini, suppositoria cum Glycerino, Norgalax, fructus Anethi graveolentis, Simethicone, radices Althaeae.

10-дарс

33-§. II турланиш женский роддаги отлар

Истисно тариқасида II турланишга женский роддаги баъзи бир отлар киради. Булар:

1. Дарахт ва буталар номи: Eucalyptus, i, f .
2. Юнончадан ўтган тўртта от: bolus, i, f; crystallus, i, f; methodus, i, f; periodus; i, f.

II турланиш женский роддаги отлар келишиклар бўйича II-турланишдаги мужкой роддаги отлар сингари турланади.

Турланиш намунаси

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	bolus	boli
Gen.	boli	bolorum
Dat.	bolo	bolis
Acc.	bolum	bolos
Abl.	bolo	bolis

34-§. Қўйидаги отларни ёд олинг!

bolus, i, f - гил, тупроқ
 crystallus, i, f - кристалл
 Pinus, i, f - қарағай
 Eucalyptus, i, f - эвкалипт
 Juniperus, i, f - арча
 Rhamnus, i, f - итжумрут
 Citrus, i, f - лимон (дарахт)
 Alnus, i, f - қандағоч , ольха
 Crataegus, i, f - дўлана (дарахт)
 Strychnos, i, f - кучала (дарахт)
 adulti, orum, i, f - катталар .
 pro adultis, - катталар учун
 Viburnum, i, n - калина, бодрезак
 Helihrysum, i, n - бўзnoch

Polemonium, i, n - полемониум
 Millefolium, i, n - бўймадарон
 Trifolium(i) fibrinum(i) - учбарг
 Peganum(i) harmala (ae) - оддий исирик
 Hypericum, i, n - сариқчай, қизилпойча
 Oleum(i) Ricini - канақунжут мойи
 Oleum(i) Terebinthinae - скипидар
 Uva(ae) ursi - толокнянка
 Datura(ae) stramonium(i) - бангидевона

44-машқ

Қўйидаги отларнинг родини аниқланг.

- | | |
|---------------|---------------|
| 1) sirupus | 6) Rhamnus |
| 2) globulus | 7) Helianthus |
| 3) bolus | 8) stilus |
| 4) crystallus | 9) Crataegus |
| 5) Pinus | 10) Alnus |

45-машқ

Қўйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва кўплик сон шаклларини жагвал ёрдамида ёзинг.

шира, кристалл, лимон, қайнатма, паста, дамлама, модда.

Намуна:

Nom. Sing.	Турл.	Род	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
sirupus- шарбат	II	m	sirupi- шарбатнинг	sirupi- шарбатлар	siruporum- шарбат- ларнинг

46-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

- | | |
|---------------------|----------------------------|
| 1) tabuletta Inulae | 6) baccae Rubi idaei |
| 2) oleum Eucalypti | 7) herba Millefolii |
| 3) baccae Juniperi | 8) folium Hyoscyami |
| 4) infusum foliorum | 9) linimentum Aloës |
| 5) folia Salviae | 10) aërosolum «Camethonum» |

47-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. га латин тилига таржима қилинг.

1. лимон мойи
2. эвкалипт барглари
3. кунгабоқар мойи
4. газакўт экстракти

5. чаёнўт барглариниг дамламаси
6. қарағай куртакларинг қайнатмаси

48-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Da aegrotae decoctum gemmarum Pini.
2. Oleum Ricini in capsulis datur.
3. Oleum Terebinthinae ex Pino conficitur.
4. Praeparatum Cardiovalenum extractum Crataegi continet.
5. Sirupus Glycyrrhizae, sirupus Sacchari, sirupus Citri in medicina adhibentur.
6. Pilula in officina praeparantur.

49-машқ

Лотин тилига таржима қилинг.

1. Қанд шарбати сув ва шакардан тайёрланади.
2. Маврак баргларида дамлама тайёрланг.
3. Чаёнўт баргларида дамлама ва экстракт тайёрлашади.
4. Қарағай куртагидан қайнатма тайёрланг.

50-машқ

Нотўғри таржима қилинган атамаларни топинг.

Oleum Ricini, infusum gemmorum Betulae, tincture Valerianae, globula et suppositoriae, tinctura Strychosi, sirupi Rubi idaei, tinctura Leonurae, oleum Anisi.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Olei Eucalypti 2,0
Olei Terebinthinae 8,0
Misce. Da.
Signa: 15 томчидан солиб ингаляция қилинсин.
2. Recipe: Infusi baccarum Juniperi ex 10,0: 200 ml
Da.
Signa: Кунига 3-4 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
3. Recipe: Decocti gemmarum Pini ex 10,0: 200 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
4. Recipe: Infusi foliorum Eucalypti ex 10,0 :200 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
5. Олинг: Скипидардан 10,0
Беринг.
Белгиланг: 1 стакан сувга 10-15 томчидан солиб,
ингаляция қилинсин.

6. Олинг: Дўлана настойкасидан 20 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 20-30 томчидан ичилсин.
7. Олинг: Эвкалипт мойидан
Арпабодиён мойидан тенг миқдорда 10,0 дан
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Ингаляция учун
8. Олинг: Кучала настойкасидан 5 мл
Лимонник настойкасидан 20мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 20-25 томчидан ичилсин.

Уйга вазифа.

I. «II - турланиш женский роддаги отлар» мавзусини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. II - турланиш женский роддаги отларга қайси отлар киради?
2. II - турланиш женский роддаги отлар Nom. Plur. ва Gen. Plur. га қандай қўшимчаларга эга?
3. Женский роддаги отлар Nom. Sing. ва Gen. Sing. га қандай қўшимчаларга эга?

II. 34-§ гаги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|-----------------------|---------------------|
| 1) <i>Alnus</i> | a) дўлана |
| 2) <i>Viburnum</i> | b) бўймоғарон |
| 3) <i>Helichrysum</i> | c) қарагай |
| 4) <i>Millefolium</i> | d) лимон |
| 5) <i>Crataegus</i> | e) қанғағоч |
| 6) <i>Rhamnus</i> | f) арча |
| 7) <i>Juniperus</i> | g) итжумрут |
| 8) <i>Citrus</i> | h) бўзоч |
| 9) <i>Pinus</i> | i) гил, тупроқ |
| 10) <i>bolus</i> | j) калина, бодрезак |

IV. Қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва кўplik сон шаклларни жадвал ёрдамида ёзинг.

дўлана, арча, зиғир, оққалдирмоқ.

V. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. га латин тилига таржима қилинг.

- | | |
|---------------------------|----------------------|
| 1) тилабош ер устки қисми | 3) укроп мойи |
| 2) богдом мойи | 4) дўлана настойкаси |

VI. Рецептларни таржима қилинг.

- 1) Олинг: Чаконда мойидан 30 мл
Беринг.

Белгиланг: Сиртдан ишлатиш учун

2) Олинг: Ментолдан
Кунгабоқар мойидан 20,0
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Ментоли мой

VII. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Mucaltinum, radices Glycyrrhizae, Glycyrramum, folia Plantaginis majoris, herba Thymi serpylli, Pertussinum, Terpinum hydratum, Lycorini hydrochloridum, Amaryllidaceae, Acetylcysteinum, Carbocysteine, Bromhexinum, Ambroxolum, Curosurf, Exosurf, Digitalis purpurea, Cordigitum, Digitoxinum, Medilasidum, Celanidum, Lantosidum, herba Adonidis vernalis, Adonisidum, Strophanthinum, Strophanthidini acetas, Corgluconum, Cardiovalenum, Amrinone, Milrenone, Vesnarinone, Chinidinum, Chinidendurules, Quinilentum, Novacainamidum, Disopyramide, Mexiletini, Propafenone, Aetmozinum, Aethacizinum, Ajmaline, Neo-Gilurythmal, Pulsnorma, Allapininum, Amiodarone, Nibentanum, Sotalol, Ornidum, Nitroglycerinum, Perlinganit, Sustabuccal, Nitrosorbidum, Erynitium, Amylii nitris, Molsidomine, Nonachlazinum, Carbocromen, Bepidile Hydrochloride, Nicorandil, Cinnarizine, Flunarizine, Cavinton, Vincanorum, Aprestinum, Papaverinum, No-Spa, Nicospanum, Phenicaberanum, Dibazolum, Diprophenum, Gangleronum, Theobrominum, Theophyllum, Theopecum.

11-дарс

35-§. Доривор препаратлар номи

Деярли ҳамма доривор препаратларнинг номи иккинчи турланиш *средний родга* кирадиган отлар бўлиб, улар *Nominativus Singularis* да **-um**, *Genetivus Singularis* да **-i** қўшимчаларига эга. Доривор препаратларнинг ўзбекча номи лотинча номининг ўқилишига тўғри келади, фақат **-um** қўшимчаси бўлмайди.

Масалан:

Analginum - аналгин

Novocainum - новокаин

Баъзи доривор препаратларнинг номида муаллифларнинг фамилияси учрайди. Аёлларнинг фамилияси *I* - турланишда, эркакларнинг фамилияси *II* - турланишда бўлади, баъзи фамилиялар турланмайди.

Масалан:

pasta Teimurovi-Теймуров пастаси

tablettae Carmanovae- Карманова таблеткалари

unguentum Vischnevsky-Вишневский суртмаси

51-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

pasta Lassari, liquor Kastelliani, solutio Lugoli, species Zdrenko, balsamum Schostacovsky, solutio Ringer- Locke, tinctura Petrovi, unguentum Koncovi, unguentum Wilkinsoni.

52-машқ

Қуйидаги доривор препаратларнинг номини Gen. Sing. га ёзинг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

Tetracyclinum, Flaminum, Riboxinum, Phytinum, Iodum, Trypsinum, Dimoestrolum, Myelosanum, Olivomycinum, Piperazinum, Cytarabinum, Ergotaminum.

53-машқ

Қуйидаги доривор препаратларнинг латинча номларини Nom. Sing. ва Gen. Sing. га ёзинг.

Димедрол, бекарбон, бесалол, адреналин, стрептоцид, дибазол, рутин, баралгин, люминал, папаверин, пилокарпин.

36-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

medicamentum, i,n - дори, дори дармон

venenum, i,n - заҳар

antidotum, i,n - заҳарга қарши, зиддизаҳар

metallum, i,n - металл

amylum, i,n - крахмал

vitrum, i,n - кичкина шиша идиш

da in vitro - шиша идишда бер

chloroformium, i,n - хлороформ

xeroformium, i,n - ксероформ

iodoformium, i,n - йодоформ

serum, i,n - зардоб

Glucosum, i,n - глюкоза

Glycerinum, i, n - глицерин

cum Glycerino - глицерин билан

Linteum, i, n - каноп, полотно

extende supra linteum- полотнога сурт

paraffinum, i,n - парафин

Vaselinum, i,n - вазелин

butyrolum, i,n - бутирол

Mentholum, i, n - ментол

Ichthyolum, i, n - ихтиол

Naphthalanum, i, n - нафталан

Artemisia (ae) absinthium (i) - эрмон, аччиқ шувоқ

Эслаб қолинг!

dragee (бирлик) - драже (турланмайди)

dragees (кўплик) - драже (турланмайди)

Ginseng - женьшень (турланмайди)

Da tales doses numero - шундай дозалар ... сонда бер.

54-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

tinctura Iodi, venena et antidota, antidotum metallorum, stilus Mentholi, suppositoria cum extracto Belladonnae, lanolinum et vaselinum.

55-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Cen.ga лотин тилига таржима қилинг.

1. қирқбўғим ер устки қисми
2. учбарг барглари
3. бўймадорон ер устки қисмининг дамламаси
4. шафтоли мойининг эмульсияси
5. аччиқ шувоқ барглари
6. женьшень настойкаси
7. бугдой крахмали
8. қалампир настойкаси

56-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Oleum Persicorum, oleum Amygdalarum, oleum Helianthi in medicina saepe adhibentur.
2. Praeparatum «Cordiaminum» in aqua bene solvitur.
3. Venena in officinis sub littera «A» servantur.
4. Papaverinum et Mophinum ex opio conficiuntur.
5. Pilulae saccharo saepe obducuntur.
6. Coffeinum in foliis Theae continetur.
7. Vitaminum P in baccis Oxycocci continetur.
8. Antidota contra venena adhibentur.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Unguenti Xeroformii 3% 10,0
Da.
Signa: Кўз суртмаси
2. Recipe: Xeroformii 10,0
Da.
Signa: Сепма дори
3. Recipe: Infusi herbae Centaurii 10,0: 200 ml
Da.
Signa: Овқатдан олдин 1 ош қошиқдан ичилсин.

4. Recipe: Tincturae Convallariae
Tinctura Crataegi ana 12,5 ml
Misce. Da.
Signa: Кунига 3 марта 15-20 томчидан ичилсин.
5. Recipe: Dragee Diazolini 0,05
Da tales doses numero 20
Signa: Кунига 3 марта 1 та доначадан овқатдан кейин истеъмол қилинсин.
6. Recipe: Olei Ricini 20,0
Xeroformii 1,2
Misce. Da.
Signa: Суртмали боғламлар учун.
7. Олинг: Йодоформдан 10,0
Беринг.
Белгиланг: Сепма дори
8. Олинг: Тиллабош настойкасидан 25 мл
Беринг.
Белгиланг: Овқатдан олдин 20 томчидан ичилсин.
9. Олинг: Ксероформ суртмасидан 10% 50,0
Беринг.
Белгиланг: Суртма
10. Олинг: Хлороформдан 2,0
Валериана настойкасидан 20 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: 25 томчидан ичилсин.

Уйга вазифа.

I. «Доривор препаратлар номи» мавзусини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Доривор препаратлар номи қайси роғга ва қайси турла-нишга тегишли ?

2. Доривор препаратлар номи *Nom. Sing.* ва *Gen. Sing.* га қандай қўшимчаларга эга?

3. Доривор препаратлар номидаги муаллифларнинг фами-ли-яси қандай турланади?

II. 36-§ гаги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|------------------------|-----------------------|
| 1) <i>amyllum</i> | a) заҳарга қарши дори |
| 2) <i>serum</i> | b) глицерин билан |
| 3) <i>venenum</i> | c) дори, дори гармон |
| 4) <i>medicamentum</i> | d) бутирол |
| 5) <i>antidotum</i> | e) эрмон, аччиқ шувоқ |

- | | |
|--------------------------------|-------------------|
| 6) <i>lintheum</i> | f) крахмал |
| 7) <i>Artemisia absinthium</i> | g) ихтиол |
| 8) <i>butyrolum</i> | h) заҳар |
| 9) <i>Ichthyolum</i> | i) каноп, полотно |
| 10) <i>cum Glycerino</i> | j) зардоб |

IV. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Not.* ва *Gen.* га лотин тилига таржима қилинг.

- | | |
|---------------------|-------------------------|
| 1. минггевона мойи | 3. бангидевона барглари |
| 2. қалампир малҳами | 4. каланхой шираси |

V. Рецептларни таржима қилинг.

- 1) Олинг: Қалампир настойкасидан 20 мл
Беринг.
Белгиланг: Овқатдан олдин 15 томчидан ичилсин.
- 2) Олинг : Дерматол суртмасидан 10 % 20,0
Беринг.
Белгиланг: Суртма
- 3) Олинг: Эвкалипт мойидан 10,0
Ментолдан
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Бугли ингаляция учун.

VI. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Theobiolongum, Euphyllinum, Diprophyllinum, Xantinoli nicotinas, Pentoxyphylline, Khellinum, Cardiplant, Verapamil, Osmo - Adalat, Amlodipin, Foridonum, Diltiazem, Minoxidil, Captopril, Methiaprillum, Losartan, Clophelinum, Methyldopa, Octadinum, Reserpinum, Adelphan-Esidrex, Raunatinum, Triniton, Angiotensinamidum, Parmidinum, Etamsylatum, Troxevasin, Detralex, Aescusan, Essaven, Aesflazidum, Adroxonum, Cholestyraminum, Colestipol, Bezafibrate, Gemfibrozil, Lovastatin, Linaetholum, Polysponinum, Tribusponinum, Heparinum, Fraxiparin, Enoxaparine sodium, Neodicumarinum, Phepromaronum, Acenocumarol, Phenylum, Streptodecasum pro injectionibus, Celiasum, Fibrinolysinum, Lamifiban, Protamini sulfas, Fibrinogenum, spongia haemostadica cum Ambeno, membranula fibrinosa isogena, tabulettae extracti Lagochili obductae, spongia antiseptica cum Kanamycino, herba Polygoni persicariae, Decilatum, Hydrochlorthiazide, Cyclomethiazidum, Oxodolinum, Furasemidum, Buphenoxum, Indapamide, Acidum etacrynicum, Diacarbium.

12- дарс

37-§. Феълнинг шарт майли

Рецептларда феълларнинг буйруқ майли билан бир қаторда шарт майли ҳам кенг қўлланилиб, унда буйруқ ҳурмат билан ифодаланади.

Рецептларда шарт майли III-шахс бирлик ва кўплик сонларида ишлатилади.

Қуйидаги сўз ва сўз ибораларини ёд олинг!

Misceatur - Аралаштирмақ! Аралаштирилган бўлсин.

Signetur - Билдирмоқ! Билдирилган бўлсин.

Detur - Бермоқ! Берилган бўлсин.

Sterilisetur - Стерилизация қилинсин! Стерилизация қилинган бўлсин.

Dentur tales doses numero - Шундай дозалар... (сон) бермоқ!

Шундай дозалар... (сон) берилган бўлсин.

quantum satis - керагича

38-§. fiat (fiant) феълининг рецептларда қўлланилиши

Қайси дори шаклини тайёрлаш лозимлигини рецептларда кўрсатиш керак бўлса, бу ҳолда мақсадли эргаш гап бирликда **fiat**, кўпликда **fiant** (ҳосил бўлсин, ҳосил қилинсин) феъллари билан бирга ишлатилади.

Масалан: Misce, ut fiat pasta. - Паста ҳосил бўлгунча аралаштиринг!

Misce, ut fiant suppositoria. - Аралаштириб, шамчалар ҳосил қилинсин.

57-машқ

Нуқталар ўрнини **fiat** ёки **fiant** феъллари билан тўлдилинг.

1. Misce, ut ... pilulae.
2. Misce, ut ... unguentum.
3. Misce, ut ... linimentum.
4. Misce, ut ... globuli.
5. Misce ut ... suppositoria.
6. Misce, ut ... mixtura.
7. Recipe massae pilularum quantum satis, ut ... pilulae.

58-машқ

Нуқталар ўрнига мос келадиган қўшимчаларни қўйиб, гапларни ёзинг.

1. Misce, ut fiat unguent ...
2. Recipe massae pilul... quantum satis ut fiant pilul ...
3. Misce, ut fiant bacill ...

4. Misce, ut fiant suppositori ...
5. Misce, ut fiat suppositori ...
6. Misce, ut fiat globul ...
7. Misce, ut fiant globul ...
8. Misce, ut fiat liniment ...

59-машқ

Лотин тилига таржима қилинг.

1. Суртма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
2. Аралаштириб, таёқчалар ҳосил қилинсин.
3. Аралаштириб, шамчалар ҳосил қилинсин.
4. Микстура ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
5. Шундай дозалардан 10 (сон)та ампулаларда берилган бўлсин.
6. 10 (сон)та шарчалар ҳосил қилиш учун керагича желатин массасидан олинг.
7. 30 (сон)та ҳаб дорилар ҳосил қилиш учун керагича ҳаб дори массасидан олинг.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Olei Persicorum 3,0
Paraffini
Vasellini ana 5,0
Misce, fiat unguentum.
Da.
Signa: Қўл терисига суртиш учун.
2. Recipe: Xeroformii 0,5
Butyroli quantum satis
Misce, fiat suppositorium.
Dentur tales doses numero 10
Signa: Кунига 2 марта 1 шамчадан қўйилсин.
3. Recipe: Barbitali
Amidopyrini ana 1,5
Massae pilularum quantum satis
Misce, ut fiant pilulae numero 20
Da.
Signa: Кунига 2 марта 1 ҳабдоридан қабул қилинсин.
4. Recipe: Osarsoli 0,25
Glucosi 0,3
Olei Cacao 2,5
Misce, fiat globulus.
Da tales doses numero 4
Signa: Кечасига 1 шарчадан қўйилсин.

5. Recipe: Streptocidi 1,2
 Olei Cacao 12,0
 Misce, fiant suppositoria numero 4
 Da.
 Signa: Кунига 2 марта 1 шамчадан қўйилсин.
6. Recipe: Olei Ricini
 Xeroformii 1,2
 Vinylini 1,0
 Misce, fiat linimentum.
 Da.
 Signa: Суртмали боғламлар учун
7. Олинг: Йодоформдан 2,5
 Вазелиндан 25,0 гача
 Суртма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
 Беринг.
 Белгиланг: Суртма
8. Олинг: Ихтиолдан 0,15
 Стрептоциддан 0,3
 Какао мойидан 2,5
 Шамча ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
 Шундай дозалардан 3 (сон) та берилган бўлсин.
 Белгиланг: Кунига 1 шамчадан қўйилсин.
9. Олинг: Белладонна экстрактидан 0,1
 Фурацилиндан 0,2
 Какао мойидан 30,0
 Аралаштириб, 10 (сон)та шарчалар ҳосил қилинсин.
 Берилсин.
 Белгилансин: Кунига 2 марта 1 шарчадан қўйилсин.
10. Олинг: Ксероформдан 1,5
 Антипириндан 3,0
 15 (сон) та шамчалар ҳосил қилиш учун керагича
 какао мойидан
 Берилсин.
 Белгилансин: Кунига 3 марта 1 шамчадан қўйилсин.
11. Олинг: Стрептоциддан 0,3
 Бутиролдан керагича
 Аралаштириб, 3 (сон) та шамчалар ҳосил қилинсин.
 Берилсин.
 Белгилансин: Кунига 1 шамчадан қўйилсин.
12. Олинг: Дерматолдан 0,2
 Стрептоциддан 0,3
 Вазелиндан 15,0
 Суртма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
 Берилсин.
 Белгилансин: Боғламлар учун

Уйга вазифа.

I. «Феълнинг шарт майли ва fiat, fiant феълларини рецептларда қўлланилиши» мавзуларини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамидagina билимларингизни текшириб кўринг.

1. Феълларнинг шарт майли рецептларда нимани ифодалайди?

2. Феълларнинг шарт майли рецептларда қандай шаклда ишлатилади?

3. Fiat, fiant феъллари рецептларда қачон ишлатилади?

II. 37-§даги сўз ва сўз ибораларини ёд олинг.

III. Рецептларни таржима қилинг.

1. Олинг: Дерматолдан 0,2

Шамча ҳосил қилиш учун керагича какао мойидан

Шундай дозаларда 6 (сон) та берилган бўлсин

Белгиланг: Кунига 2 марта 1 шамчадан қўйилсин.

2. Олинг: Промедолдан 0,02

Какао мойидан 3,0

Шамча ҳосил бўлгунча аралаштиринг.

Шундай дозалардан 6 (сон) та берилган бўлсин

Белгиланг: Кечасига 1 шамчадан қўйилсин.

3. Олинг: Ихтиолдан 0,15

Шарча ҳосил қилиш учун керагича желатин массасидан

Шундай дозаларда 12 (сон) та берилган бўлсин

Белгиланг: Қинга қўйиладиган шамчалар.

IV. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Triamterenum, Triampur, compositum, Triamtesidum, Amiloridum, Spironolactonum, Mannitum, urea pura, Kalii acetat, Ammonii chloridum, baccae Juniperi, folia Orthosiphoni staminei, species diureticae, Lespenephrit, Flaroninum, Allopurinolum, Sulfinpyrazone, Kebuzone, Urodanum, Magurli, Solimok, extractum Rubiae tinctorum siccum, Cystenat, Olimetinum, Avisanum, Pinabinum, Urolesanum, herba Polygoni avicularis, Phytolysin, Allochol, Liobilum, Cholenzymum, flores Helichrysi arenarii, Flaminum, styli cum stigmatus Zea Maydis, Tenacecholum, Cholosasum, Berberini bisulfat, Oxaphenamidum, Nicodinum, Cycvalonum, Febichol, Hymecromone, Legalon, Siliborum, Catergen, Flumecinol, Essentiale, Biligninum, Methylergometrine, Ergotaminum, Oxytocinum, Methyloxytocin, Dinoprost, Prostenonum, Cotarnini chloridum, herba Bursae pastoris, extractum Stachydis betonicaeflorae fluidum, Partusisten, Salbupart, Ritodrinum, Gynipral, Convaflavinum, Flacuminum, Cholagolum, Ergotalum.

13-дарс

39-§. I-II турланишдаги сифатлар

Предметнинг белгисини билдириб, қандай? қанақа? саволларига жавоб бўлган сўз туркимига сифат дейилади. Латин тилида сифатлар икки гуруҳга бўлинади:

I гуруҳ - I - II - турланишдаги сифатлар

II гуруҳ - III - турланишдаги сифатлар.

I - II - турланишдаги сифатларга мужской родда - **us** ёки - **er**, женский родда - **a**, средний родда - **um** қўшимчасига эга бўлган сифатлар киради.

Масалан: **albus, alba, album** - оқ

niger, gra, grum - қора

Лугатда сифатлар мужской род шаклида ёзилади ва сўзнинг ёнида женский ҳамда средний родлар қўшимчаси кўрсатилади.

Масалан: **albus, a, um**-оқ

niger, nigra, nigrum- қора

- **er** қўшимчаси билан тамомланадиган баъзи сифатлар женский ва средний родларни ҳосил қилишда -**e** ҳарфини йўқотади, баъзилари эса сақлаб қолади.

Масалан: **niger, nigra, nigrum**-қора

sonnifer, sonnifera, sonniferum ухлатадиган

40-§. Сифатларнинг келишиклар бўйича турланиши


Мужской роддаги сифатлар II - турланиш мужской роддаги отлар сингари, женский роддаги сифатлар I - турланишдаги отлар сингари, средний роддаги сифатлар II - турланиш средний роддаги отлар сингари турланади.

Турланиш намунаси

Caus	Singularis			Pluralis		
	m	f	n	m	f	n
Nom.	albus	alba	album	albi	albae	alba
Gen.	albi	albae	albi	alborum	albarum	alborum
Dat.	albo	albae	albo	albis	albis	albis
Acc.	album	album	album	albos	albas	alba
Abl.	albo	alba	albo	albis	albis	albis

41-§. Мослашган аниқловчи

Латин тилида сифат оддан кейин туради ва у билан род, сон ва келишиқда мослашади. Мослашган аниқловчили атамани латин тилига таржима қилишда аввал унинг шартли тасвирини тузамиз.



О → С (Nom.)

Атамани қуйидагича таржима қиламиз.

1. Отни топиб, унинг родини аниқлаймиз:

tinctura, ae, f - женский род

2. Сифатнинг лугат шаклини айтамыз ва отта мос родини танлаймиз:

amarus, a, um; amara - женский род

Атаманинг таржимасини Nom. ва Gen. да ёзамиз:

Nom. tinctura amara

Gen. tincturae amarae.

42-§. Қуйидаги сифатларни ёд олинг!

albus, a, um - оқ

flavus, a, um - сариқ

luteus, a, um - сариқ

coeruleus, a, um - кўк, зангори

cinereus, a, um - кулранг

purpureus, a, um - қип-қизил, тўқ қизил

niger, gra, grum, - қора

amarus, a, um - аччиқ

purus, a, um - тоза

externus, a, um - ташқи

internus, a, um - ички

fluidus, a, um - суюқ

liquidus, a, um - суюқ

siccus, a, um - қуруқ

spissus, a, um - қуюқ

grossus, a, um - йирик

frigidus, a, um - совуқ

compositus, a, um - мураккаб

intravenosus, a, um - кўк томир ичига, вена ичига

gelatinosus, a, um - желатинли

Methylenum coeruleum, - метилен кўки

Methyleni coerulei

Serva in loco frigido - совуқ ерда сақла

60-машқ

Қуйидаги сифатларнинг женский ва средний род шаклларини айтинг.

- | | | |
|-------------|-----------|-----------------|
| 1) amarus | 5) flavus | 9) siccus |
| 2) grossus | 6) purus | 10) compositus |
| 3) spissus | 7) niger | 11) gelatinosus |
| 4) frigidus | 8) ruber | 12) liquidus |

61-машқ

Сифатни отга мослаштиринг ва атамаларни ўзбек тилига таржима қилинг.

- | | |
|-----------------------------|---------------------------------|
| 1) cera (albus, a, um) | 7) Glycerinum (purus, a, um) |
| 2) emulsum (albus, a, um) | 8) extractum (fluidus, a, um) |
| 3) Amygdala (amarus, a, um) | 9) bacca (grossus, a, um) |
| 4) tinctura (amarus, a, um) | 10) aqua (frigidus, a, um) |
| 5) bacca (siccus, a, um) | 11) infusum (compositus, a, um) |
| 6) massa (purus, a, um) | 12) remedium (externus, a, um) |

62-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. ga лотин тилига таржима қилинг.

- | | |
|----------------------------------|---------------------|
| 1. сариқ мум | 6. мураккаб дамлама |
| 2. тоза вазелин | 7. қуюқ экстракт |
| 3. кулранг суртма | 8. йирик таблетка |
| 4. қора мингдевона | 9. ички восита |
| 5. сариқ (luteus, a, um) газакўт | 10. ташқи восита |

63-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Cera alba in aqua non solvitur.
2. Praeparate infusum ex baccis siccis Juniperi .
3. Dilute Glycerinum purum ad aqua.
4. Medicamenta amara in capsulis sumuntur.
5. Unguenta et linimenta sunt remedia externa.
6. China est medicamentum amarum.
7. Praeparate infusum compositum.
8. Tinctura Valerianae est remedium internum.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Tincturae amarae 10 ml
Tincturae Strychni 5 ml
Misce. Da.
Signa: Кунига 3 марта овқатланишдан олдин 20 томчидан ичилсин.

2. Recipe: Methyleni coerulei
Da in capsulis gelatinosis.
Signa: Кунига 2 марта 1 капсуладан қабул қилинсин.
3. Recipe: Streptocidi albi 0,5
Da tales doses numero 20
Signa: Кунига 4 марта 1 та порошокдан қабул қилинсин.
4. Олинг: Қоқи настойкадан
Аччиқ настойкадан тенг миқдорда 10 мл дан
Кучала настойкасида 5 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.
5. Олинг: Оқ гилдан 100,0
Беринг.
Белгиланг: Ярим стакан сувга 1-2 ош қошиқ солиб,
истеъмом қилинсин.

Уйга вазифа.

I. «I-II-турланишдаги сифатлар ва мослашган аниқловчи» мавзуларини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Сифатлар нечта гуруҳга бўлинади?

2. Қайси сифатлар I-II-турланишга киради?

3. Сифатларнинг луғат шакли қандай ёзилади?

4. I-II-турланишдаги сифатлар келишиклар бўйича қандай турланади?

5. Мослашган аниқловчи деганда нимани тушунасиш?

II. 42-§ даги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

1) flavus, a, um

a) суюқ

2) internus, a, um

b) йирик

3) fluidus, a, um

c) қуруқ

4) purus, a, um

d) оқ

5) siccus, a, um

e) қуланган

6) niger, gra, grum

f) сариқ

7) cinereus, a, um

g) тоза

8) albus, a, um

h) мураккаб

9) grossus, a, um

i) ички

10) compositus, a, um

j) қора

IV. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. да латин тилига таржима қилинг.

1. оқ стрептоцид 2. оқ мум 3. совуқ сув 4. аччиқ бодом 5. сариқ вазелин


V. Тўғри ўқишни ўрганиш!

Corticotropinum, Somatotropinum humanum, Genotropin, Octreotide, Gonadotropinum chorionicum, Gonadotropinum menopausticum, Danazol, Desmepressin, Triiodthyronini hydrochloridum, Mercazolilum, Kalii perchloridum, Calcitonin, Miacalcic, Calcitrium, Dihydratichisterolum, Carbutamide, Chlorpropamidum, Glibenclamide, Glipizide, Gliquidone, Metformin, Metiguanide, Acarbose, Glucagon, species «Arfasetinum», species «Myrphasinum» Cortisonum, Hydrocortisonum, Hydrocortisone acetate, Hydrocortisone hemisuccinate, Prednisolium, Methylprednisolone, Dexamethasonum, Triamcinolonum, Omsilon, Triamcinoloni acetonidum, Budesonide, Rhinocort, Synaflavinum, Flumetasone, Pivalate, Locacorten, Lorinden, Locasalen, Halometasone, Betaderm, Celestoderm V, Diprofos, Ultralan, Beclometasoni dipropionas, Arumet, Becodisc, Rhinosol, Sanasthmyl, Vanceril, Inhacort, Fluxolonate, Fluticasone propionate, Depersolon, Desoxycorticosterone acetate, Dohycamon, Desoxycorticosterone trimethylacetate, Oestronum.

14-дарс

43-§. Доривор препаратларнинг кўп бўлакли номларида сифатларнинг қўлланилиши

Доривор препаратларнинг кўп бўлакли номларида биринчи ўринда дори турлари (шакли) нинг номи бош келишиқда; иккинчи ўринда эса мослашмаган аниқловчи ҳолидаги шу дори тури тайёрланган доривор ўсимлик ёки доривор модда номи қаратқич келишигида ёзилади; охирида эса мослашган аниқловчи ҳолида келган шу дори турини характерловчи сифат туради.




Таржима қиламиз:

Nom. infusum Sennae compositum

Gen. infusi Sennae compositi

Баъзан дори турларининг мураккаб номларидаги сифат дори тури номига эмас, балки доривор ўсимлик номига тегишли бўлади ва унга родда, сонда ҳамда келишиқда мослашади.



Таржима қиламиз:

Nom. tinctura Menthae piperitae

Gen. tincturae Menthae piperitae

44-§. Доривор препаратларнинг кўп бўлакли номларидаги моделлар

Баъзан доривор препаратларнинг кўп бўлакли номларида шу дори хусусиятини характерловчи сифат мослашган аниқловчи ҳолида туради. Қуйида доривор препаратларнинг кўп бўлакли номларидаги айрим моделлар берилган.

I. Таблеткалар номи

Уларда қуйидаги аниқловчилар кўп учрайди:

obductae - парда билан қопланган

entosolubiles - ичақда эрийдиган

sublinguales - тил остига қўйиладиган

Масалан: Tabulettae Raunatini obductae - раунатиннинг парда
билан қопланган таблеткалари

II. Экстрактлар номи

Уларда экстрактларнинг консистенциясини характерловчи қуйидаги аниқловчилар учрайди:

fluidum - суюқ

spissum - қуюқ

siccum - қуруқ

Масалан: Extractum Crataegi fluidum - дўлананинг суюқ
экстракти

III. Битта асосий восита билан оддий ва мураккаб ёзувлар

Бундай ёзувларни фарқлаш учун сифатлар ишлатилади:

simplex, icus - оддий

compositus, a, um - мураккаб

Масалан: Emplastrum Plumbi simplex - қўрғошиннинг оддий
малҳами

Emplastrum Plumbi compositum - қўрғошиннинг мураккаб
малҳами

45-§. Қуйидаги сифатларни ёд олинг!

durus, a, um - қаттиқ, мустаҳкам
solidus, a, um - маҳкам, мустаҳкам
aquosus, a, um - сувли
hydricus, a, um - сувли
anhydricus, a, um - сувсиз
oleosus, a, um - мойли
spirituosus, a, um - спиртли, спиртга тегишли
chartaceus, a, um - қоғозли, қоғоздан қилинган
amylaceus, a, um - крахмалли, крахмалга тегишли
aethylicus, a, um - эфирли
aethylicus, a, um - этил - и (си)
suillus, a, um - чўчқа - и (си)
arenerius, a, um - қумли, қумлоқ
piperitus, a, um - қалампир
cardiacus, a, um - юракка таъсир этувчи
laxativus, a, um - ич сурадиган сурги
catharticus, a, um - ич сурадиган, сурги
diureticus, a, um - сийдик ҳайдовчи
cholagogus, a, um - ўт ҳайдовчи, ўт ҳайдайдиган
diaphoreticus, a, um - терлатувчи
analgeticus, a, um - оғриқни қолдирувчи
anaestheticus, a, um - оғриқсизлантирувчи
antipyreticus, a, um - иссиқни пасайтирувчи
antisepticus, a, um - антисептик
antiasthmaticus, a, um - астмага қарши
hypnoticus, a, um - ухлатадиган, уйқу келтирадаган
somniafer, fera, ferum - ухлатадиган, уйқу келтирадиган
narcoticus, a, um - наркотик
haemostaticus, a, um - қон тўхтатувчи
sedativus, a, um - тинчлантирадиган

64-машқ

Сифатларни отларга мослаштиринг ва атамаларни ўзбек тилига таржима қилинг.

- | | |
|-----------------------------------|-----------------------------------|
| 1) axungia (porcinus, a, um) | 6) tinctura (aethereus, a, um) |
| 2) emulsum (oleosus, a, um) | 7) spongia (gelatinosus, a, um) |
| 3) paraffinum (solidus, a, um) | 8) tabuletta (obductus, a, um) |
| 4) unguentum (camphoratus, a, um) | 9) emplastrum (compositus, a, um) |
| 5) lanolinum (anhydricus, a, um) | 10) remedium (laxativus, a, um) |

65-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. tinctura Rhei amara. 2. extractum Frangulae fluidum. 3. extractum Belladonnae spissum. 4. infusum Sennae compositum. 5. extractum

Absinthii spissum. 6. tabulettae Thyreoidini obductae. 7. linimentum Olei Terebinthinae compositum. 8. extractum Urticae fluidum. 9. oleum Menthae piperitae. 10. extractum Althaeae siccum.

66-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. va Gen. ga лотин тилига таржима қилинг.

1. равочнинг қуруқ экстракти
2. қоқининг қуюқ экстракт
3. арслонқуйруқнинг суюқ экстракти
4. қалампир ялпиз суви
5. валериананинг эфирли настойкаси
6. кучаланинг қуруқ экстракти
7. қумлоқ бўзночининг экстракти
8. қумлоқ бўзночининг суюқ экстракти

67-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Remedia sunt cardiaca, analgetica, hypnotica, diuretica, cholagoga et cetera. 2. Tinctura Convallariae est remedium cardiacum. 3. Analginum est remedium analgeticum. 4. Luminalum est remedium hypnoticum. 5. Folium Sennae et Oleum Ricini sunt remedia laxativa. 6. Extractum Helichrysi arenarii fluidum est remedium cholagogum. 7. Decoctum foliorum Uvae ursi est remedium diureticum. 8. Tempalgin, Baralgin, Promedolum et cetera remediis analgeticis annumerantur (саналади).

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Extracti Eucommiae fluidi
Da.
Signa: Кунига 3 марта 10-20 томчидан ичилсин.
2. Recipe: Infusi Sennae compositae 30ml
Da.
Signa: 1 марта ичишга (катталар учун)
3. Recipe: Extracti Crataegi fluidi 30,0
Da.
Signa: Бир мартага 20 томчидан ичилсин.
4. Recipe: Tabulettas extracti Sennae sicci 0,3 numero 25
Da.
Signa: Кунига 2 марта 1 таблеткадан ичилсин.
5. Олинг: Валериананинг эфирли настойкасидан 30 мл
Беринг.
Белгиланг: 1 мартага 15 томчидан ичилсин.

6. Олинг: Чаёнўтнинг суюқ экстрактидан
Бўймадароннинг суюқ экстрактидан тенг миқдорда
25 мл дан
Ментолдан 0,05
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 25 томчидан ичилсин.
7. Олинг: Марваридгул настойкасидан
Валериана настойкасидан тенг миқдорда 10 мл дан
Дўлананинг суюқ экстрактидан 5 мл
Ментолдан 0,05
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 25 томчидан ичилсин.
8. Олинг: Алойнинг суюқ экстрактидан 1 мл
Шундай миқдорда 10 (сон) та ампулада беринг.
Белгиланг: 1 мл дан тери остига юборилсин.
9. Олинг: Раунатиннинг парда билан қопланган таблеткаларидан 0,002.
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.

Уйга вазифа.

1. «Доривор препаратларнинг кўп бўлакли номларида сифатларнинг қўлланилиши ва доривор препаратларнинг кўп кўп бўлакли номларидаги моделлар» мавзуларини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамига билимларингизни текшириб кўринг.

1. Доривор препаратларнинг кўп бўлакли номларида биринчи ўринда ниманинг номи ёзилади?

2. Доривор ўсимлик ёки доривор модда номи қайси келишиқда ёзилади ва нечанчи ўринда туради?

3. Сифат нимани характерлайди ва қандай аниқловчи бўлиб келади?

4. Таблеткалар номи билан қандай аниқловчилар ишлатилади?

5. Экстрактлар номи билан қандай аниқловчилар ишлатилади?

6. Битта асосий восита билан оддий ва мураккаб ёзувларда қандай сифатлар ишлатилади?

II. 45-§ даги сўзларни ёғ олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

1) hydricus, a, um

2) arenarius, a, um

3) oleosus, a, um

4) cholagogus, a, um

5) diureticus, a, um

a) сийдик ҳайдовчи

b) ўт ҳайдовчи

c) ич сурадиган, сурги

d) ухлатадиган

e) сувли

- 6) antipyreticus, a, um
- 7) hypnoticus, a, um
- 8) laxativus, a, um
- 9) durus, a, um
- 10) anaestheticus, a, um

- f) мойли
- d) қаттиқ, мустаҳкам
- h) иссиқни пасайтирувчи
- i) оғриқсизлантирувчи
- j) қумли, қумлоқ

IV. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Nom.* ва *Gen.* да латин тилига таржима қилинг.

1. ширинмиянинг қуюқ экстракти
2. қалампир яллиз мойи
3. санонинг мураккаб дамламаси

V. Рецептларни таржима қилинг.

1. Олинг: Франгуланинг суюқ экстрактидан 50 мл
Беринг.
Белгиланг: 1 мартага 20 томчидан ичилсин.
2. Олинг: Спазмолитиннинг парда билан қопланган таблеткаларидан 0,1
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
3. Олинг: Канакунжут мойидан 10,0
Желатинли капсулаларга беринг.
Белгиланг: Ярим соатда қабул қилинсин.

VI. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Oestradiolum, Oestradiol dipropionate, Aethinyloestradiolum, Eticyclin, Progynon, Climakterin, Proginova, Synoestrolum, Diaethylstilboestrolum, Synthoestrin, Syntofollin, Dimoestrolum, Sygethinum, Clomifene, Citrate, Progesteronum, Lutocyclin, Syngestrone, Охупрогестроне carponate, Praegninum, Lutocyclo, Norethistroni, Norcolut, Allylestrenol, Gestanyn, Acetomepregenolum, Non-Ovlon, Ovidon, Norgestrel, Lindiol, Regevidon, Demulen, Minisiston, Microgynon, Femoden, Marvelon, Anteovin, Trisiston, Tri-Regol, Triquilar, Milvane, Postinor, Microlut, Praegoestrolum, Cliumonorm, Divina, Testoenatum, solutio «Tetrasteronum» oleosa pro injectionibus, Methyltestosterone, tabulettae «Testobromlecithum» obductae, Distranorm, Methandrostenolonum, Phenobolinum, Nandrolonum phenylpropionicum, Retabolil, Silabolinum, Methylandrostenodiolum, Alprostadil, Caverject, Misoprostol, Artrotec, Latanoprost, Zafirlukast, Montelukast, Retinolum, Retinoli palmitas, solutio Retinoli acetatis, oleosa pro injectionibus, Oleum jecoris, Carotolinum.

15-дарс

46-§. Ботаник номенклатурада сифатларнинг ишлатилиши

Ботаник номенклатурада сифатлар ўсимлик турини ва ботаник оилани билдириш учун ишлатилади. Ўсимлик турини билдирадиган сифатлар уларнинг географик тарқалишини; ўсиш шароитини; ташқи кўринишини ва бошқа хусусиятларини ифодалайди.

Сифатлар ўсимлик номига келишиқда, родда ва сонда мослашиб келади.

Масалан: *Atropa caucasica* - Кавказ белладоннаси

Лекин баъзи бир ўсимлик номи билан биргалиқда келадиган сифат унга родда мослашмайди.

Масалан: *Polygonum bistorta* - илонсимон торон

Ботаник оилалар номини кўрсатувчи сифатлар -ferae, -ae, -aseae қўшимчалари ёрдамида ясалади. Улар женский родда бош келишиқда ва кўплик сонда булади.

Масалан: Fabaceae - дуккақдошлар

Cruciferae - бутгулдошлар

Compositae - мураккабгулдошлар

47-§. Жадвал билан танишиб чиқинг ва ўсимликлар номини ёд олинг!

Характерли белгиси	Мисоллар
1. Географик тарқалиши	<i>Atropa caucasica</i> - Кавказ белладоннаси <i>Periploca graeca</i> - Греция периплокаси <i>Laminaria japonica</i> - япон ламинарияси <i>Acotinum karakolicum</i> - қоракўл парписи <i>Schizandra chinensis</i> - Хитой лимонниги
2. Ўсиш шароити	<i>Arnica montana</i> - тоғ арникаси <i>Gnaphalium uliginosum</i> - ботқоқ гнафалиуми <i>Scilla maritima</i> - денгиз пиёзи
3. Тузилиши, ташқи кўриниши, ранги, таъми ва бошқа хусусиятлари	<i>Cassia acutofolia</i> - ўткир баргли сано <i>Magnolia grandiflora</i> - йирик гулли магнолия <i>Hypericum perforatum</i> - тешиқ далачай <i>Vinca erecta</i> - тик ўсувчи бўригул <i>Glycyrrhiza glabra</i> - туксиз қизилмия <i>Delphinium confusum</i> - чалкашган испарак <i>Thalictrum minus</i> - кичик санчиқўт <i>Gentiana lutea</i> - сариқ нуфар <i>Polemonium coeruleum</i> - зангори полемониум <i>Veratrum album</i> - оқ маралқулоқ <i>Passiflora incarnata</i> - тўқ қизил пассифлора
4. Бошқа ўсимликларга ўхшашлиги	<i>Visnaga daucoides</i> - сабзисимон виснага <i>Apocynum cannabinum</i> - нашасимон кендир

48-§. Қуйидаги ботаник оилалар номини ёд олинг!

Berberidaceae - зирқдошлар
Cucurbitaceae - қовоқдошлар
Fabaceae- дуккақдошлар
Liliaceae - лолагулдошлар
Linaceae - зигирдошлар
Magnoliaceae - магнолиядошлар
Malvaceae - гулхайридошлар
Papaveraceae - кўкноридошлар
Pinaceae - қарағайдошлар
Polygonaceae - торондошлар
Rosaceae - раъногулдошлар
Urticaceae - газандадошлар

68-машқ

-aceae қўшимчаси ёрдамда ботаник оилаларнинг номини ясанг.
аралиядошлар, зигирдошлар, валерианадошлар, жўкадошлар,
ликоподиядошлар

69-машқ

Сифатларни отларга мослаштиринг ва атамаларни ўзбек тилига таржима қилинг.

- 1) *Glaucium* (flavus, a um)
- 2) *Strephania* (glaber, a um)
- 3) *Helichrysum* (arenarius, a um)
- 4) *Helleborus* (caucasicus, a um)
- 5) *Aloë* (striatulus, a um -йўл -йўл)

70-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. *Capsicum annuum*. 2. *Eucalyptus cinerea*. 3. *Helichrysum arenarium*. 4. *Hyoscyamus niger*. 5. *Rhamnus cathartica*. 6. *Veratrum album*. 7. *Gentiana lutea*

71-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Nom.* ва *Gen.* га лотин тилига таржима қилинг.

- | | |
|-----------------------|--|
| 1. қора мингдевона | 5. арман гулхайриси |
| 2. кавказ хеллеборуси | 6. юраксимон жўка |
| 3. кулранг эвкалипт | 7. қумлоқ бўзочининг қуруқ экстракти |
| 4. қалампир ялпиз | 8. йирик гулли манголиянинг суюқ экстракти |

72-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Lanolinum anhydricum in chloroformio bene solvitur.
2. Allocholum extractum Urticae siccum et extractum Allii sativi siccum continet.
3. Capsulas gelatinosas ex gelatina, aqua, glycerino praeparant.
4. Emplastrum Plumbi compositum in ollis datur.
5. Linimentum Chloroformii compositum chloroformium et oleum Hyoscyami continet.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Infusi herbae Hyperici perforati 20,0-200 ml
Da.
Signa: 1 кунда 3 марта овқатдан олдин ичилсин.
2. Recipe: Extracti Passiflorae incarnatae fluidi 40 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.
3. Recipe: Extracti Sanguisorbae fluidi 30 ml
Da.
Signa: Кунига 4 марта 40 томчидан ичилсин.
4. Recipe: Suppositoria cum Digitoxino 0,00015 numero 10
Da.
Signa: Кунига 1 марта 1 та шамчадан қўйилсин.
5. Олинг: Арслонқуйруқнинг суюқ экстрактидан 25 мл Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.
6. Олинг: Қалампир ялпиз баргларининг дамламасидан 50,0:200 мл дан Беринг.
Белгиланг: Ҳар 3 соатда 1 ош қошиқдан ичилсин.
7. Олинг: Левзеянинг суюқ экстрактидан Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.

Ўйга вазифа.

I. «Ботаник номенклатурада сифатларнинг ишлатилиши» мавзусини ўзлаштириб олинг. Қўйидаги саволлар ёрдамда билимларингизни текшириб кўринг.

1. Ботаник номенклатурада сифатлар нималарни билдиради?
2. Ўсимлик турини билдирадиган сифатлар нималарни ифода қилади?
3. Ботаник оилалар номлари қандай қўшимчалар ёрдамда ясалади?

II. 47, 48-§ лардаги сўзларни ёд олинг.

III. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. га латин тилига таржима қилинг.

1. тўқ қизил пассифлоранинг суюқ экстракти
2. тешик галачойнинг устки ер қисми
3. гнафалиум ер устки қисми дамламаси

IV. Рецетларни таржима қилинг!

1. Recipe: Extracti Passiflorae fluidi 30 ml

Да.

Signa: Кунига 3 марта 30 томчиган ичилсин.

2. Олинг: Қалампир ялпиз настойкасидан 25 мл

Беринг.

Белгиланг: Бир марта қабулга 15 томчиган ичилсин.

3. Олинг: Марваридгул настойкасидан

Валериана настойкасидан тенг миқдорда 10 мл дан

Дўлананинг суюқ экстрактидан 5 мл

Ментолдан 0,5

Аралаштиринг. Беринг.

Белгиланг: Кунига 2-3 марта 15-20 томчиган ичилсин.

IV. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Oleum jecoris depuratum pro usum interno, oleum jecoris Aselli vitaminisatus, Acitretin, Isotretinoine, Carotin, Thiaminum, Thiamini bromidum, faex medicinalis, Serevisiae fermentum siccum depuratum, solutio «Thiodinum», Phosphothiaminum, Cocarboxylasum, Benphothiaminum, Riboflavinum, Riboflavinum-mono-nucleotidum, Flavinatum, Pyridoxinum, Pyridoxini hydrochloridum, Pyridoxalphosphatum, Cyanocobalaminum, Oxycobalaminum, Cabamamidum, Vitohepatum, Acidum folicum, Calcium folinate, Acidum ascorbinicum, sirupus ex fructibus Rosae, Galascorbinum, Rutinum, Quercetinum, Acidum nicotinicum, Nicotinamidum, Calcium pantothenate, Panthenol, Tocopheroli acetate, Profencundin, Phytomenadionum, Cholecalciferolum, Vigantol, Oxidevitum, Misoprostol, Artrotec, Latanoprost, Videcholum, Calcitriol, Alphacalcidol, Calcipotriol, Methylmethioninsulfonii chloridum, Calcii pangamas, Cholini chloridum, Acidum lipoicum, Lipamidum, Carotinil, Vicasolum, Ergocalciferolum.

16-дарс

49-§. Вакциналар, зардоблар ва анатоксинлар номида сифатларнинг ишлатилиши

Вакциналар, зардоблар ва анатоксинлар номидаги сифатлар тегишли касалликларнинг номларига **-icum** ва **-osum** суффиксларини қўшиб ҳосил қилинади.

Масалан: vaccinum brucellicum - қора оқсоқ (бруцеллез)га
оид вакцина

serum antigangraenosum - гангренага қарши зардоб
antitoxinum tetanicum - қоқшолга қарши анатоксин

Вакцина, зардоб ва анатоксинлар номларида қуйидаги
аниқловчилар қўлланилади:

purificatus, a, um - тозаланган
concentratus, a, um - концентрация қилинган
vivus, a, um - тирик
siccus, a, um - қуруқ
adsorptus, a, um - адсорбция қилинган

Масалан:

serum antigangraenosum (purificatum concentratum)
vaccinum brucellicum vivum (siccum)
anatoxinum diphterico - tetanicum (purificatum)

Эслатма: Вакциналарнинг мослашмаган аниқловчи ёрдамида
ҳосил қилинган номлари ҳам учрайди.

Масалан: vaccinum variolae - чечак вакцинаси (variola, ae, f -
чечак касаллиги)

50-§. Қуйидаги сифатларни ёд олинг!

brucellicus, a, um - қора оқсоқ (бруцеллез)га оид
cholericus, a, um - вабога оид
pertussicus, a, um - кўкйўталга оид
antipestosus, a, um - ўлатга қарши
antirabicus, a, um - қутуришга қарши
antituberculosicus, a, um - сил (туберкулёз) га қарши
antidiphthericus, a, um - бўғмага қарши
antigangraenosus, a, um - гангренага қарши
antitetanicus, a, um - қоқшол (столбняк) га қарши
sulfuratus, a, um - олтингугуртли
ammaniat, a, um - аммиакли
camphoratus, a, um - камфорали
anisatus, a, um - арпабодиёнали
ceratus, a, um - мумланган
naphthalanatus, a, um - нафталанли
paraffinatus, a, um - парафин билан қопланган
adhaesivus, a, um - ёпишқоқ
vesicatorius, a, um - чипқонга қўйиладиган
collagenicus, a, um - коллагенли
isotonicus, a, um - изотоник
crystallisatus, a, um - кристалл
medicatus, a, um - тиббий (тиббиёт) -и, (-си)
gastricus, a, um - ошқозон -и, (-си)
stomachicus, a, um - ошқозон -и, (-си)
ophthalmicus, a, um - кўз -и, (-си)

73-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. serum antidiphthericum (purificatum concentratum)
2. anotoxonum staphylococcicum
3. vaccinum cholericum (purificatum concentratum)
4. vaccinum cholericum (siccum)
5. vaccinum antitetanicum - diphtherico-tetanicum
6. serum antitetanicum (purificatum concentratum)

74-машқ

Сифатларни отларга мослаштиринг ва атамаларни ўзбек тилига таржима қилинг.

1. remedium (haemostaticus, a, m)
2. linimentum (ammoniatum, a, um)
3. charta (ceratus, a, um)
4. emplastrum (adhaesivus, a, um)
5. succus (gastricus, a, um)
6. capsula (gelatinosus, a, um; elasticus, a, um)

75-машқ

Лотин тилига таржима қилинг.

- | | |
|------------------------------|----------------------------|
| 1. силга қарши зардоб | 5. қутуришга қарши вакцина |
| 2. ўлатга қарши вакцина | 6. гангренага қарши зардоб |
| 3. силга қарши БЦЖ вакцинаси | 7. қоқшолга қарши зардоб |
| 4. вабога оид вакцина | 8. кўкйўталга оид вакцина |

76-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. ga лотин тилига таржима қилинг.

- | | |
|----------------------------------|---------------------------------|
| 1. камфорали мой | 6. рўяннинг қуюқ экстракти |
| 2. нафталанли суртма | 7. алойнинг қуюқ экстракти |
| 3. чипқонга қўйиладиган малҳам | 8. тетрациклиннинг кўз суртмаси |
| 4. кристалл йод | 9. қон тўхтатувчи губка |
| 5. парафин билан қопланган қоғоз | 10. кўз томчилари |

Рецептларни таржима қилинг!

1. Олинг: Бўғмага қарши зардобдан (тозаланган концентрация қилинган) 10000 АЕ
Шундай дозаларда 6 (сон) та ампулада беринг.
Белгиланг:
2. Олинг: Поливакцинадан 10 мл
Беринг.
Белгиланг: Тери остига 2 мл дан юборилсин.

3. Олинг: Қумлоқ бўзночининг қуруқ экстрактидан 1,0
Шундай дозаларда 42 (сон) та беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1та куқундан қабул
қилинсин.
4. Олинг: Ошқозон ширасидан 100,0
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан овқат
маҳалида ичилсин.
5. Олинг: Тетрациклиннинг кўз сурмасидан 10,0
Беринг.
Белгиланг: Кўз суртмаси
6. Олинг: Стрептоциднинг суюқ суртмасидан 5% 40,0
Аммиакли суюқ суртмадан 40,0
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Уқалаш учун.

Уйга вазифа.

I. «Вакциналар, зардоблар ва анатоксинлар номида сифатларнинг ишлатилиши» мавзусини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамда билимларингизни текшириб кўринг.

1. Вакциналар, зардоб ва анатоксинлар номидаги сифатлар қандай ҳосил қилинади?

2. Вакцина, зардоб ва анатоксинлар номларида қандай аниқловчилар ишлатилади?

II. 50-§ даги сўзларни ёғ олинг.

III. Чап устундаги лотинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|----------------------------|-------------------------|
| 1) cholericus, a, um | a) арпабодиёнали |
| 2) pertussicus, a, um | b) мумланган |
| 3) anisatus, a, um | c) кўйкўталга оуғ |
| 4) ceratus, a, um | d) вабога оуғ |
| 5) sulfuratus, a, um | e) олтингугуртли |
| 6) gastricus, a, um | f) чипқонга қўйиладиган |
| 7) vesicatorius, a, um | g) ўлатга қарши |
| 8) adhaesivus, a, um | h) бўғмага қарши |
| 9) antidiphthericus, a, um | i) ошқозон -и, (-си) |
| 10) antipestosus, a, um | j) ёпишқоқ |

IV. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. да лотин тилига таржима қилинг.

1. ошқозон шираси 2. желатинли губка 3. бўғмага қарши зардоб 4. камфорали суртма

V. Рецентларни таржима қилинг.

1. Recipe: Tincturae Convallariae
Tincturae Valerianae ana 10 ml

Extracti Crataegi fluidi 5 ml

Mentholi 2,05

Misce. Da.

Signa: Кунига 2 марта 25 томчиган ичилсин.

2. Recipe: *Extracti Eucommiae fluidi 25 ml*

Da.

Signa: Кунига 3 марта 25 томчиган ичилсин.

3. Олинг: *Қоқшолға қарши зардобдан 3000 АЕ*

2 (сон) та ампулаларда беринг.

Белгиланг: Врачнинг қўлига берилсин.

VI. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Aevitum, Pentovitum, Panhexavitum, Heptavitum, Decamevitum, tabulettae «Aërovitum» obductae, Tetravitum, dragee «Hexavitum», dragee «Undevitum», tabulettae «Tetrafolevitum» obductae, dragee «Hendevitum», Amitetravitum, tabulettae «Quadevitum» obductae, Glutamevitum, Complivitum, Aecolum, oleum Rosae, oleum ex fructibus et foliis Hippophaës, Olasolum, membranula «Oblecolum», Hiposolum, fructus Sorbi aucupariae, Trypsinum, Chymotrypsinum crystallisatum, Chymopsinum, Terrilytinum, Terridecasum, Ribonucleasum amorphum, Desoxyribonucleasum, Collagenasum, Asperasa, Lysoamidas, Profezimum, Caripazinum, Pepsinum, succus gastricus naturalis, tabulettae Acidin-pepsini, Pepsidilum, Abominum, Pancreatinum, Orazum, Solizymum, Somilasum, Nigedaza, Panzynom forte, Pancurmen, Festal, Digestal, Enzystal, Mezym forte, Lydazum, Ronidazum, Cytochromum C, Penicillinatum, Pantrypinum, Ingitrilum, Contrykal, Gordox, Acidum glutaminicum.

17-дарс

51-§. Мажҳуллик нисбатидagi ўтган замон сифатдоши

Лотин фармацевтика атамашунослигида кўпинча мажҳуллик нисбатидagi ўтган замон сифатдоши қўлланилади. Улар феъллардан ташкил топиб, мужской родда **-us**, женский родда **-a**, средний родда эса **-um** қўшимчасига эга бўлади.

Сифатдошлар I-II - турланишдagi сифатларга ўхшаб турланади ва отларга родда, сонда, келишиқда мослашади.

52-§. Қуйидаги сўзларни ёд олинг!

destillatus, a, um - дистилланган

depuratus, a, um - тозаланган

rectificatus, a, um - тозаланган (этил спирти, скипидар)

purificatus, a, um - тозаланган (вакцина, зардоб ва анатоксинлар)

exsiccat, a, um - қуритилган

praecipitatus, a, um - чўктирилган

pulveratus, a, um - қуқунга айлантйрилган
 concisus, a, um - майдаланган кесилган, қирқилган
 sterilisatus, a, um - стерилизация қилинган
 contusus, a, um - туйилган, янчилган
 reductus, a, um - қайтарилган
 ustus, a, um - оловда қуйдирилган
 tritus, a, um - ишқалаб майдаланган
 concentratus, a, um - концентрация қилинган, концентрланган
 dilutus, a, um - суюлтирилган
 conservatus, a, um - консервация қилинган
 obductus, a, um - пўст билан қопланган
 activatus, a, um - фаоллаштирилган
 vitaminisatus, a, um - витаминлаштирилган
 solutus, a, um - эритилган

77-машқ

Қуйидаги сифатгошларнинг қайси феъллардан ташкил топганлигини аниқланг.

- | | |
|-----------------------|------------------------|
| 1) filtratus, a, um | 5) conservatus, a, um |
| 2) destillatus, a, um | 6) obductus, a, um |
| 3) contusus, a, um | 7) sterilisatus, a, um |
| 4) dilutus, a, um | 8) depuratus, a, um |

78-машқ

Сифатгошларни отларга мослаштинг. Сўз ибораларини ўзбек тилига таржима қилинг.

- 1) camphora (tritus, a, um)
- 2) aqua (destillatus, a, um)
- 3) acidum (dilutus, a, um)
- 4) herba millefolii (exsiccatus, a, um)
- 5) serum (purificatus, a, um)
- 6) folia (concisus, a, um)
- 7) Ferrum (reductus, a, um)
- 8) chole (conservatus, a, um)
- 9) Oleum Terebinthinae (rectificatus, a, um)
- 10) Hydrargyrum (praecipitatus, a, um)

79-машқ

Нот. ва Гер. да лотин тилига таржима қилинг.

- 1) концентрланган кислота
- 2) оловда қуйдирилган магнезия
- 3) пўст билан қопланган таблеткалар
- 4) консервация қилинган ошқозон шираси
- 5) қирқилган қуритилган барглр

- 6) стерилизация қилинган оқ гил (тупроқ)
- 7) консервация қилинган тиббиёт сафроси
- 8) тозаланган вакцина

80-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

- 1) *Tabulettae stomachicae cum extracto Belladonnae.*
- 2) *Acida concentrata et diluta sunt.*
- 3) *Ex herba millefolii exsiccata infusum praeparatur.*
- 4) *Hydrargyrum praecipitatum album remedium antisepticum externum est.*
- 5) *Praeparate unguentum ex Hydrargyro praecipitato allo, vaselino et lanolino anhydrico.*
- 6) *Da puero tabulettas Tetracyclini obductas.*

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: *Tabulettas Dimecolini 0,025 obductas numero 50*
Da.
Signa: Кунига 2 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
2. Recipe: *Tabulettas Ferri reducti obductas 0,2 numero 20*
Da.
Signa: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
3. Recipe: *Camphorae tritae 2,0*
Tincturae Valerianae 20 ml
Misce. Da.
Signa: Кунига 2 марта 20 томчидан ичилсин.
4. Recipe: *Olei Terebinthinae rectificati 10 ml*
Da.
Signa: 1 стакан иссиқ сувга 10 - 15 томчи солиб,
ингаляция қилинсин.
5. Олинг: *Хинозолдан 0,2*
Дистилланган сувдан 200 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Жароҳатланган жойни ювиш учун.
6. Олинг: *Протарголдан 0,5*
Глицериндан 3,0
Дистилланган сувдан 30 мл гача
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Пуркаб ювиш учун
7. Олинг: *Новокаиндан 0,5*
Дистилланган сувдан 200 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: 1 ош қошиқдан ичилсин.
8. Олинг: *Валериана экстрактининг пўст билан қопланган*
таблеткаларидан 0,02 50 (сон) та

Беринг.

Белгиланг: Кунига 3 марта 2 та таблеткадан
қабул қилинсин.

9. Олинг: Куйдирилган магнезиядан 20,0

Дистилланган сувдан 120 мл

Аралаштиринг. Беринг.

Белгиланг: Кислотадан заҳарланганда ҳар 10 ми-
нутда 1 ош қошиқдан қабул қилинсин.

10. Олинг. Қоқи настойкасидан

Атчиқ настойкадан тенг миқдорда 10 мл

Кучала настойкасидан 5 мл

Аралаштиринг. Беринг.

Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.

Уйга вазифа.

I. «Мажхулик нисбатигаги ўтган замон сифатдоши» мавзу-
сини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билим-
ларингизни текшириб кўринг:

а) Ўтган замон сифатдоши қайси сўз туркумидан ташкил
топади?

б) Сифатдошлар қандай қўшимчаларга эга?

в) Сифатдошлар келишиклар бўйича қандай турланади?

II. 52-§ даги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча
эквивалентларини топинг.

1) *concisus, a, um*

2) *reductus, a, um*

3) *tritum, a, um*

4) *dilutus, a, um*

5) *obductus, a, um*

6) *contusus, a, um*

7) *exsiccatus, a, um*

8) *pulveratus, a, um*

9) *depuratus, a, um*

10) *praecipitatus, a, um*

а) тўйилган, янчилган

б) ишқалаб майдаланган

с) тозаланган

д) қуритилган

е) майдаланган, кесилган

ф) кукунга айлантирилган

г) қайтарилган

ҳ) пўст билан қопланган

и) чўктирилган

й) суюлтирилган

IV. *Nom.* ва *Gen.ga* латин тилига таржима қилинг.

1) алоининг пўст билан қопланган таблеткалари

2) қирқилган барглари

3) дистилланган сув

V. Рецептларни таржима қилинг.

1. *Recipe: Emulsi oleosi 100,0*

Camphorae 1,0

Olei Menthae piperitae gtt. V

Misce. Da.

Signa: Кунуга 2 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.

2. Recipe: Extracti Aloës fluidi 1 ml

Da tales doses numero 10 in ampullis.

Signa: Тери остура 1 мл дан юборилсин.

3. Recipe: Mentholi 0,5

Olei Amygdalarum 200,0

Aquae destillatae 120,0

Misa, ut fiat emulsum.

Da.

Signa: Кунуга 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.

4. Recipe: Infusi foliorum Menthae piperitae ex 5,0:200 ml

Da.

Signa: Ҳар 3 соатга 1 ош қошиқдан ичилсин.

6. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Calcii glutaminas, Methioninum, Histidinum, Glucinum, Cysteinum, Viceinum, Taufonum, Cerebrolysinum, Hydrolysin, Fibrinosolum, Hydrolysatum Caseini, Aminotrophum, Aminocrovinum, Infusaminum, Polyaminum, Vamin, Vaminolact, Aminosteril, Nephramin, Lipofundinum, Rheopolyglucinum, Rheopolyglucinum cum glucoso, Rondex, Rheomacrodex, Polyferum, Haemodesum, Neohaemodesum, Gluconeodesum, Enterodesum, Gelatinolum, Volecamum, Lactoproteinum, solutio Natrii chloridi isotonica pro injectionibus, solutio Natrii chloridi composita, solutio Ringer - Locke, solutio «Disolum», solutio «Trisolum», solutio «Acesolum», solutio «Chlosum», solutio «Quartasolum», solutio «Lactasolum», Sanasolum, tabulettae Petrovi, tabulettae «Glucosolanum», Citraglucosolanum, solutio Polyvinylpyrrolidoni pro injectionibus, Lacrisyn, Natrii hydrocarbonas, Trisaminum, Pehanorm, Trometamol, Dimephosphonum, Acidum hydrochloricum, Hylac, Calcii chloridum, Calcii gluconas, Calcii lactas, Fosamax, Alendronat Sodium, Etidronate sodium, Osteogenon, Osteochin, Kalii chloridum, Kalium - normin, Kalipoz prolongatum.

18-дарс

53-§. Кимёвий элементларнинг лотинча номи

Кимёвий элементларнинг номи II - турланиш средний роддаги отлар бўлиб, Nominativus Singularis да - um, Genetivus Singularis га - i қўшимчасига эга. Фақат phosphorus, i, m (II-турланиш мужской род) ва sulfur, n - (III- турланиш) бу қоидадан мустасно.

54-§. Қуйидаги химиявий элементлар номларини ёд олинг!

Кимёвий белгиси	Латинча номи	Ўзбекча номи
Al	Aluminium, i, n	алюминий
Ag	Argentum, i, n	күмүш
Au	Aurum, i, n	олтин
Ba	Barium, i, n	барий
Bi	Bismuthum, i, n	висмут
Br	Bromum, i, n	бром
Ca	Calcium, i, n	кальций
Ce	Chlorum, i, n	хлор
Cu	Cuprum, i, n	мис
Fe	Ferrum, i, n	темир
F	Fluorum, i, n	фтор
H	Hydrogenium, i, n	водород
Hg	Hydrargyrum, i, n	симоб
I	Iodum, i, n	йод
K	Kalium, i, n	калий
Li	Lithium, i, n	литий
Mg	Magnium, i, n Magnesium, i, n	магний
Na	Natrium, i, n	натрий
N	Nitrogenium, i, n	азот
O	Oxygenium, i, n	кислород
Ph	Phosphorus, i, n	фосфор
Pb	Plumbum, i, n	қўрғошин
S	Sulfur, uris, n	олтингугурт
Zn	Zincum, i, n	рух

81-машқ

Қуйидаги кимёвий элементлар номини Gen. Sing. ga ёзинг.

Алюминий, барий, висмут, фтор, литий, натрий, кислород, симоб, олтингугурт, водород, калий, қўрғошин, рух.

55-§. Кислоталарнинг латинча номи

Латин тилида кислоталар номи *acidum* (кислота) сўздан ва - *icum* сифат қўшимчасидан ясалади.

Масалан: *acidum boricum* - борат кислота

56-§. Қуйидаги кислоталар номини ёд олинг!

- Acidum (i) aceticum (i) - сирка кислота
Acidum (i) acetylsalicylicum (i) - ацетилсалицилат кислота
Acidum (i) ascorbinicum (i) - аскорбинат кислота
Acidum (i) benzoicum (i) - бензоат кислота
Acidum (i) boricum (i) - борат кислота
Acidum (i) carbolicum (i) - карболат кислота
Acidum (i) carbonicum (i) - қўмир кислота
Acidum (i) citricum (i) - лимон кислота
Acidum (i) dehydrocholicum (i) - дегидрохолат кислота
Acidum (i) etacrynicum (i) - этакрин кислота
Acidum (i) ferro-ascorbinicum (i) - темир аскорбинат кислота
Acidum (i) folicum (i) - фолат кислота
Acidum (i) glutaminicum (i) - глютамин кислота
Acidum (i) hydrochloricum (i) - хлорид кислотаси
Acidum (i) lacticum (i) - сүт кислотаси
Acidum (i) lipoicum (i) - липой кислота
Acidum (i) nicotinicum (i) - никотин кислота
Acidum (i) salicylicum (i) - салицилат кислота

82-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

- 1) Sulfur praecipitatum
- 2) Acidum concentratum
- 3) Emplastrum Plumbi compositum
- 4) Unguentum Zinci
- 5) Sirupus Aloës cum Ferro
- 6) Acidum hydrochloricum dilutum
- 7) Unguentum Acidi borici
- 8) Unguentum Hydrargyri cinereum
- 9) Unguentum Hydrargyri album
- 10) Acidum carbolicum crystallisatum

83-машқ

Nom. Sing. va Gen. Sing. ga латин тилига таржима қилинг.

- 1) суюлтирилган кислота
- 2) чўктирилган олтингутурт
- 3) рух суртмаси
- 4) қайтарилган темир
- 5) қўргошин суви
- 6) суюлтирилган хлорид кислота
- 7) симобнинг сариқ суртмаси

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Sulfuris praecipitati 1,2
Glycerini 5,0
Aquaе destillatae 90 ml
Misce. Da.
Signa: Бош терисига суртиш учун
2. Recipe: Tabulettas Acidi Lipoici 0,025
Da.
Signa: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
3. Recipe: Acidi benzoici 0,6
Acidi salicylici 0,3
Vasellini 10,0
Misce. Da.
Signa: Суртма
4. Recipe: Acidi borici 2% 100,0
Da.
Signa: 1 стакан сувга 1 чой қошиқда солиб, оғиз бўшлиғи чайқалсин.
5. Recipe: Oxygenii 1,5
Da.
Signa: Болалар учун
6. Recipe: Aquaе Plumbi
Aquaе destillatae ana 50 ml
Acidi borici 2 ml
Misce. Da.
Signa: Малҳам
7. Recipe: Acidi hydrochlorici diluti 1 ml
Pepsini 2,0
Aquaе destillatae 100 ml
Misce. Da.
Signa: 1 ёшли болага кунига 3 марта овқатдан олдин 1 чой қошиқдан ичирилсин.
8. Олинг: Салицилат кислотадан 2,0
Чўктирилган олтингугуртдан 5,0
Глицериндан 15,0
Қўрғошин сувидан 170 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта бош терисига суртилсин.
9. Олинг: Суялтирилган хлорид кислотадан 15 мл
Беринг.
Белгиланг: 1/4 стакан сувга 10-15 томчи солиб, 2 марта ичилсин.

10. Олинг: Салицилат кислотада 5,0
Скипидардан
Ланолиндан тенг миқдорда 1,0 дан
Хлороформдан 3,0
Вазелиндан 3,0
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Суртма.
11. Олинг: Димедролдан 0,02
Борат кислотада 0,2
Дистилланган сувдан 10 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 томчидан кўзга
томизилсин.
12. Олинг: Ацетилсалицилат кислотаси таблеткаларидан
0,25 10 (сон) та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта овқатдан кейин 1 та
таблеткадан қабул қилинсин.

Уйга вазифа.

I. «Кимёвий элементлар ва кислоталарнинг латинча номи» мавзуларини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамда билимларингизни текшириб кўринг.

1. Кимёвий элементлар номининг келишиги ва родини айтинг.

2. Латин тилида кислоталар номи қандай ясалди?

II. 54,56-§§ даги кимёвий элементлар ва кислоталар номини ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

а)

1) *Ferrum, i, n*

2) *Iodum, i, n*

3) *Nitrogenium, i, n*

4) *Oxygenium, i, n*

5) *Plumbum, i, n*

6) *Phosphorus, i, n*

7) *Zincum, i, n*

8) *Sulfur, uris, n*

9) *Cuprum, i, n*

10) *Fluorum, i, n*

а) кислород

б) темир

в) фтор

г) фосфор

е) олтингугурт

ф) азот

г) мис

н) қўргошин

и) рух

ж) йог

б)

1) *acidum citricum*

2) *acidum salicylicum*

3) *acidum ascorbinicum*

а) сут кислота

б) темир аскорбинат кислота

в) глютамин кислота

- | | |
|-------------------------------------|-----------------------|
| 4) <i>acidum ferro-ascorbinicum</i> | г) хлорид кислота |
| 5) <i>acidum lacticum</i> | е) лимон кислота |
| 6) <i>acidum etacrynicum</i> | ф) бензоат кислота |
| 7) <i>acidum hydrochloricum</i> | г) салицилат кислота |
| 8) <i>acidum benzoicum</i> | х) липой кислота |
| 9) <i>acidum lipoicum</i> | и) этакрин кислота |
| 10) <i>acidum glutaminicum</i> | ж) аскорбинат кислота |

IV. Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: *Acidi lactici* 50 ml

Da.

Signa: Пуркаб ювиш учун

2. Recipe: *Unguenti Wilkinsoni* 20,0

Unguenti Zinci ad 100,0

Misce. Da.

Signa: Замбурули касаликларга териға суртилсин.

3. Recipe: *Ferri reducti* 1,0

Da tales doses numero 15 in capsulis gelatinosis.

Signa: Кунига 3 марта 1 капсуладан қабул қилинсин.

4. Олинг: Симобнинг кулранг суртмасидан 5,0

Беринг.

Белгиланг: Терининг зарарланган жойига суртилсин.

5. Олинг: Бензоат кислотадан 0,6

Салицилат кислотадан 0,3

Вазелиндан 10,0

Аралаштиринг. Беринг.

Белгиланг: Суртма

6. Олинг: Куйдирилган магнезиядан 20,0

Дистиланган сувдан 120,0

Аралаштиринг. Беринг.

Белгиланг: Кислотадан заҳарланганда ҳар

10 минутга 1 ош қошиқдан ичилсин.

V. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Panangin, Asparcamum, Magnerot, Ferri lactas, tabulettae «Haemostimulinum», tabulettae «Phytoferrolactolum», Ferrosi sulfas; tabulettae «Ferrocolum» obductae, Ferroplex, Conferon, Ferro-Gradumet, Tardiferon, Fefol - vit, Haemofer, Ferramidum, Ferroceronum, Ferbitolum, Fercovenum, Ferrum Lek, Feracrylum, Oxyferriscorbone natrium, Coamidum, Iodum, tabulettae «Microiodum» obductae, solutio Iodi spirituosa, solutio Lugoli, Kalii iodium, Natrii iodium, Calcii glycerophosphas, Phytinum, Cerebro - lecithinum, tabulettae «Lipocerebrinum» obductae, Vitaphthorum, Phtorlacum, Natrii arsenas, liquor Kalii arsenitis, Methyluracilum, Pentoxylum, Leucogenum, acidum adenosintriphosphoricum, Phosphadenum, Fosfocreatine, Riboxinum, Oxiamin, Dalarginum, Semax,

Dipromonium, Carnitini chloridum, Mildronatum, Aceminum, solutio Polyaethylenoxydi, Catalin, Quinax, Filgrastim, Sargramostim, Molgramostim, extractum Aloës fluidum pro injectionibus, extractum Aloës fluidum, tabulettae Aloës obductae, Biosedum, Fibs pro injectionibus, Peloidinum.

19-дарс

57-§. Оксидларнинг лотинча номи

Ҳамма оксид, пероксид ва гидроксидлар номи иккита оғдан ташкил топиб, биринчиси - элемент номи қаратқич келишиқда, иккинчиси оксидларнинг гуруҳ номи бош келишиқда бўлади.

Масалан: Zinci oxydum - рух оксиди

Magnesii peroxhydum - магний пероксида

Calcii hydroxydum - кальций гидроксиди

Эслаб қолинг!

оксид - oxydum, i, n

пероксид - peroxhydum, i, n,

гидроксид - hydroxydum, i, n,

Чала оксидлар номи oxydulatus, a, um, сифатини элемент номига мослаб ҳосил қилинади.

Масалан: Nitrogenium oxydulatum - азотнинг чала оксиди.

58-§. Тузларнинг лотинча номи

Катион биринчи ўринда келади ва қаратқич келишиқ бирлик сондаги от билан ифодаланади, анион катиондан сўнг туради ва бош келишиқ бирлик сондаги от билан ифодаланади. Анионлар қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади:

idum, idi -ид

is, itis -ит

as, atis -ат

Масалан: натрий сульфид - Nom. Natrii sulfidum

Gen. Natrii sulfidi

натрий сульфит - Nom. Natrii sulfis

Gen. Natrii sulfitis

натрий сульфат - Nom. Natrii sulfas

Gen. Natrii sulfatis

59-§. Асос тузларнинг номи

Асос тузларнинг номи -**sub** оғд қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинади.

Масалан: Асосли висмут галлат -

Nom. Bismuthi subgallas

Gen. Bismuthi subgallatis

60-§. Кислородсиз кислоталарнинг органик асослар билан ҳосил қилган тузларининг номи

Кислородсиз кислоталарнинг органик асослар билан ҳосил қилган тузларининг номи **-hydro** олд қўшимчаси ва **-idum, i**, суффикси ёрдамида ҳосил қилинади.

Масалан: Папаверин гидрохлорид -

Nom. Papaverini hydrochloridum

Gen. Papaverini hydrochloridi

61-§. Натрий ва калий тузларининг номи

Натрий ва калий тузларининг номи моддалар номларига **natrium** ёки **kalium** сўзларини чизиқча ёрдамида қўшиб ҳосил қилинади.

Масалан: Сульфацил - натрий - Sulfacylum - natrium

84-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Magnii oxydum
2. Hydrargyri oxydum flavum
3. Zinci oxydum
4. Unguentum Hydrargyri oxydi flavi
5. Magnii peroxydum
6. Aluminium hydroxydum
7. Linimentum Zinci oxydi

85-машқ

Оксидлар номини Nom. Sing. ва Gen. Sing. ga лотин тилига таржима қилинг.

1. рух оксиди
2. қўرғошин оксиди
3. магний оксиди
4. водород пероксиди
5. симоб оксиди

86-машқ

Қуйидаги тузларни ўзбек тилига таржима қилинг.

Kalii iodidum, Cupri sulfas, Natrii arsenas, Lithii carbonas, Kalii arsenis, Natrii nitris, Hydrargyri dichloridum, Ammonii chloridum, Argenti nitras, Calcii glutaminas, Kalii orotas, Calcii carbonas praecipitatus, Natrii fluoridum, Codeini phosphas, Magnii ascorbas.

87-машқ

Қуйидаги тузларни Nom. Sing. ва Gen. Sing. ga лотин тилига таржима қилинг.

1. натрий йодид
2. калий перманганат

3. натрий тетраборат
4. рух сульфат
5. натрий фторид
6. қўргошин ацетат
7. калий бромид
8. натрий бензоат
9. магний сульфат
10. мис сульфат
11. асосли магний карбонат
12. скополамин гидроид
13. адреналин гидрохлорид
14. барбитал - натрий

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Magnesii sulfatis 20,0
Da.
Signa: Ярим ош қошиқ сувда эритилсин ва
1 стакан сув билан ичилсин.
2. Recipe: Zinci sulfatis
Plumbi acetatis ana 0,3
Aquaе destillatae 200 ml
Miscе. Da.
Signa: Пуркаб ювиш учун
3. Recipe: Natrii iodidi
Aquaе destillatae 180 ml
Miscе. Da.
Signa: Кунига 2-3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
4. Recipe: Nomatropini hydrobromidi 0,4
Aquaе destillatae 10 ml
Miscе. Da.
Signa: Кўз томчиси
5. Recipe: Natrii bromidi 4,0
Coffeini - natrii benzoatis 1,0
Extracti Crataegi fluidi 6 ml
Tincturae Valerianae 8 ml
Aquaе destillatae 200 ml
Miscе. Da.
Signa: Кунига 4 марта 1 чой қошиқдан ичилсин.
6. Олинг: Ксероформдан 1,0
Рух оксидидан 5,0
Ланолиндон
Вазелиндон тенг миқдорда 10,0 дан
Суртма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Суртма

7. Олинг: Магний оксид таблеткаларидан 0,5 20 (сон) та Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
8. Олинг: Қўрғошин ацетатдан 10,0
Дистиланган сувдан 100 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Пуркаб ювиш учун
9. Олинг: Калий йодиддан 0,01
Дистиланган сувдан 10 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: 1 кунда 2-5 томчи ичилсин.
10. Олинг: Асосли висмут нитрат 0,25
Белладонна экстрактидан 0,015
Шундай дозаларда 10 (сон) таблеткаларда беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.

Уйга вазифа.

I. «Оксидлар ва тузларнинг латинча номи» мавзуларини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Оксидлар қандай ҳосил қилинади?
2. Чала оксидлар қандай ясалади?
3. Кислоталар қандай ҳосил бўлади?
4. Тузлар номи қандай усулда ҳосил қилинади?
5. Асос тузларнинг номи қандай ҳосил қилинади?
6. Кислородсиз кислоталарнинг органик асослар билан ҳосил қилган тузларининг номи қандай ясалади?

II. Қуйидаги тузларни *Nom. Sing.* ва *Gen. Sing.* га латин тилига таржима қилинг.

- | | |
|-------------------------|-----------------------|
| 1. натрий нитрит | 2. кальций хлорид |
| 3. асосли висмут нитрат | 4. морфин гидрохлорид |

III. Рецептларни таржима қилинг:

1. Recipe: Hydrargyri oxydi fluidi 0,6

Ichthyoli 0,8

Unguenti Zinci 20,0

Misce fiat unguentum

Da.

Signa: Суртма

2. Recipe: Tabulettas Oleandomycini phosphatis 0,125

obductas numero 25

Da.

Signa: Кунига 4 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.

3. Recipe: *Papaverini hydrochloridi 0,02*
Phonobarbitali 0,05
Da tales doses numero 10 in tabulettis
Signa: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
4. Олинг: *Темир лактатдан 1,0*
Шундай дозаларда 20 (сон) та желатинли капсулаларда беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта овқатдан кейин 1 та капсуладан қабул қилинсин.
5. Олинг: *Лимонник настойкасидан 20,0*
Валериана настойкасидан 10,0
Натрий бромиддан 3,0
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 2-3 марта 30 томчидан ичилсин.

IV. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Torfortum, Polybiolinum, succus Kalanchoës, Vulnusan, Chonsuridum, Epytalaminum, Encadum, suspensio Zymosani, Proper - myl, Trianol, Befunginum, Propolis, unguentum «Propeceum», аërosolum «Proposolum», Apilacum, Oxygenium, Carbogenum, Dibunolum, Emoxipinum, Mexidolum, Ubinonum, Clyphenum, acidum carbonicum anhydricum, Thymalinum, Tactivinum, Thymoptinum, Thymactidum, Vilosenum, Myelopidum, Thymogenum, Immunofan, Natrii nucleinas, Ribomunyl, Levamisolum, Prodigiosanum, Pyrogenalum, Poludanum, Azathioprinum, Batridenum, Ciclosporinum, Antilimpholinum, Crysanolum, Auranofin, Clucosum, Lactulosum, Unithiolum, Natrii thiosulfas, tabulettae Carbonis activati, enterosorbentum, Carbolongum, Polyphepanum, Tetacinum - calcium, Natrii calcii edetas, Pentacinum, Ferrocinum, Dinatrii aethylendiamintetraacetat, Trimephacinum, Deferoxaminum, Dextrazoxan, Penicillaminum, Cystamini dihydrochloridum, Batilolum, Linimentum Thesani, unguentum Diaethoni, аërosolum «Lioxasolum», Beroxanum, Ammifurinum, Psoralenum, Psoberanum, Fogemum.

20-дарс

62-§. III- турланишдаги отлар

III - турланишдаги отларга Genetivus Singularis да -is қўшимчасига эга бўлган мужской, женский ва средний роддаги отлар киради. Учала роддаги отларнинг Gen. Sing. да бир хил қўшимчага эга бўлиши III - турланишдаги отларнинг ўзига хос хусусиятидир.

III - турланишдаги отлар тенг мураккаб ва нотенг мураккаб отларга бўлинади. Тенг мураккаб отларда Gen. Sing. даги бўғинлар сони Nom. Sing. да бўғинлар сонига тенг бўлади.

Масалан: apis, apis

Нотенг мураккаб отларда эса Gen. Sing. даги бўғинлар сони Nom. Sing. даги бўғинлар сонига нисбатан битта ортиқча бўлади.

Масалан: corpus, corporis

III - турланишдаги отларнинг негизи Genetivus Singularis шаклидан -is қўшимчасини олиб ташлаш билан ҳосил қилинади.

Масалан:

Nom. Sing	Gen. Sing.	Негизи	Сўзнинг луғат шакли
liquor	liquoris	liquor	liquor, liquoris, m
solutio	solutionis	solution	solutio, solutionis, f
corpus	corporis	corpor	corpus, corporis, n

III - турланишдаги отлар уч типга бўлинади:

1. Ундош тип (асосий тип)
2. Аралаш тип
3. Унли тип.

63-§. Ундош тип

Ундош типга Genetivus Singularis да - is қўшимчасига, Nominativus Singularis да эса ҳар хил қўшимчага эга бўлган мужской, женский ва средний роддаги отлар киради.

Масалан: liquor, liquoris, m;
solutio, solutionis, f
corpus, corporis, n.

Ундош типдаги отларнинг келишик қўшимчалари

Мужской ва женский роддаги отлар келишиклар бўйича турланганда бир хил қўшимчаларга эга бўлади.

Casus	Singularis			Pluralis		
	m	f	n	m	f	n
Nom.	ҳар хил			es	es	a
Gen.	is	is	is	um	um	um
Dat.	i	i	i	ibus	ibus	ibus
Acc.	em	em	= Nom.	es	es	a
Abl.	e	e	e	ibus	ibus	ibus

Турланиш намунаси

Casus	Singularis		
	m	f	n
Nom.	cortex	solutio	semen
Gen.	corticis	solutionis	seminis
Dat.	cortici	solutioni	semini
Acc.	corticem	solutionem	semen
Abl.	cortice	solutione	semine

Casus	Pluralis		
	m	f	n
Nom.	cortices	solutionis	semina
Gen.	corticum	solutionum	seminum
Dat.	corticibus	solutionibus	seminibus
Acc.	cortices	solutiones	semina
Abl.	corticibus	solutionibus	seminibus

64-§. Ундош типга кирадиган мужской роддаги отлар

Ундош типга кирадиган мужской роддаги отлар Nominativus Singularis да os, er, o, or, ex, es қўшимчаларига эга бўлади.

Nom. Sing.	Gen. Sing.	Мисоллар		Таржимаси
		Nom. Sing.	Gen. Sing.	
- os	- oris	flos	floris	гул
- or	- oris	sapor	saporis	маза
- o	- onis	carbo	carbonis	кўмир
	- inis	homo	hominis	одам
- er	- (e) ris	aether	aetheris	эфир
- ex	- icis	cortex	corticis	пўстлоқ
- es	- itis, - etis	stipes	stipitis	поя, новда
	- dis	pes	pedis	оёқ

65-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

flos, floris, m - гул

liquor, liquoris, m - суюқлик, эритма

color, coloris, m - ранг

sapor, saporis, m - маза

odor, odoris, m - ҳид
auctor, auctoris, m - муаллиф, рецепт ёзган киши
sapo, saponis, m - совун
carbo, carbonis, m - қўмир
pulmo, pulmonis, m - ўпка
homo, hominis, m - одам
asther, aetheris, m - эфир
aër, aëris, m - ҳаво
cortex, corticis, m - пўстлоқ
pulvis, pulveris, m - кукун
adeps, adipis, m - ёғ
adeps suillus, adipis suilli - чўчқа ёғи
Adonis, Adonidis, f - адонис
Adonis (idis) vernalis - баҳорги адонис
Adonis (idis) turkestanicus (i) - туркистон адониси
Bursa (ae) pastoris - жағ - жағ, очамбити.

88-машқ

Жағвал ёрдамида қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва кўplik сон шакллари ҳосил қилинг.
гул, қўмир, маза, ўпка, қутича, гранула, канақунжут.
Намуна:

Nom. Sing.	Турл.	Род	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
cortex - пўстлоқ	III	m	corticis - пўстлоқ- нинг	cortices - пўстлоқ- лар	corticum - пўстлоқ- ларнинг

89-машқ

Қуйидаги отларнинг луғат шаклини ёзинг ва негизини аниқланг.
Pulmo, homo, pulvis, Adonis, sirupus, oleum, gemma

90-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.
cortex Viburni, flores Arnicae, pulvis Glycyrrhizae, pulvis compositus, flores Tiliae, decoctum florum Tiliae, flores Helichrysi arenarii, pulvis Glycyrrhizae compositus.

91-машқ

Сифатларни отларга мослаштиринг ва сўз ибораларини ўзбек тилига таржима қилинг.

1. sapo (medicatus, a, um)
2. adeps (suillus, a, um)
3. adeps (depuratus, a, um)

4. Adonis (sibiricus, a, um)
5. aether (purus, a, um)
6. carbo (activatus, a, um)
7. pulvis (grossus, a, um)
8. Adonis (tianschanicus, a, um - тяньшань)

92-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. ga лотин тилига таржима қилинг.

1. мойчечак гуллари
2. франгула пўстлоғи
3. тоза эфир
4. тиббиёт совуни
5. фаоллаштирилган кўмир
6. мураккаб кукун
7. мойчечак гулларининг дамламаси
8. ширинмиянинг мураккаб кукуни

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Magnesii oxydi 0,5
Bismuthi subnitratis 0,2
Extracti Belladonnae 0,01
Misce, fiat pulvis.
Signa: Кунига 2-3 марта 1 та порошокдан қабул қилинсин.
2. Recipe: Liquoris Kalii arsenitis 5 ml
Aquae Menthae 15 ml
Misce. Da.
Signa: Кунига 3 марта овқатдан кейин 3 томчидан ичишни бошлаб, ҳар куни 1 томчи қўшиб борилсин ва 10 томчига етказилсин.
3. Recipe: Infusi herbae Bursae pastoris ex 100-200 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
4. Recipe: Infusi florum Tiliae 500 ml
Da.
Signa: Чайқаш учун
5. Recipe: Decocti corticis Viburni 10,0 - 200 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
6. Recipe: Calcii carbonatis praecipitati
Natrii hydrocarbonatis
Bismuthi subnitratis ana 0,5
Extracti Belladonnae 0,015
Misce, fiat pulvis.

Da tales doses numero 20

Signa: Кунига 3 марта 1 та порошокдан қабул қилинсин.

7. Recipe: Iodi 0,02
Kalii iodidi 0,2
Calcii glycerophosphatis
Phytini ana 4,0
Extracti et pulveris Liquiritiae quantum satis ut fiant
pilulae numero 60
Da.
Signa: Кунига 2 марта овқатдан кейин 1 та
ҳабдоридан қабул қилинсин.
8. Олинг: Рух оксиддан 10,0
Тальқдан 40,0
Кукун ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Сепки
9. Олинг: Қайтарилган темирдан 1,0
Аскорбинат кислотада 0,1
Кукун ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Шундай дозаларда 20 (сон) та желатинли
капсулаларда беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 4 та капсуладан
қабул қилинсин.
10. Олинг: Тозаланган олтингутуртдан
Магний оксиддан
Шакардан тенг миқдорда 10,0 дан
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта ярим чой қошиқдан
қабул қилинсин.
11. Олинг: Франгула пўстлогининг қайнатмасидан
20,0:200 мдан
Натрий сульфатдан 20,0
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 та порошокдан қабул
қилинсин
12. Олинг: Жағ-жағнинг суюқ экстрактидан 20 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 20 томчидан ичилсин.

Уйга вазифа.

1. «III - турланишидаги отлар ва ундош тип» мавзуларини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Қайси отлар III - турланишга киради?
2. Тенг мураккаб ва нотенг мураккаб отлар деганда нимани тушунаси?
3. III - турланишдаги отларнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?
4. III - турланишдаги отларнинг негизи қандай ҳосил қилинади?
5. III - турланишдаги отлар нечта тилга бўлинади?
6. Қайси отлар ундош тилга киради?
7. Мужской ва женский рогдаги отларнинг келишиқ қўшимчаларини айтинг.

II. 65-§ даги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|------------|--------------------|
| 1) liquor | 1) гул |
| 2) odor | 2) маза |
| 3) sapor | 3) ҳид |
| 4) flos | 4) суюқлик, эритма |
| 5) pulvis | 5) кўмир |
| 6) cortex | 6) эфир |
| 7) carbo | 7) ҳаво |
| 8) aër | 8) ёғ |
| 9) adeps | 9) куқун |
| 10) aether | 10) пўстлоқ |

IV. Жагвал ёрдамда қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишиқ, бирлик ва кўлик сон шакларини ҳосил қилинг. куқун, одам, экстракт, бодом.

V. Рецетпларни таржима қилинг.

1. Олинг: Мойчечак гуларидан 30,0
Беринг.
Белгиланг: Чойга ўхшатиб дамлансин
2. Олинг: Эвкоммия пўстлоғининг қайнатмасидан 10,0 - 200
мл дан
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
3. Олинг: Агонизиддан
Натрий бромиддан тенг миқдорда 6,0 дан
Кодеин фосфатдан 0,2
Дистилланган сувдан 200 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.

6. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Tetrumum, tabulettae Radoteri, Cyamidum, decoctum Lycopodii selaginosi, Litonitum, Phepranonum, Dexfenfluramine, Benzylpenicillinum - natrium, Benzylpenicillinum - kalium,

Benzylpenicillinum - novocainum, Bicillinum, Phenoxymethylpenicillin, Phenoxymethylpenicillin Benzatine, Oxacillinum - natrium, Ampicillinum - natrium, Unasyn, Carbenicillinum, - dinatricum, Carfecillin, Azlocillin, Amoxicillin, Amoxyclav, Piperacillin, Tazocin, Cephalotin, Cephalotin Sodium, Cefalexinum, Cefaclor, Cefuroxim, Cefotaxim, Ceftriaxon, Sulperazonum, Cefpirom, Imipenem, Tienam, Aztreonam, Penamecillin, Neomycin Sulfate, Monomycinum, Kanamycinum, Canoxicelum, Gentamycini sulfas, Tobramycinum, Sisomycin Sulfate, Amicin Sulfate, Tetracyclinum, unguentum Tetracyclini ophthalmicum, tabulettae Tetracyclini et Nystatini obductae, Tetracyclini hydrochloridum, Oxytetracyclini dihydrazas, Oxytetracyclini hydrochloridum, unguentum «Нюоксонум», аэрозолум «Охыккыосолум», аэрозолум «Охыкортум», Metacyclini hydrochloridum.

21-дарс

66-§. Ундош типга кирадиган женский роддаги отлар

Ундош типга кирадиган женский роддаги отлар Nominativus Singularis да io, do, go, ix, ax, ux, s, is, as қўшимчаларига эга.

Nom. Sing.	Gen. Sing.	Мисоллар		
		Nom. Sing.	Gen. Sing.	Таржимаси
-io	-onis	solutio	solutionis	эритма
-do	-inis	hirudo	hirudinis	зулук
-go	-inis	mucilago	mucilaginis	шилиқ
-ix	-icis	radix	radicis	илдиз
-ax	-acis	borax	boracis	бура
-ux	-ucis	nux	nucis	ёнғоқ
-s	-dis	berberis	berberidis	зирк
-is	-idis	arachis	arachidis	ерёнғоқ
-as	-atis	sanitas	sanitatis	соғлиқ

67-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

solutio, solutionis, f - эритма
 mixtio, mixtionis, f - аралашма
 aspersio, aspersiois, f - сепма дори
 suspensio, suspensionis, f - суспензия, шилиқ
 injectio, injectionis, f - инъекция
 pro injectionibus - инъекциялар учун
 inhalatio, inhalationis, f - ингальяция
 pro inhalationibus -ингальяциялар учун

mucilago, mucilaginis, f - шиллиқ эритма
 radix, radicis, f - илдииз, томир
 borax, boracis, f - бура
 faex, faecis, f - ачитқи
 pix, picis, f -смола, қатрон
 Pix liquida, Picis liquidae - қорамой, қатрон
 hirudo, inis, f - зулук
 Plantago, Plantaginis, f - зуптурум
 Plantago (inis) major (oris) - катта зуптурум
 Plantago (inis) psyllium (i) - бурга зуптурум
 Thermopsis, Thermopsidis, f - термопис (афсонак)
 Thermopsis (idis) lanceolata (ae) - ништарсимон термопис
 Thermopsis (idis) alterniflora (ae) - кетма - кет гулли термопис
 Berberis, Berberidis, f - зирк
 Berberis (idis) vulgaris - оддий зирк
 Zea mays, Zeae maydis - маккажӯхори
 Nux, Nucis, f - ёнгоқ
 Nux vomica, Nucis vomicae - кучала
 Filix, Filicis, f - қирққулоқ, папоротник
 Filix mas, Filicis maris - эркак папоротник
 Menyanthes, Menyanthidis, f - мениантес
 Menyanthes trifoliata, - учбаргли мениантес (учбарг)
 Menyanthidis triboliatae

93-машқ

Жагвал ёрдамида қуйидаги отларнинг бош ва қаратқиқ келишиқ, бирлик ва қўплиқ сон шакллариғи ҳосил қилиғи.

илдииз, инъекция, ачитқи, таблетка, шарбат, шамча, гул.

Намуна:

Nom. Sing.	Турл.	Род	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
solutio - эритма	III	f	solutionis - эритманиғи	solutiones - эритмалар	solutionum - эритмалар-нинг

94-машқ

Сифатларғи отларга мослаштириғи ва сўз ибораларини ўзбек тилига таржима қилиғи.

- 1) solutio (oleosus, a, um)
- 2) solutio (isotonicus, a, um)
- 3) solutio (spirituosus, a, um)
- 4) pix (liquidus, a, um)
- 5) Thermopsis (lanceolatus, a, um)
- 6) Thermopsis (turkestanicus, a, um)

95-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

- 1) solutio Iodi spirituosa
- 2) solutio Natrii chloridi isotonica pro injectionibus
- 3) Solutio Hydrogenii peroxydi diluta
- 4) Solutio Hydrogenii peroxydi concentrata
- 5) Solutio Acidi borici spirituosa
- 6) Solutio Acidi borici in Glycerino
- 7) Solutio Natrii adenosintri phosphatis pro injectionibus
- 8) Solutio Camphorae et Acidi salicylici spirituosa
- 9) Suspensio Hydrocortisoni
- 10) Extractum Nucis vomicae siccum.

96-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. ga лотин тилига таржима қилинг.

- 1) зуптурум барглари
- 2) қоқи илдизи
- 3) амиказол сепкиси
- 4) мениантес барги
- 5) зирк илдинининг пўстлоғи.
- 6) гулхайри илдинининг қайнатмаси
- 7) ништарсимон термописсининг ер устки қисми
- 8) равор илдинининг таблеткалари
- 9) крахмал шиллини эритмаси
- 10) термописсининг қуруқ экстракти

97-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. Amidopyrinum purum est pulvis albus crystallisalus.
2. Kalii permanganas ut remedium externum antisepticum adhibetur.
3. Carbo activatus in pulveribus et in tabulettis fabricatur.
4. Mentholum in oleo Menthae piperitae aethereo continetur.
5. Amylum est pulvis sine odore et sapore.
6. Nux vomica planta venenata est.
7. Infusum radices Taraxaci ut amarum et cholagogum praescribitur.
8. Extractum Filicis maris spissum in capsulis gelatinosis sumitur.

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Solutionis Glucosi 5 % 50 ml.
Da tales doses numero 6 in ampullis.
Signa: Кўк томирга қуйиш учун
2. Recipe: Suspensionis Hydrocortisoni acetatis 0,5% 10 ml
Da.
Signa: Кунига 4 марта 2 томчидан томизилсин.

3. Recipe: Solutionis Calcii gluconatis 10% 10 ml
Da tales doses numero 10 in ampullis.
Signa: Мушаклар орасига 5 мл дан юборилсин.
4. Recipe: Infusi radices Althaeae 3,0 : 100 ml
Sirupi Althaeae 20 ml
Misce. Da.
Signa: Кунига 4 марта 1 чой қошиқдан ичилсин.
5. Recipe: Pulveris radices Rhei
Magnesii oxydi ana 0,3
Extracti Belladonnae 0,015
Misce fiat pulvis
Da tales doses numero 10
Signa: Кунига 2 марта 1 та порошокдан қабул қилинсин.
6. Олинг: Хлоралгидратдан 1,0
Крахмал шиллиқ эритмасидан
Дистилланган сувдан тенг миқдорда 25 мл дан
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: 1 та клизма қилиш учун
7. Олинг: Қатрондан
Ксероформдан тенг миқдорда 3,0 дан
Канакунжут мойидан 100,0 гача
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Суюқ суртма
8. Олинг: Валериана илдизининг дамламасидан 20,0: 200 мл дан
Арслонқуйруқ настойкасида 20 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
9. Олинг: Зуптурум барглрининг дамламасидан 20,0: 200 мл дан
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3-4 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
10. Олинг. Скополамин гидробромиддан 0,0025
Промедолдан 0,1
Эфедрин гидрохлориддан 0,25
Инъекция учун сувдан 5 мл
Аралаштиринг. Стерилизация қилинг.
Беринг.
Белгиланг: 1 мл дан тери остига юборилсин.

Уйга вазифа.

1. «Ундош тилга кирадиган женский роддаги отлар» мавзусини ўзлаштириб олинг. Қўйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Ундош тилга кирадиган женский роддаги отлар Nom. Sing. да қандай қўшимчаларга эга?

2. Ундош типга кирадиган женский роддаги отларнинг келишиклар бўйича қўшимчаларини айтинг.

II. 67-§ даги сўзларни ёд олинг.

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча эквивалентларини топинг.

- | | |
|---------------|--------------------|
| 1) solutio | а) илғиз |
| 2) radix | б) маккажўхори |
| 3) mucilago | в) мениантес |
| 4) mixtio | г) эритма |
| 5) pix | д) зуптурум |
| 6) Berberis | е) смола, қатрон |
| 7) Nux | ё) аралашма |
| 8) Plantago | ж) ёнғоқ |
| 9) Menyanthes | и) зирк |
| 10) Zea mays | к) шиллиқ эритмаси |

IV. Жагвал ёрдамга қўйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишиқ, бирлик ва кўплик сон шакллари қосил қилинг.

зулук, шиллиқ, кўмир, сув, суюқ суртма.

V. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, Nom. ва Gen. да латин тилига таржима қилинг.

1. зуптурум шираси
2. гулхайри илғизининг дамламаси
3. камфоранинг мойли эритмаси
4. йоднинг спиртли эритмаси

22-дарс

68-§. Ундош типга кирадиган средний роддаги отлар

Ундош типга кирадиган средний роддаги отлар Nominativus Singularis да en, ma, l, us, ur қўшимчаларига эга.

Nom. Sing.	Gen. Sing.	Мисоллар		
		Nom. Sing.	Gen. Sing.	Таржимаси
-en	-inis	semen	seminis	уруғ
-ma	-atis	rhizoma	rhizomatis	илғизпоя
-l	-lis	mel	mellis	асал
-us	-oris	corpus	corporis	тана, гавда,
	-eris	genus	generis	авлод
-ur	-uris	sulfur	sulfuris	олтингутурт
	-oris	jecur	jecoris	жигар

69-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

nomen, nominis, n - исм, ном, номланиш
 semen, seminis, n - уруғ
 alumen, aluminis, n, - аччиқтош (фақат бирликда ишлатилади)
 stigma, stigmatis, n - оғизча
 gargarisma, gargarismatis, n - чайиш, чайқаш
 rhizoma, rhizomatis, n - илдиэпоя
 rhizoma cum radicibus - илдиэпоя илдиэлар билан
 rhizomatis cum radicibus
 sulfur, sulfuris, n - олтингутурт
 corpus, corporis, n - тана, гавда
 lac, lactis, n - сут
 elixir, elixiris, n - эликсир
 os, oris, n - оғиз
 piper, piperis, n - мурч
 Polygonum hydropiper - аччиқ торон, сувқалампир
 Polygoni hydropiperis
 Echinopanax, Echinopacis, n - эхинопанакс
 Echinopanax (acis) elatum (i) - баланд эхинопанакс

Қуйидаги сўз ибораларини эслаб қолинг!

per os - оғиз орқали
 per rectum - тўғри ичак орқали

98-машқ

Жагвал ёрдамуга қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич келишиқ, бирлик ва кўплик сон шакллариини ҳосил қилинг.

сут, уруғ, оғизча, гул, шарча, мой
 Намуна:

Nom. Sing.	Тура.	Род	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
rhizoma- илдиэпоя	III	n	rhizomatis- илдиэпоя- нинг	rhizomata- илдиэпоялар	rhizomatum- илдиэпоя- ларнинг

99-машқ

Сифатларни отларга мослаштиринг ва сўз ибораларини ўзбек тилига таржима қилинг.

- 1) Echinopanax (elatus, a, um)
- 2) sulfur (praecipitatus, a, um)
- 3) alumen (ustus, a, um)
- 4) corpus (luteus, a, um)
- 5) plasma (siccus, a, um)
- 6) gargarisma (frigidus, a, um)

100-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

1. stigmata Maydis
2. radix Glycyrrhizae
3. rhizoma Bistortae
4. rhizoma cum radicibus Valerianae
5. herba Polygoni hydropiperis
6. rhizoma cum radicibus Echinopanacis
7. rhizomata et radices Rubiae
8. rhizomata Filicis maris

101-машқ

Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Nom. va Gen. ga* латин тилига таржима қилинг.

1. қовоқ уруғлари
2. зиёр уруғлари
3. строфант уруғлари
4. илонсимон торон илдизпояси
5. ғозпанжа илдизпояси
6. тозаланган олтингутурт
7. сангвизорба илдизпояси билан илдиzlари
8. аччиқ бодом уруғлари.
9. маралқулоқ илдизпояси билан илдиzlари
10. аччиқ тороннинг суюқ экстракти

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Aluminis 3,0
Decocti foliorum Salviae 300 ml
Misce. Da.
Signa: Томоқни чайиш учун
2. Recipe: Aluminis 4,0
Acidi borici 6,0
Aquaе destillatae 200 ml
Misce. Da.
Signa: Малҳам
3. Recipe: Stigmatum Maydis 10,0
Da.
Signa: 1 стакан қайнаган сувда ярим соат дамлансин
ва ҳар 3 соатда 1-2 ош қошиқдан ичилсин.
4. Recipe: Extracti Polygoni hydropiperis fluidi
Extracti Viburni fluidi ana 20 ml
Misce. Da.
Signa: Кунига 3 марта 25 томчидан ичилсин.

5. Recipe: Tincturae Echinopanacis 50 ml
Da.
Signa: Кунига 3 марта овқатдан олдин 30-40
томчидан ичилсин.
6. Recipe: Solutionis Collargoli 3 % 10 ml
Da in vitro nigro.
Signa: Кўз томчиси.
7. Recipe: Solutionis Oxylidini 2% 1 ml
Da tales doses numero 10 in ampullis.
Signa: Кунига 2 марта 1 мл дан мушаклар орасига
юборилсин.
8. Recipe: Picis liquidae
Sulfuris praecipitati ana 5,0
Vaselini 50,0
Misce, fiat unguentum.
Da.
Signa: Сиртдан қўлаш учун
9. Олинг: Аччиқ торон ер устки қисми дамламасидан
20,0:200 мл дан
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
10. Олинг: Маккажўхори оғизчасининг суюқ экстрактидан
20 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта овқатдан олдин 30-40
томчидан ичилсин.
11. Олинг: Скипидардан
Хлороформдан тенг миқдорда 15 мл дан
Метилсалицилатдан 10 мл
Суюқ суртма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Белгиланг: Бўғимларга суртилсин.
12. Олинг: Белладонна экстрактидан 0,015
Натрий гидрокарбонатдан 0,25
Шундай дозаларда 6 (сон) та таблеткаларда беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
13. Олинг: Этилморфин гидрохлорид эритмасидан 2% 10 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 1 томчидан кўзга
томизилсин.
14. Олинг: Протаргол эритмасидан 1% 10 мл
Қорамтир шиша идишда беринг.
Белгиланг: Кўз томчиси

15. Олинг: Гулхайри илдизининг дамламасидан 6,0 : 180 мл
Ширинмия шарбатидан 200 мл. гача
Аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Ҳар 2 соат 1 ош қошиқдан ичилсин.

102-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг. III-турланишдаги отларнинг
луғат шаклини ёзинг.

1. Aluminium sulfuricum cum Kalio sulfurico Alumen nominatur.
2. Pix liquida est liquor spissus.
3. Praeparate solutionem Aluminis usti
4. Stigmata Maydis ut remedium diureticum et cholagogum
adhibentur.
5. Serva elixir compositum cum extracto Glycyrrhizae in ollis
obturatis.

Уйга вазифа.

I. «Ундош тилга кирадиган средний рогдаги отлар» мавзу-
сини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамида билимларин-
гизни текшириб кўринг.

1. Ундош тилга кирадиган средний рогдаги отлар Nom. Sing.
ва Gen. Sing. да қандай қўшимчаларга эга?

2. Ундош тилга кирадиган средний рогдаги отларнинг Nom.
Plur. ва Gen. Plur. қўшимчаларини айтинг!

II. 69-§ даги сўзларни ёд олинг!

III. Чап устундаги латинча сўзларнинг ўнг устундаги ўзбекча
эквивалентларини топинг.

- | | |
|---------------|-----------------------|
| 1) semen | a) чайиш, чайқаш |
| 2) nomen | b) оғизча |
| 3) gargarisma | c) тана, гавда |
| 4) rhizoma | d) уруғ |
| 5) stigma | e) эликсир |
| 6) lac | f) исм, ном, номланиш |
| 7) piper | g) оғиз |
| 8) corpus | h) мурч |
| 9) elixir | i) сут |
| 10) os | j) илдизпоя |

IV. Жадвал ёрдамида қуйидаги отларнинг бош ва қаратқич
келишик, бирлик ва кўplik сон шаклларини ҳосил қилинг.
ном, чайиш, мурч, илдиз.

V. Атамаларнинг шартли тасвирини тузиб, *Нот. ва Ген. да латин тилига таржима қилинг.*

1. бодом уруғлари
2. женьшень илғизи
3. элеутерококк илғизпояси билан илғизи
4. қайин қатрони

VI. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Doxycyclini hydrochloridum, Erythromycinum, Erythromycini phosphas, Erycycinum, Spiramycin, Oleandomycini phosphas, Oletetrinum, Roxithromycin, Azithromycin, Lincomycini hydrochloridum, Clindamycin, Laevomycetinum, Laevomycetini stearas, Laevomycetini succinas solubile, Laevovinisolum, Iruxol, Synthomycinum, Linimentum Synthomycini cum Novocaino, Polymyxini sulfas, Ristomycini sulfas, Fusidinum - natrium, Diaethanalamini fusidas, Acidum fusidicum, gelium «Fusidinum», gelium «Prefuzinum», Fugantin, Streptocidum, unguentum Streptocidi, Streptocidum solubile, Norsulfazolum, Sulfazinum, Sulfarginum, Sulfadimezinum, Aethazolum, Aethozolum - natrium, Sulfacylum - natrium, Urosulfanum, Sulfapyridazinum, Sulfamonomethoxinum, Sulfadimethoxinum, Sulfalenum, Sulfalenum - megluminum, Co - Trimoxazole, Sulfamethoxazolum, Sulfatonum, Lidaprim, Algimafum, Sulfasalazine, Salazopyridazinum, Salazodimethoxinum, Mesalazine, Chlorchinaldolum, Nitroxolinum, Chinidonum, Intetrix, Dermosolon, Acidum nalidixicum, Acidum oxolinicum, Acidum pipemidiecum, Pefloxacinum.

23-дарс

70-§. Аралаш типдаги отлар

Аралаш типга учала роддаги, лекин асосан женский роддаги отлар киради. Уларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Негизи иккита унсиз товуш билан тамомланадиган отлар.

Масалан: - pars, partis, f - қисм, бўлак

2. -es ва -is билан томомланадиган тенг мураккаб отлар.

Масалан: apis, apsis, f - асалари

Аралаш типдаги отларнинг келишиклар бўйича турланиши

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	ҳар хил	es
Gen.	is	ium
Dat.	i	ibus
Acc.	em	es
Abl.	e	ibus

Турланиш намунаси

Casus	Sing.	Plur.
Nom.	pars	partes
Gen.	partis	partium
Dat.	parti	partibus
Acc.	partem	partes
Abl.	parte	partibus

71-§. Қуйидаги отларни ёд олинг!

pars, partis, f - қисм, бўлак
 dens, dentis, f - тил
 infans, infans, m, f - бола
 pro infantibus - болалар учун
 Vitis idaea, Vitis idaeae - брусника
 Bidens, Bidentis, f - қорақиз (иттиканак)
 Bidens tripartita, - уч бўлакли қорақиз (иттиканак)
 Bidentis tripartitae
 Digitalis, Digitalis, f - ангишвонагул
 Digitalis purpurea, - қизил ангишвонагул
 Digitalis purpureae
 Digitalis grandiflora, - йирик гулли ангишвонагул
 Digitalis grandiflorae

Қуйидаги юнончадан кириб келган тенг мураккаб отларни ёд олинг!

narcosis, narcosis, f - наркоз
 pro narcosi - наркоз учун
 basis basis, f - асос, негиз
 tussis, tussis, f - йўтал, йўталиш
 contra tussum - йўталга қарши
 dosis, dosis, f - доза
 pro dosi - дориларни бир марта қабул қилиш дозаси
 Sinapis, Sinapis, f - хантал, горчица
 charta Sinapis - хантал қоғози, горчичник
 chartae Sinapis

Қуйидаги сўз ибораларини эслаб қолинг!

Ex tempore - керагида, керак пайтида
 Oleum jecoris Aselli, - балиқ ёғи (треска балиғи жигарининг
 Olei jecoris Aselli мойи)

103-машқ

Жағвал ёрдамда қуйдаги отларнинг бош ва қаратқич келишик, бирлик ва кўплек сон шаклларини ҳосил қилинг.

бола, тиш, мой, шира, ачитқи, оғиз, ўсимлик

Намуна:

Nom. Sing.	Турл.	Род	Gen. Sing.	Nom. Plur.	Gen. Plur.
pars- қисм	III	f	partis- қисмнинг	partes- қисмлар	partium- қисмларнинг

104-машқ

Шундай дозадалардан 12 та желатинли
капсулаларда беринг.
Белгиланг: Кунига 2 - 3 марта 1 та капсуладан
қабул қилинсин.
7. Олинг: Таниндан 0,2
Крақмалдан 0,3
Какао мойидан 2,0
Шамча ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Кунига 1 та шамчадан қўйилсин.
8. Олинг: Атропин сульфат суртмасидан 1 % 5,0
Беринг.
Белгиланг: Кўз учун суртма.
9. Олинг: Новокаин эритмасидан 2% 30 мл
Стерилизация қилинг!
Беринг.
Белгиланг: 2 кун 1 маҳал 5 млдан мушаклар
орасига юборилсин.
10. Олинг: Канакунжут мойидан
Шафтоли мойидан тенг миқдорда 25,0 дан
Оқ мумдан 15,0
Ланолиндан 10,0
Суртма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Қуруқ терига суртиш учун.

Уйга вазифа.

I. «Рецептларда сўзларни қисқартириш» мавзусини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Рецептларда қайси сўзлар қисқартирилиши мумкин?
2. Рецептларда сўзлар қандай қисқартирилади?
3. Қайси сўзларни битта ҳарфгача қисқартириш мумкин?

II. 86-§ ни ёғ олинг.

III. Чап устундаги қисқартирилган сўзларнинг ўнг устундаги тўлиқ шаклини топинг.

- | | |
|---------|---------------|
| 1) dec. | a) cortex |
| 2) fl. | b) pulveratus |
| 3) br. | c) sirupus |

- | | |
|------------|--------------|
| 4) hb. | d) decoctum |
| 5) cort. | e) rhizoma |
| 6) pulver. | f) flos |
| 7) rhiz. | g) herba |
| 8) sir. | h) unguentum |
| 9) sp. | i) fructus |
| 10) ung. | j) species |

IV.Қўйидаги рецептларни таржима қилинг ва қисқартириб ёзинг.

- Олинг: Белладонна экстрактидан 0,18
Валериана экстрактидан 0,6
Барбамилдан 2,4
12 (сон) та шамчалар ҳосил қилиш учун керагича
какао мойидан.
Беринг.
Белгиланг: Кечасига 1 та шамчадан қўйилсин.
- Олинг: Глюкоза эритмасидан 40 % 200мл
Аскорбинат кислотадан 2,0
Никотин кислотадан 0,25
Кодеиндан 0,2
Валериана настойкасидан 10 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.
- Олинг: Наркоз учун эфирдан 35,0
Хинин гидрохлориддан 0,5
Этил спиртдан 95 % ли 3 мл
Шафтоли мойидан 60,0 гача
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: 1 марта клизма учун.
- Олинг: Баҳорги агониснинг ер устки қисмидан 2,0
Валериана илдизпояси билан илдизидан 1,5
Йиғма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: 1 стакан қайнаган сувда дамлаб кунига
3 марта 1 қошиқдан ичилсин.
- Олинг: Кунгабоқар мойи эмульсиясидан 180,0
Камфорадан 2,0
Қанд шарбатидан 10 мл
Аралаштиринг. Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.

V.Тўғри ўқишни ўрганинг!

Chromolymphotrastum, Propylidodonum, Propylis, Bari sulfas pro roentgeno, Sulfo-bar, Magnevis, Echovis, Gadoteridol, Levovis, Fluorescein - natrium, Pentagastrinum, tabulettae «Limontar», Rifathyroinum, Thyroliberin, Thyrefact, Achillea asiatica, Betonica officinalis, Bryonia alba, Brassica juncea, Centaurium umbellatum, Chelidonium majus, Cichorium intybus, Cimicifuga dahurica, Cinnamomum camphora, Menyanthes trifoliata, Leonurus quinquelobatus, Juglans regia, Nerium oleander, Orthosiphon stamineus, Oxycoccus quadripetalus, Padus racemosa, Panax schin-seng, Pyrethrum cinerariaefolium, Quercus petraea, Rauwolfia serpentina, Rhaponticum carthamoides, Rhus coriaria, Tussilago farfara, Urtica dioica, Viscum album, Zea mays, Strychnos nux-vomica, Sternocard, Divascol, Dolamin, Chlortetracyclinum, Avermex, Polyvitaplex, Antianaeminum.

30-дарс

87-§. Доривор воситалар номенклатураси

Доривор восита (medicamentum, remedium) бу одам ва ҳайвонларнинг касалликларини даволаш, олдини олиш ёки аниқлаш мақсадида ишлатиш учун рухсат этилган фармакологик воситадир.

Доривор модда (materia medica, substantia pharmaceutica) бу алоҳида химиявий бирикмадан ёки биологик моддадан иборат бўлган доривор воситадир.

Доривор восита ёки доривор ўсимлик маҳсулотига керакли даволаш таъсирига эришиш учун берилган қулай ҳолат **дори шакли** (forma medicamentorum) деб айтилади.

Доривор препарат (praeparatum) бу маълум дори шаклидаги доривор воситадир.

Доривор воситалар номенклатураси (Д.В.С.) - бу ҳозирги вақтда ишлатишга рухсат берилган ҳамма доривор воситалар номининг йиғиндисидир.

88-§. Доривор воситалар номенклатурасининг типик гуруҳлари

Доривор воситаларнинг ҳозирги замон номенклатураси табиий пайдо бўлган ва қатъий тузилиш қондасига эга эмас. Ҳар бир доривор восита маълум бир номланишга эга бўлади. Номлар эса ихтиёрий равишда ўйлаб чиқарилади. Доривор воситалар номенклатурасига ватанимизда ишлаб чиқарилган воситалар номи билан бирга чет элдан келтирилган воситаларнинг номи ҳам киради.

Доривор воситалар номенклатурасини қуйидаги типик гуруҳларга ажратиш мумкин:

I. Ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган доривор маҳсулотлар номлари.

II. Ўсимликлар маҳсулотидан олинган ажратмалардан иборат бўлган доривор препаратлар номлари.

III. Кимёвий органик моддаларнинг шартли номлари.

IV. Маълум дори шаклини билдирадиган доривор препаратларнинг номлари, витаминлар, гормонлар, ферментларнинг номлари.

V. Вакциналар, зардоблар, анатоксинлар номлари.

VI. Фармакопейник кимёвий номенклатура (кислоталар, оксидлар, тузлар номлари).

89-§. I-типик гуруҳ. Ўсимлик ва ҳайвонлардан олинган доривор маҳсулотлар номлари

I -типик гуруҳдаги номлар иккита оддан ташкил топган сўз бирикмаларидир. Биринчи от ўсимлик органи (*herba, folium, flos, radix* ва бошқалар) ёки маҳсулотларнинг номи (*oleum, gummi, resina* ва бошқа)ни кўрсатади ва бош келишиқда туради. Иккинчи от ўсимлик номини кўрсатади ва қаратқич келишигида туради.

Масалан: *herba Leonuri* - арслонқуйруқнинг ер устки қисми
folium Sennae - сано барги
oleum Hyoscyami - мингдевона мойи

90-§. II- типик гуруҳ. Ўсимликлар маҳсулотидан олинган ажратмалардан иборат бўлган доривор препаратлар номлари

II-типик гуруҳга қуйидагилар киради:

1. Заводларда маълум белгиланган стандартлар бўйича тайёрланадиган доривор препаратларнинг номлари. Булар - настойкалар, экстрактлар, шарбатлар. Улар иккита оддан иборат бўлган сўз бирикмаларидир. Биринчи от дори турининг номини кўрсатади ва бош келишиқда туради. Иккинчи от ўсимлик номини кўрсатади ва қаратқич келишигида туради.

Масалан:

tinctura Valerianae - валериана настойкаси
extractum Crataegi - дўлана экстракти
sirupus Glycyrrhizae - ширинмия шарбати

2. Дамлама ва қайнатма номлари. Улар учта оддан иборат бўлган сўз бирикмаларидир. Биринчи от дори турининг номини кўрсатади ва бош келишиқда туради. Иккинчи от ўсимлик органини кўрсатади ва қаратқич келишигида туради. Учинчи от ўсимлик номини кўрсатади ва қаратқич келишигида туради.

Масалан: *infusum foliorum Sennae* - сано барглрининг дамламаси
decoctum herba Hyperici - далачай (сарикчай)
ер устки қисмининг қайнатмаси

91-§. Органик кимёвий моддаларнинг илмий ва тривиал (шартли) номланиши

Доривор воситалар сифатида қўлланиладиган органик кимёвий моддалар иккита номга эга: илмий (систематик) ва тривиал (шартли).

«Тривиал» сўзи латинча «trivialis» одатдаги, оддийдан келиб чиққан.

Одатда илмий номлар узун бўлгани учун уларни тиббиёт амалиётида ишлатиш ноқулай. Шунинг учун доривор воситалар номи сифатида илмий эмас, балки тривиал номлари қўлланилади.

Масалан: Диэтиламид сульфамидобензоат кислота - илмий номланиши, Этамид - тривиал номланиши.

Тривиал номлар доривор воситаларнинг кимёвий таркибини, даволаш таъсирини, фармакологик гуруҳга мансубликни ва бошқа турли белгиларни ифодалайди.

92-§. Доривор воситаларнинг тривиал номларидаги тез-тез такрорланадиган бўлаклар

Тез-тез такрорланадиган бўлаклар - бу доривор препаратлар номида куп қўлланиладиган сўз бўлакларидир.

Ҳар бир тез-тез такрорланадиган бўлак препарат тўғрисида маълум бир ахборотни беради. Тез-тез такрорланадиган бўлакларни ва уларнинг аҳамиятини билиш кўп миқдордаги дори номларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Масалан, таркибида -alг тез-тез такрорланадиган бўлакли препарат оғриқ қолдирувчи эканлигини кўрсатади. Шунингдек қуйидаги препаратларни шу гуруҳга киритиш мумкин:

Analginum

Baralginum

Pentalginum

Тез-тез такрорланадиган бўлакларни билиш доривор препаратларнинг номини тўғри ёзишга ёрдам беради.

93-§. Қуйидаги тез-тез такрорланадиган бўлакларни ёд олинг!

- meth - «метилни», «метиленни» акс эттиради.
- aeth - «этилни», «этиленни» акс эттиради.
- phen - «фенилни», «фениленни» акс эттиради.
- thi (o) - «тиокислоталарни», «тиотузлари» акс эттиради. Бу таркибида олтингугурт атоми кирадиган бирикмалар.
- (a) zol-zin - } «азогуруҳни» акс эттиради.
- (a) zid - } Бу азот сақловчи бирикмалар
- naphth - нафталан кислотанинг ҳосиласи
- phthal - фталиев кислотанинг ҳосиласи.

- ferr - темир препаратлари.
- api - асалари заҳарининг препаратлари.
- vipr - илон заҳарининг препаратлари.

130-машқ

Тез - тез такрорланадиган бўлакларни ажратинг ва уларнинг аҳамиятини (маъносини) кўрсатинг.

Намуна: **Aethazolum** - 1) «этилни» акс эттиради.

2) «азогуруҳни» акс эттиради.

Aprophenum, Aethacridinum, Aminazinum, Metherrazinum, Aethaperazinum, Thiodipinum, Methorinum, Phenibutum, Trimethinum, Naphthyzinum, Phenolphthaleinum, Apiphorum, Vipraxinum, Phytoferrolactolum, Analphenum, Haemofer, Apisarhronum, Phthalazolum, Ferramidum.

94-§. Қуйидаги доривор препаратлар номларини ёд олинг!

Phenacetinum, i, n - фенацетин

Aethazolum, i, n - этазол

Hexamethylentetraminum, i, n - гексаметилентетрамин

Phthalazolum, i, n - фталазол

Naphthyzinum, i, n - нафтизин

Aminazinum, i, n - аминазин

Triftazinum, i, n - трифтазин

Phthivazidum, i, n - фтивазид

Dibazolum, i, n - дибазол

Codeinum, i, n - кодеин

Coffeinum, i, n - кофеин

Chininum, i, n - хинин

Reserpinum, i, n - резерпин

Strophanthinum, i, n - строфантин

Scopolaminum, i, n - скополамин

Morphinum, i, n - морфин

Pilocarpinum, i, n - пилокарпин

Уйга вазифа.

I. «Доривор воситалар номенклатураси; Д.В.Н. сининг типик гуруҳлари; I, II, III - типик гуруҳлар; тез-тез такрорланадиган бўлаклар» мавзуларини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Доривор воситалар номенклатураси деб нимага айтилади?
2. Доривор восита деб нимага айтилади?
3. Доривор модда деганда нимани тушунасиз?
4. Дори шакли, доривор препаратлар деб нимага айтилади?

5. Доривор воситалар номенклатурасини нечта типик гуруҳга ажратиш мумкин?

6. I, II, III, IV, V, VI - типик гуруҳларга нималарнинг номлари киради?

7. I - типик гуруҳ нечта отдан ташкил топади ва улар нималарни номини билдиради? Отларнинг келишигини айтинг.

8. II - типик гуруҳ тўғрисида нималарни биласиз?

9. Органик кимёвий моддаларнинг илмий ва тривиал номлари тўғрисида нималарни биласиз?

10. Тез-тез такрорланадиган бўлаклар тўғрисида айтиб беринг.

II. 93, 94-§ лардаги тез - тез такрорланадиган бўлаклар ва доривор препаратлар номларини ёд олинг.

III. Чап устунда берилган тез - тез такрорланадиган бўлакларнинг унг устундаги маъноларини топинг.

- | | |
|-------------------|--|
| 1) <i>api</i> | a) «этилни», «этилинни» акс эттиради |
| 2) <i>vipr</i> | b) «фенилни», «фениленни» акс эттиради |
| 3) <i>naphth</i> | c) «азогуруҳни» акс эттиради |
| 4) <i>aeth</i> | d) фталиев кислотасининг ҳосиласи |
| 5) <i>phen</i> | e) асалари заҳарининг препаратлари |
| 6) <i>ferr</i> | t) «тиокислоталарни», «тиотузларни» акс эттиради |
| 7) <i>phthal</i> | d) темир препаратлари |
| 8) <i>zin</i> | h) «метилни», «метиленни» акс эттиради |
| 9) <i>thi (o)</i> | i) нафталан кислотанинг ҳосиласи |
| 10) <i>meth</i> | j) илон заҳарининг препаратлари |

IV. Тез - тез такрорланадиган бўлакларни ажратинг ва уларнинг маъносини кўрсатинг.

Diprophenum, Viprotox, Corazolum, Phenacetinum, Phthalazolum, Naphthyzinum, Aethamidum, Tropaphenum, Thiopentalum - natrium.

V. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Magnolia grandiflora, Berberis vulgaris, Stephania glabra, Strychnos nux vomica, Claviceps purpurea, Rauwolfia serpentina, Vinca minor, Vinca erecta, Catharanthus roseus, Passiflora incarnata, Peganum harmala, Sterculia platanifolia, Aconitum soongaricum, Aconitum karakolicum, Delphinium dactyocarpum, Delphinium confusum, Delphinium semibarbatum, Veratrum lobelianum, Solanum laciniatum, Brassica juncea, Brassica nigra, Amygdalus communis, Menyanthes trifoliata, Taraxacum officinale, Centaurium erythraea, Centaurium pulchellum, Digitalis grandiflora, Digitalis ciliata, Digitalis ferruginea, Periploca graeca, Strophanthus kombe, Strophanthus hispidus, Apocynum cannabinum, Adonis vernalis, Corchorus ditorius, Convallaria majalis, Convallaria transcaucasica, Erysimum

diffusum, Erysimum canescens, Erysimum marschallianum, Helleborus caucasicus, Helleborus purpureus, Glycyrrhiza glabra, Polemonium coeruleum, Panax ginseng, Aralia mandshurica, Echinopanax elatum, Orthosiphon stamineus, Astragalus dasyanthus.

31-дарс

95-§. Доривор препаратларга тривиал номларни бериш қоидалари

Доривор препаратларнинг тривиал номларини номенклатура комиссияси беради. Тривиал номлар қисқача, талаффуз осонлиги, берилган номнинг бошқалардан фонетик - график фарқланиши, тез - тез такрорланадиган бўлақлар қўлланишининг аниқлиги каби талабларга мос келиши керак.

I. Қисқалик. Энг қулай ва кўп учрайдиганлари уч, тўрт ва беш бўгинли номлардир.

Масалан: Corazolum, Piperazinum, Tanninum.

Айрим ҳолларда кўп сонли бўгинли номлар ҳам учрайди.

Масалан: Sulfadimezinum, Novocainamidum, Phenoxymethylpenicillinum.

II. Талаффуз осонлиги. Талаффуз учун энг қулай номларда ундош унли билан ёки осон талаффуз қилинадиган иккита ундош алмашилиб келади.

Масалан: Aminazinum, Ditrazinum, Streptocidum, Corvalolum.

III. Берилган номнинг бошқа номлардан фонетик - график фарқланиши. Янги доривор воситага ном беришда номенклатура комиссияси унинг талаффуз қилиниши ва ёзилиши бўйича бошқа номлардан фарқланишини кузатиб боради. Номларда тез - тез такрорланадиган бўлақларни ишлатиш фонетик - график фарқланишни камайтиради.

Масалан: Methaminum, Methacinum, Methazidum, Phenadonum, Phenaminum, Phenatinum.

IV. Тез - тез такрорланадиган бўлақларнинг қўлланиши аниқлиги. Ҳар бир тез - тез такрорланадиган бўлақ ўзининг аниқ аҳамиятига эга экан, янги номлар берилаётганда тез - тез такрорланадиган бўлақларни қўлашда хатога йўл қўймасликни кузатиб бориш зарур, чунки бундай хатолар врач ва фармацевтлардаги нотўғри тасаввурга сабабчи бўлиши мумкин.

96-§. Алкалоидлар ва гликозидлар номланиши

Ҳамма ўсимликлар таркибида ҳар хил биологик актив моддалар сақланади. Уларга алкалоидлар, гликозидлар ва бошқалар киради. Алкалоидлар ва гликозидлар номи одатда ўсимлик номини ифодаловчи отнинг негизига - in (um) суффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади.

Масалан: Ephedrinum - эфедрин. Ephedra - ўсимлигининг номига - inum суффиксини қўшиш йули билан ҳосил қилинди.

97-§. Доривор препаратлар номларининг жаҳон синонимияси

Бугунги кунда турли давлатларда ишлаб чиқарилаётган битта доривор восита савдога ҳар хил ном билан кириб келмоқда. Ҳатто бир давлатдаги турли фирмалар ҳам битта доривор воситани ҳар хил номлар ва маҳсулот белгилари билан ишлаб чиқармоқда. Бу эса доривор воситаларнинг синонимларини кўпайишига олиб келади.

Масалан: «Pyrantel» доривор воситасининг Bifantrel, Cobantril, Combantrin, Helmex, Helmintox, Medintel, Nemocid, Pamex, Pamotrin ва бошқа синонимлари бор.

Маълумки, доривор воситалар номлари II - турланишдаги средний роддаги отларга (Nom.Sing. -um) киради. Лекин айрим доривор воситаларнинг номларида -um қўшимчаси йўқ. Бундай доривор воситаларнинг номларини рецептларга II - турланишдаги отларнинг қойдасига биноан ёзилади, яъни:

Rp: Aguipirani

Rp: Combantrini

Бугунги кунда жаҳонда мавжуд бўлган 6000 га яқин доривор воситаларнинг 60000 га яқин номлари мавжуд. Доривор воситалар номларининг синонимияси салбий томонга эга. Доривор воситаларнинг умумий халқаро номлари синонимияни камайтиришга ёрдам беради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қошида дори моддаларига халқаро ном бериш ишларини бошқарувчи махсус комитет мавжуд. Халқаро номлардан шу доривор моддани ишлаб чиқарувчи давлат ёки фирма фойдаланиши мумкин. Бу номлар патентли эмас. Давлат фармакопеясида патентли бўлмаган халқаро номлар синоним сифатида албатта махсус белги (*) билан кўрсатилади.

Дори моддаларига халқаро ном берувчи махсус комитет томонидан «Доривор моддаларни патентли бўлмаган халқаро номларини тузиш учун қўлланманинг асосий принциплари» ишлаб чиқилди.

Доривор моддалар номларида тез-тез такрорланадиган бўлакларни ишлатиш ёрдамида фармакологик гуруҳни акс эттириш тавсия қилинади.

Ҳозиргача махсус комитет томонидан 30 яқин фармакологик гуруҳга оид ва 3 та кимёвий гуруҳга оид тез - тез такрорланадиган бўлаклар тавсия этилган.

98-§. Қуйидаги тез - тез такрорланадиган бўлақларни

ёд олинг!

-cor-, - card (i)-	-юрак -и, - си
-vas-, - ang (i)-	-томир кенгайтирувчи, қон томирларини кенгайтирувчи
-dol-, - alg-	-оғриқ қолдирувчи
-press-, -ten (s)-	-гипертонияга қарши
-cain-	-махаллий оғриқсизлантирувчи
-sulfa-	-микробларга қарши сульфаниламидлар
-fur (a)-	-микробга қарши, нитрофуран унумлари
-cillin- -cyclin- -mycin- }	-антибиотиклар
-barb-	-бирбитуралар, ухлатадиган, наркотик, барбитурат кислотасининг унумлари, ҳосиласи
-mal-, -al-(сўз охирида) -somm- -hypn- -dorm-	}
	-ухлатадиганлар

131-машқ

Тез - тез такрорланадиган бўлақларни ажратинг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

Depridol, Algolysin, Bicillinum, Lanocordalum, Furacilinum, Ferrocalum, Virapin, Viprosalum, Pyromecainum, Cardigin, Anginal, Capresin, Dibazolium, Phenoxymethylpenicillinum, Sovcainum, Tenormal, Anacardiolum, Hexenalum, Barbamylum, Somnafin, Conferon, Tetracyclinum, Streptomycinum, Carminomycinum, Valocormidum, Phenaminum, Methindionum, Naphthyzinum, Analginum, Novocainum, Norsulfazolum, Furoplast, Dicainum, Cordalen, Presinol, Vasocil, Methicillinum, Valocordin, Diazolinum, Vasculat, Tetracore, Aprestinum, Xycainum, Sulfamonomethoxinum, Dolgit, Barbenyl, Cardiazol, Chendal, Furosemidum, Vasolanum.

99-§. Қуйидаги доривор препаратлар номларини ёд олинг!

Furacilinum, i, n - фурацилин
No - spa, ae, f - но -шпа
Valocordinum, i, n - валокордин
Cordiaminum, i, n - кордиамин
Analginum, i, n - аналгин
Validolum, i, n - валидол
Depressinum, i, n - депрессин
Novocainum, i, n - новокаин

Dicainum, i, n, - дикаин
Synthomycinum, i, n - синтомицин
Tetracyclinum, i, n - тетрациклин
Phexymethylpenicillinum, i, n - феноксиметил - пенициллин
Erythromycinum, i, n - эритромицин
Streptomycinum, i, n - стрептомицин

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Охациллини - натри 0,25
Da numero 40 in capsulis gelatinosis
Signa: Кунига 4 марта 2 та капсуладан қабул қилинсин.
2. Recipe: Новокаини 0,5
Aquae destillatae 200 ml
Misce. Да.
Signa: 1 ош қошиқдан ичилсин.
3. Recipe: Linimenti Synthomycini 1% cum Novocaino 0,5% 25 Да.
Signa: Кунига 1 марта куйган жойга суртилсин.
4. Олинг: Тетрациклин суртмасидан 0,2% 25,0
Беринг.
Белгиланг: Суртма
5. Олинг: Кардиовалендан 15 мл
Беринг.
Белгиланг: Кунига 1-2 марта 15-20 томчидан ичилсин.
6. Олинг: Гексаметилентетраминдан 0,25
Белладонна экстрактидан 0,015
Шундай дозаларда 10 (сон) та таблеткаларда беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.

Уйга вазифа.

1. «Доривор воситаларга тривиал номларни бериш қоидалари ва доривор препаратлар номларининг жаҳон синонимияси» мавзуларини ўзлаштириб олинг. Қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Доривор препаратларнинг тривиал номлари қандай талабларга мос келиши керак?

2. Доривор препаратларнинг тривиал номлари бўйича белгиланган тўртта талабни айтиб беринг.

3. Доривор препаратлар номларининг жаҳон синонимияси геганда нимани тушунаси?

4. Синонимияни камайтириш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

5. Дори моддаларига халқаро ном бериш ишларини қайси ташкилот амалга оширади?

II. 98, 99-§ лардаги тез - тез такрорланадиган бўлаклар ва доривор препаратлар номларини ёд олинг.

III. Тез - тез такрорланадиган бўлакларни ажратинг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

Methylmelubrinum, Aethacizinum, Algofenum, Dolicainum, Dormicum, Prestarium, Vasaginum, Tensicor, Hexamethonium, Laevomycetinum, Erythromycinum, Cordiaminum, Cyclamycinum.

IV. Рецептларни таржима қилинг.

1. Recipe: *Unguenti Furacilini 0,2 % 25,0*

Да.

Signa: Суртма

2. Recipe: *Sulfocamphocaini 10 % 2 ml*

Да tales doses numero 6 in ampullis

Signa: Мушаклар орасига 2 мл дан юборилсин.

3. Recipe: *Validoli 0,05 in capsulis numero 20*

Да.

Signa: Кунига 2-4 марта 1 та капсуладан қабул қилинсин.

4. Олинг: *Винилинган 20,0*

Кунгабоқар мойидан 80,0

Аралаштиринг.

Беринг.

Белгиланг: Суртдан ишлатиш учун.

5. Олинг: *Пантокриндан 1 мл*

Шундай дозалардан 6 (сон) та ампулалардан беринг.

Белгиланг: Кунига 1 марта 1 мл дан тери остига юборилсин.

6. Олинг: *Ксероформ суртмасидан 10 % 50,0*

Беринг.

Белгиланг: Суртма

V. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Amylum Solani, Amylum Triticum, Amylum Maydis, Amylum Oryzae, Althaea officinalis, folia Plantaginis majoris, herba Plantaginis psyllii recens, Thalli Laminariae, Laminariae saccharina, Laminaria digitata, Linum usitatissimum, Tussilago farfara, gummi Tragacanthae, Astragalus pileocladus, Astragalus microcephalus, gummi Armeniacae, Armeniaca vulgaris, fructus Ribis nigri, Fragaria vesca, Sorbus aucuparia, Hippophaë rhamnoides, Calendula officinalis,

Urtica dioica, styli cum stigmati Zeae maydis, cortex Viburni, Lagochilus inebrians, Capsella bursa pastoris, Theobroma cacao, Ricinus communis, Amygdalus communis, Persica vulgaris, Armeniaca vulgaris, Prunus domestica, Prunus divaricata, Olea europaea, Zea mays, Helianthus annuus, Linum usitatissimum, Gossypium, oleum jecoris Aselli, Cera flava, Cetaceum, adeps Lanae, Mentha piperita, Salvia officinalis, Eucalyptus viminalis, Eucalyptus cinerea, Carum carvi, Pyrethrum carneum, Pyrethrum cinerariaefolium.

32-дарс

100-§. Комбинациялаштирилган доривор препаратларнинг номланиши

Комбинациялаштирилган доривор препаратлар икки ёки ундан ортиқ доривор моддалардан иборат бўлади ва маълум дори шаклида (таблеткалар, шамча, суртма) чиқарилади.

Комбинациялаштирилган препаратларнинг номи аббревиатурадан иборат бўлиб, ҳамма ёки баъзи ингредиентларнинг номидан ихтиёрий ажратиб олинган бўлаклардан ташкил топади.

Масалан:

«Purgophenum» аббревиатураси pur + co + phen (um) бўлаклардан ташкил топган. Бу бўлаklar Amidopyrinum, Coffeinum, Phenacetinum каби препаратлар номидан ажратиб олинган.

Одатда бундай шартли ном дори шаклининг маълум кўринишга бириктириб қўйилади ва қўштирноқ ичига Nominativus Singularis да ёзилади: tabulettae «Purgophenum», suppositoria «Bethiolum», dragees «Undevitum».

Комбинациялаштирилган таркибли таблеткалар ва шамчалардаги «таблеткалар» ва «шамчалар» сўзлари рецептда Accusativus Pluralis да ёзилади:

Масалан:

Recipe: Tabulettas «Purgophenum» numero 10

Recipe: Suppositoria «Anusolum» numero 20

132-машқ

Лотин тилига таржима қилинг.

- | | |
|-----------------------------|---------------------------|
| 1. «Декамеvit» таблеткалари | 6. «Апилак» шамчалари |
| 2. «Анкофен» таблеткалари | 7. «Анузол» шамчалари |
| 3. «Цефекон» шамчалари | 8. «Бетиол» шамчалари |
| 4. «Псориазин» суртмаси | 9. «Аскофен» таблеткалари |
| 5. «Цитрамон» таблеткалари | 10. «Дента» томчилари |

101-§. Қуйидаги тез - тез такрорланадиган булақларни ёд олинг!

-sed	-седатив, тинчлантирувчи
-stress-	} -психоседатив транквилизаторлар, антидепрессантлар
-tranqu	
-atrax-	
-ze (a,i) pam-	
-trast-	} -диагностик, рентгеноконтраст
-gnos	
-graf-	
-chol	} - 1) ўт ҳайдовчи
-bil	
	- 2) «диагностик» тез-тез такрорланадиган булақлар билан биргаликда -ўт йўллари текшириш учун
-ur	-1) сийдик ҳайдовчи
	2) «диагностик» тез-тез такрорланадиган булақлар билан биргаликда -таносил аъзоларини текшириш учун
-lax	- сурги
-verm	} - гижжага қарши
-helm-	
-allerg	- аллергияга қарши
-flog, -pholog	- яллиғланишга қарши
-vom	} - қусишга қарши
-emet-	

133-машқ

Тез - тез такрорланадиган булақларни ажратинг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

Pentalgin, Algopyrin, Betoxicainum, Quinalgen, Allergan, Bilignostum, Aethyotrastum, Bicolax, Cardiotoxin, Aprestinum, Cardiovalenum, Diuretinum, Urofinil, Urolesan, Allocholum, Methioninum, Carbenicillinum, Corvalolum, Azaphenum, Aprophenum, Trimecainum, Erythromycinum, Sulfacylum - natrium, Vipraxinum, Furadoninum, Ferroceronum, Fercovenum, Nozepamum, Vomidrine, Flogistin, Tranquipanum, Dormital, Sedamyl, Anastress, Allergol, Vermox, Verophen, Laxin, Tetracor, Cholevid, Sedalginum, Cholan, Diabil, Bisalax, Bilignostum.

102-§. Қуйидаги доривор препаратлар номларини ёд олинг!

Phenobarbitalum, i, n - фенобарбитал

Bromisovalum, i, n - бромизовал

Noxyron, i, n - ноксирон

Protargolum, i, n - проталгол

Collargolum, i, n - колларгол

Ichthyolum, i, n - ихтиол

Hexamidineum, i, n - гексамидин

Resorcinum, i, n - резорцин

Pepsinum, i, n - пепсин

Amidopyrinum, i, n - амидопирин

Antipyrinum, i, n - антипирин

Thecodinum, i, n - текодин

Themisalum, i, n - темизал

Anaesthesinum, i, n - анестезин

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Suppositoria «Anaesthesolum» numero 20
Да.
Signa: Кечасига 1 та шамчадан қўйилсин.
2. Recipe: Tabulettas «Citramonum» numero 6
Да.
Signa: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
3. Recipe: Tabulettas «Haemostimulinum» numero 50
Да.
Signa: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.
4. Recipe: Tabulettas Antipyrini 0,25 numero 10
Да.
Signa: Кунига 2-3 марта 1та таблеткадан қабул қилинсин.
5. Recipe: Tabulettas Laevomycetini 0,25 numero 10
Да.
Signa: Кунига 4 марта 2 та таблеткадан қабул қилинсин.
6. Recipe: Cyclobarbitali 0,2
Да in tabulettis numero 10
Signa: Кечасига ярим таблеткадан қабул қилинсин.
7. Recipe: Tabulettas Analgini 0,5 numero 10
Да.
Signa: Кунига 2-3 марта 1та таблеткадан қабул қилинсин.

8. Олинг: Анестезин суртмасидан 5% ли 10,0
Беринг.
Белгиланг: Сиртдан ишлатиш учун
9. Олинг: «Пентальгин» таблеткаларидан 10 (сон)та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2-3 марта 1та таблеткадан
қабул қилинсин.
10. Олинг: Фурацилиндан 0,1
20 (сон) та таблеткаларда беринг.
Белгиланг: Кунига 4 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
11. Олинг: Дибазол таблеткаларидан 0,02 12 (сон)та
Беринг.
Белгиланг: 1 кунда 3 марта 1 таблеткадан
қабул қилинсин.
12. Олинг: Апрессин таблеткаларидан 0,01 20 (сон)та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
13. Олинг: Сульфадимезин таблеткаларидан 0,5 20 (сон)та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 4 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
14. Олинг: Раунатин таблеткаларидан 0,002 50 (сон)та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 1-2 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.

Уйга вазифа.

І. «Комбинациялаштирилган доривор препаратларнинг номланиши» мавзусини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамда билимларингизни текшириб кўринг.

1. Комбинациялаштирилган доривор препаратлар деганда нимани тушунаси?

2. Комбинациялаштирилган доривор препаратлар номи қандай ҳосил қилинади?

3. Рецептларда таблеткалар ва шамчалар номи қандай ёзилади?

ІІ. 101,102-§ лардаги тез - тез такрорланадиган бўлаклар ва доривор препаратлар номларини ёд олинг.

ІІІ. Тез - тез такрорланадиган бўлакларни ажратинг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

Regutensin, Exalgin, Stenicardol, Prodorm, Triacillin, Butaflogin, Thiobutalum, Allercur, Dipidolor, Panangin, Chologonum, Dibazolum, Gentamycinum, Norsulfazolum, Furazolidonum, Ferroplex, Olivomycinum, Viperalgin, Phenazepamum, Benzylpenicillinum - kalium, Uregit, Cordiaminum, Neozepam.

IV. Рецетларни таржима қилинг.

1. Олинг: *Коразол таблеткалардан 0,1 10 (сон)та*
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
2. Олинг: *Диазолин гражесидан 0,05*
Шундай дозаларда 20 (сон) та беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта овқатдан кейин 1 та
гражедан қабул қилинсин.
3. Олинг: *Нафталан суртмасидан 50,0*
Беринг.
Белгиланг: Компрессни намлаш учун
4. Олинг: *Фенолдан 0,5*
Глицериндан 10,0
Аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Қулоқ учун томчи

V. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Aesculus hippocastanum, Dioscorea nipponica, Tribulus terrestris, Dryopteris filix mas, Arctostaphylos uva ursi, Vaccinum vitis idaea, Rhodiola rosea, Schizandra chinensis, Eleutherococcus senticosus, Podophyllum peltatum, Aloë ferox, Aloë succotrina, Aloë arborescens, Rhamnus frangula, Rhamnus cathartica, Rheum palmatum, Rumex confertus, Ribia tinctorum, Centaurea cyanus, Crataegus sanguinea, Crataegus laevigata, Leonurus quinquelobatus, Sophora japonica, Aronia melanocarpa, Helichrysum arenarium, Tanacetum vulgare, Polygonum aviculare, Polygonum hydropiper, Ononis arvensis, Scytellaria baicalensis, Equisetum arvense, Gnaphalium uliginosum, Bidens tripartita, Hypericum perforatum, Hypericum maculatum, Viola tricolor, Tilia platyphyllos, Ammi majus, Pastinaca sativa, Phlojodicarpus sibiricus, Anethum graveolens, Psoralea drupacea, Melilotus officinalis, Ruta graveolens, Visnaga daucoides, Quercus busitanica, Rus semialata, Cotinus coggygria, Bergenia crassifolia, Sanguisorba officinalis.

33 - дарс

103-§. Витаминлар ва ферментларнинг номланиши

Витаминлар тривиал номлар (Retinolum, Thiaminum) билан бир қаторда ҳарфли белгиларга эга:

A, B, D, E, K, H, P.

Битта ҳарф билан белгиланган айрим витаминлар бир-бирига яқин, лекин ҳар хил бирикмалар бўлса, уларнинг ҳарфли белгисига тартиб сони қўшилади.

Масалан: vitaminum B₁
vitaminum B₂
vitaminum B₆
vitaminum B₁₂

Комбинациялаштирилган витамин препаратлари кўпинча -vit - тез-тез такрорланадиган бўлак билан учрайди.

Масалан: Dragees «Undevitum»

Ферментлар номи биокимёвий номенклатурага биноан -as - суффикси ёрдамида ҳосил бўлади.

Масалан: Lydasum, Ronidasum.

104-§. Қуйидаги тез-тез такрорланадиган бўлакларни ёд олинг!

- | | |
|--|---|
| -vit - | витамин сақлайдиганлар, витамин сақловчилар |
| -as - | ферментларга тегишли |
| -abol - | анаболик стероидлар (организмда оқсил синтезини стимуллаштиради) |
| -oestr - | эстроген препаратлар (аёллар жинсий гормонларининг препаратлари) |
| -test-
-andr-
-vir-
-stan-
-ster-
-thyr-
-cort-
-cortic-
-t(h) romb- | <div style="display: inline-block; vertical-align: middle; font-size: 3em; line-height: 1;">}</div> <div style="display: inline-block; vertical-align: middle;"><p>андроген стероидлар (эркаклар жинсий гормонларининг препаратлари)</p><p>қалқонсимон безни ва қалқонсимон без ёнидаги безларни даволаш ёки текшириш учун препаратлар</p><p>кортикостероидлар (буйрак усти беzi пўстлоғи ишлаб чиқарадиган гормонларнинг препаратлари)</p><p>1. антитромботиклар (тромбга қарши)
2. антикоагулянтлар (қон ивишига қарши)</p></div> |

-coum- }
 -cum- } - антикоагулянтлар
 -arolum- }

134-машқ

Тез-тез такрорланадиган бўлакларни ажратинг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

Neodicumarinum, Trombolysan, Syncumar, Cholan, Cardiovalenum, Catapresan, Trombophen, Cardiotoxin, Hexavitum, Ribonucleasum, Anabolin, Locacorten, Oestronum, Testosteronum, Agovirin, Corticotropinum, Thyrotropinum, Flucort, Diiodthyrosinum, Sterandryl, Octoestrolum, Primotest, Methyltestosteronum, Androral, Ronidasum, Bionabol, Oestradiolum, Testoral, Methylandrostendiolum, Decorton, Thyranon, Cortisonum, Desoxyribonucleasum, Danabol, Tetravitum, Thyrotan, Phthorocort, dragees «Decamevitum», Trombostop, Normopressan, Intencordin.

105-§. Қуйидаги доривор препаратлар номларини ёд олинг!

Nitroglycerinum, i, n - нитроглицерин
 Chloraminum, i, n - хлорамин
 Prednisolonum, i, n - преднизолон
 Dermatolum, i, n - дерматол
 Streptocidum, i, n - стрептоцид
 Urodanum, i, n - уродан
 Riboflavinum, i, n - рибофлавин
 Tannalbinum, i, n - таналбин
 Platyphyllinum, i, n - платифиллин
 Euphyllinum, i, n - эуфиллин
 Plantaglucidum, i, n - плантаглюцид
 Vicasolum, i, n - викасол
 Allocholum, i, n - аллохол

135-машқ

Ўзбек тилига таржима қилинг.

- 1) Tabulettae Bromcamphorae
- 2) Tabulettae «Camphotalum»
- 3) Suppositoria «Cefeconum»
- 4) Unguentum Heliomycini
- 5) Suppositoria «Anusolum»
- 6) Tabulettae «Pyraphenum»
- 7) Guttae «Denta»
- 8) Unguentum «Antipsoriaticum»

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Ronidasi 5,0
Da.
Signa: Яра учун сепки
2. Recipe: Tabulettas «Decamevitum» 1 numero 40
Da.
Signa: Кунига 2 марта овқатдан кейин 1 та
таблеткадан қабул қилинсин.
3. Recipe: Aristocorti 0,002
Da numero 20 in tabulettis.
Signa: Кунига 3-4 марта 1-2 та таблеткадан қабул
қилинсин.
4. Recipe: Tabulettas Охарphenamidi 0,25 numero 50
Da.
Signa: Кунига 3 марта овқатдан олдин 1 та
таблеткадан қабул қилинсин.
5. Recipe: Tabulettas Methylandrostendioli 0,025 numero 30
Da.
Signa: Кунига 2 марта тил остига 1 та таблетка
қўйилсин.
6. Олинг: Тифен дражесидан 0,03 25 (сон) та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 3 марта 1 та дражедан қабул
қилинсин.
7. Олинг: Фенолфталеин таблеткаларидан 0,1 24 (сон) та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
8. Олинг: Этинилэстрадиол таблеткаларидан 0,0001 10 (сон) та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 1-2 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
9. Олинг: Тиреоидин таблеткаларидан 0,1 50 (сон) та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2-3 марта 1 та таблеткадан
қабул қилинсин.
10. Олинг: Диазолин дражесидан 0,05 20 (сон) та
Беринг.
Белгиланг: Кунига 2 марта овқатдан кейин 1 та
дражедан қабул қилинсин.

Уйга вазифа.

I. «Витаминлар ва ферментлар номланиши» мавзусини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Витаминлар қандай номланади?

2. Витаминлар номи билан қайси тез-тез такрорланадиган бўлак ишлатилади?

3. Ферментлар номи қандай ҳосил қилинади?

II. 104, 105-§ лардаги тез-тез такрорланадиган бўлаklar ва доривор препаратлар номларини ёд олинг.

III. Чап устундаги тез-тез такрорланадиган бўлаklarнинг ўнг устундаги аҳамиятини топинг.

- | | |
|--------------|--|
| 1) - vit - | a) қалқонсимон безни ва қалқонсимон без ёнидаги безларни даволаш ёки текшириш учун препаратлар |
| 2) - test - | b) кортикостероидлар |
| 3) - thyr - | c) ферментларга тегишли |
| 4) - cort - | d) витамин сақлайдиганлар |
| 5) - thromb- | e) андроген стероидлар |
| 6) - as - | f) антитромботиклар |
| 7) - oestr - | g) анаболик стероидлар |
| 8) - abol - | h) эстроген препаратлар |

IV. Тез-тез такрорланадиган бўлаklarни ажратинг ва уларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

Cordigen, Testoenatum, Polyvitaplex, Butaflogin, Penicillinatum, Allercur, Decavit, Asvitolum, Perandren, Nicotensyl, Sulfacetamidum, Uritol, Contalax, Dipidolar, Cholevid, Androlin, Pabestrol, Angiotrophinum, Tensonal, Stanolon, Laboestrin, Agovirin, Sulfadimezinum.

V. Рецетларни таржима қилинг.

1. Recipe: *Tablettas Menthandrastenolini 0,005 numero 100*
Da.

Signa: Кунига 2 марта 1 та таблеткадан қабул қилинсин.

2. Recipe: *Unguenti Furacilini 0,2 % 25,0*
Da.

Signa: Суртма.

3. Recipe: *Suppositoria cum Cordigito 0,001 numero 10*
Da.

Signa: Кунига 1-2 марта 1 шамчадан қўйилсин.

VI. Тўғри ўқишни ўрганинг!

Pinus silvestris, Terebinthina communis, Oleum Terebinthinae rectificatum, Pinus pallasiana, Cinnamomum camphora, Ocimum menthaefolium, Abies sibirica, Pimpinella anisum, Foeniculum vulgare, Trachyspermum ammi, Thymus vulgaris, Thymus serpyllum, Origanum vulgare, Ocimum gratissimum, Camelia sasanqua, Ledum palustre, Chamomilla recutita, Matricaria suaveolens, Arnica chamissonis, Inula helenium, Artemisia cina, Betula verrucosa, Artemisia absinthium, Achillea millefolium, Acorus calamus, Humulus lupulus, Capsicum annuum, Sphaerophysa salsula, Ephedra equisetina, Ephedra intermedia, Colchicum speciosum, Senecio platyphylloides, Senecio rhombilolius, Anabasis aphylla, Mimosa pudica, Thermopsis lanceolata, Thermopsis alterniflora, Thermopsis turkestanica, Vexibia pachycarpa, Securinega suffruticosa, Nuphar luteum, Hupersia selago, Atropa caucasica, Hyoscyamus niger, Datura stramonium, Datura innoxia, Scopolia carniolica, Cinchona succirubra, Salsola richteri, Chelidonium majus, Glaucium flavum.

34-дарс

106-§. Ортгирма даражадаги сифатлар

Фармацевтика атамашунослигида ортгирма даражадаги сифатлар учрайди. Улар I-II - турланишдаги сифатлар каби турланади ва отларга родда, сонда ва келишиқда мослашади.

Масалан: *oleum purissimum* - жуда тоза мой.

107-§. Қуйидаги ортгирма даражадаги сифатларни ёд олинг!

subtilissimus, a, um - жуда майда

purissimus, a, um - жуда тоза

optimus, a, um - энг яхши

grossissimus, a, um - жуда йирик, энг йирик.

136-машқ

Қавс ичигаги сифатларни отларга мослаштиринг ва ўзбек тилига таржима қилинг.

1) *oxydum (subtilissimus, a, um)*

2) *acidum (subtilissimus, a, um)*

3) *pulvis (subtilissimus, a, um)*

4) *solutio (purissimus, a, um)*

5) *Natrii carbonas (purissimus, a, um)*

6) *Vaselinum (optimus, a, um)*

136-машқ

Қуйыдағы атамаларни Нот. ва Ген. га латин тилига таржима қилинг.

- | | |
|--------------------------|-----------------------------|
| 1. жуда майда рух оксиди | 5. йирик кукун |
| 2. жуда тоза вазелин | 6. жуда майда оқ стрептоцид |
| 3. жуда майда кукун | 7. жуда тоза эфир |
| 4. жуда йирик кукун | 8. жуда яхши оқ вазелин. |

Рецептларни таржима қилинг!

1. Recipe: Aetheris purissimi pro narcosi 100,0
Da tales doses numero 5
Signa: Наркоз учун.
2. Олинг: Ксероформдан 0,3
Вазелин мойидан 2,0
Энг яхши оқ вазелиндан 8,0
Суртма ҳосил бўлгунча аралаштиринг.
Беринг.
Белгиланг: Қовоққа суртиш учун.
3. Олинг: Жуда майда оқ стрептоциддан 5,0
Шундай дозалардан 6 (сон) та берилсин.
Белгилансин: Сепма дори

Рецептларнинг тўлиқ шаклини ёзинг ва таржима қилинг!

1. Rp.: Pulv. Ac. Borici subtilissimi 10,0
D.S.: Қулоққа пуркаш учун.
2. Rp.: Dermatoli 10,0
Zinci oxydi 20,0
Talci 30,0
M.f. pluv. subt.
D.S.: Сепма дори
3. Rp.: Sol. Synoestrol 2 % 1 ml
D.t.d. № 30 in amp.
S.: Кунига 2 мл дан мушакка юборилсин.
4. Rp.: Kalii acetatis 3,0
Aq. dest. 200 ml
D.S.: Кунига 4 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.

108-§. Фармацевтика атамашунослигида қўлланиладиган равишларни ёд олинг!

ana - тенг, тенг миқдорда
cito - дарров, тез, тезда, тезлик билан
citissime - жуда тез
quantum satis - керагича

minutum - майда
optime - энг яхшиси
caute - авайлаб, эҳтиётлик билан
lente - секин (таъсири бўйича)
ultralente - жуда секин (таъсири бўйича).

Уйга вазифа.

I. «Орттирма даражадаги сифатлар» мавзусини ўзлаштириб олинг ва қуйидаги саволлар ёрдамида билимларингизни текшириб кўринг.

1. Орттирма даражадаги сифатлар қандай турланади?

2. Орттирма даражадаги сифатлар отларга қандай мослашади?

II. 107, 108-§ лардаги ортторма даражадаги сифатларни ва равишларни ёғ олинг.

III. Атамаларни *Not.* ва *Gep.* да латин тилига таржима қилинг.

1. энг яхши восита

3. энг тоза восита

2. энг йирик қисм

4. жуда майда барг

IV. Рецензларнинг тўлиқ шаклини ёзинг ва таржима қилинг.

1. Rp.: *Streptocidi albi subtilissimi* 2,0

Vasellini flavi 10,0

M.f. ung.

D.S.: Кўз учун суртма.

2. Rp.: *Sol. Antipyrini* 10 % 30 ml

D.S.: Бурундан қон оққанда қўйиладиган тампонларни намлаш учун.

3. Rp.: *Aethylmorphini hydrochloridi* 0,03

Sir. Althaeae

Aq. dest. aa 50 ml

M.D.S.: 3 ёшли болага кунига 2-3 марта 1 чой қошиқдан берилсин.

4. Rp.: *Calcii lactatis*

Calcii glycerophosphatis aa 0,25

D.t.d. № 20 in tab.

S.: Кунига 2-3 марта 1та таблеткадан қабул қилинсин.

5. Rp.: *Zinci sulfatis* 0,25 %

Plumbi acetatis aa 0,3

Aq. dest. 200 ml.

M.D.S.: Пуркаб ювиш учун

6. Rp.: *Tab. Neomycini sulfatis* 0,1 № 10

D.S.: Кунига 2 марта 1 тадан таблетка қабул қилинсин.

7. Rp.: *Ol. Vasellini purissimi pro us. int.* 200,0

Ol. Menthae gtt. II.

M.D.S.: Кунига 2 марта 1 ош қошиқдан ичилсин.

35 - дарс

109-§. Сон. Саноқ ва тартиб сонлар

Лотин тилида сонлар ўзбек тилидагидек саноқ ва тартиб сонларга бўлинади.

Қуйидаги саноқ ва тартиб сонларни ёд олинг!

Римча рақам	Арабча рақами	Саноқ сон	Тартиб сон
I	1	unus, a, um - бир	primus, a, um - биринчи
II	2	duo, duae - икки	secundus, a, um - иккинчи
III	3	tres, tria - уч	tertius, a, um - учинчи
IV	4	quattuor - тўрт	quartus, a, um - тўртинчи
V	5	quinque - беш	quintus, a, um - бешинчи
VI	6	sex - олти	sextus, a, um - олтинчи
VII	7	septum - етти	septimus, a, um - еттинчи
VIII	8	octo - саккиз	octavus, a, um - саккизинчи
IX	9	novem - тўққиз	nonus, a, um - тўққизинчи
X	10	decem - ўн	decimus, a, um - ўнинчи

110-§. Сонлар ёрдамида сўзларнинг ясалиши

Айрим тиббий, фармацевтика ва ботаника атамалари лотин тилида сонлар ёрдамида ясалади:

duo-, bi-, bin- икки - bifolia - икки баргли

ter-, tri- уч - tricolor - уч рангли

quadr-, quadri- тўрт - quadrangulum - тўрт қиррали

quinque-, quinqu- беш - quinquefolia - беш баргли

sex-, sexi-, - олти - sexdentatus, a, um - олти тишли

septem-, septi- - етти

octo- - саккиз

Масалан: *Platanthera bifolia* - икки баргли платантера

Bidens tripartita - уч бўлакли қорақиз (иттиканак)

Hypericum quadrangulum - тўрт қиррали далачай

Leonurus quinquelobatus - беш бўлакли арслонқуйруқ

Panax quinquefolia - беш баргли женьшень

138-машқ

Қуйидаги атамаларни *Not.* ва *Gen.* да таржима қилинг.

1. учбаргли мениантес барги

2. мениантеснинг қуюқ экстракти

3. беш бўлакли арслонқуйруқ

4. арслонқуйруқнинг суюқ экстракти

5. уч рангли гунафша

6. уч рангли гунафшанинг ер устки қисми
7. уч бўлакли қорақиз
8. қорақиз ер устки қисми дамламаси
9. дала қирқбўғимининг ер устки қисми
10. эман пўстлогининг қайнатмаси

Рецептларнинг тўлиқ шаклини ёзинг ва таржима қилинг!

1. Rp.: Natrii thiosulfatis 10,0
Ag. dest. 100 ml
M.D.S.: Ҳар 5-10 минутда 1-2 ош қошиқдан ичилсин.
2. Rp.: Tab. Furacilini 0,02
ad.us. ext № 10
D.S.: Чайқаш учун 100 мл сувда 1 та таблетка эритилсин.
3. Rp.: Sol. Furacilini 0,02 % 10 ml
Sterilisetur!
D.S.: Кўз учун томчи
4. Rp.: Perhydrol 5,0
Ag. dest. 15 ml
M.D.S.: Милка суртиш учун.
5. Rp.: Sol.Ac. salicylici spirituosae 1 % 40 ml
D.S.: Сиртдан қўллаш учун.
6. Rp.: Methyleni coerulei 0,5
Spir. aethylici 70 % 50 ml
M.D.S.: Терининг зарарланган жойига суртиш учун.
7. Rp.: Picis iiquidae
Saponis viridis aa 15,0
Spir. aethylici 35% 15 ml
M.f. lin.
D.S.: Сиртдан қўллаш учун.
8. Rp.: Euphyllini 0,1
Ephedrine hydrochloridi 0,025
Sacchari 0,2
M.f. pulv.
D.t.d. № 12 in caps. gel.
S.: Кунига 2-3 марта 1 та капсуладан қабул қилинсин.
9. Rp.: Sol. Ammonii chloridi 2,5 % 200 ml.
D.S.: Кунига 5 марта 4 ош қошиқдан ичилсин.
10. Rp.: Decocti fol. Uvae ursi 3,0:100 ml
D.S.: 5 ёшли болага кунига 4 марта 1 десерт қошиқдан ичирилсин.

Илова

Дори шакллари тўғрисида маълумот

Tabuletta, ae, f - таблетка

Ичиш, сиртдан ишлатиш ёки инъекция қилиш (тегишли эритувчида эритилгандан сўнг) учун мўлжалланган, доривор моддаларни пресслаб олинган, дозаланган қаттиқ дори тури.

Tinctura, ae, f - настойка

Ичишга ёки сиртдан ишлатишга мўлжалланган, доривор ўсимлик маҳсулотининг қиздирилмаган ва спиртли, спирт-сувли, спирт-эфирли тиниқ ажратмасидан иборат бўлган суюқ дори тури.

Gutta, ae, f - томчи (guttae - томчилар)

Томчи ҳолида ичишга ёки сиртдан ишлатишга мўлжалланган суюқ дори тури.

Capsula, ae, f - капсула

Ичиш учун мўлжалланган ичига доривор восита солинган гилофча (желатин, крахмал ёки бошқа полимерлардан тайёрланган) дан иборат бўлган дозаланган дори тури.

Pilula, ae, f - ҳабдори

Ичишга мўлжалланган, таркибида доривор восита ва ёрдамчи моддалар бўлган бир хил пластик массадан тайёрланган шарча ҳолидаги дозаланган қаттиқ дори тури.

Pasta, ae, f - паста

Таркибида 20-25 % дан ортиқ кукун ҳолидаги моддалар бўлган суртма.

Sirupus, i, m - шарбат

Ичиш учун мўлжалланган, қанднинг сувдаги концентрланган эритмасидаги доривор моддаларнинг эритмасидан иборат суюқ дори тури.

Infusum, i, n - дамлама ва **decoctum, i, n** - қайнатма

Ичиш ёки сиртдан ишлатишга мўлжалланган доривор ўсимлик маҳсулотининг сувли ажратмаси ёки шу мақсад учун махсус тайёрланган концентрант эритмасидан иборат бўлган суюқ дори турлари.

Дамлама ва қайнатма бир-биридан тайёрлаш усули (олов устида ёки сув ҳаммомида қиздириш ва кейинчалик дамлаш вақти) бўйича фарқ қилади.

Extractum, i,n - экстракт

Ичишга ёки сиртдан ишлатишга мўлжалланган , доривор ўсимлик маҳсулотининг концентрланган ажратмасидан иборат бўлган дори тури.

Emulsum, i,n - эмульсия

Ичиш, сиртдан ишлатиш ёки инъекция қилиш учун мўлжалланган, ўзаро аралашмайдиган суюқликлардан иборат дисперс системадан ташкил топган суюқ дори тури.

Unguentum, i,n - суртма

Сиртдан ишлатишга мўлжалланган ёпишқоқ консистенцияли юмшоқ дори тури.

Linimentum, i,n - линимент

Суюқ суртма.

Suppositorium, i,n - шамча

Тана бўшлиғига юбориш учун мўлжалланган, уй ҳароратида қаттиқ ва тана ҳароратида эрийдиган дори тури.

Emplastrum, i,n - малҳам

Сиртдан ишлатишга мўлжалланган, тана ҳароратида юмшаш ва терига ёпишиш қобилиятига эга бўлган пластик масса ҳолидаги ёки ясси нарса устига суртилган ўша пластик масса ҳолидаги дори тури.

Granulum, i,n - гранула

Ичиш учун мўлжалланган, юмшоқ, цилиндрсимон ёки бошқача шаклли бир хил бўлакчалар (заррачалар, доначалар) дан ташкил топган қаттиқ дори тури.

Aërosolum, i,n - аэрозоль

Газ ёки газлар аралашмасидан иборат дисперс муҳитдан, қаттиқ модда заррачаси ёки суюқликдан иборат дисперс фазадан ташкил топган, махсус қолип ёрдамида олинадиган дисперс системали дори тури.

Briketum, i,n - брикет

Пресслаш йули билан йирик майдаланган маълум миқдордаги доривор ўсимлик маҳсулотидан тайёрланган дозаланган дори тури.

Pulvis, eris, m - кукун, порошок

Ичиш, сиртдан ишлатиш ёки инъекция қилиш (тегишли эритувчида эритилгандан сўнг) учун мўлжалланган кукун ҳолидаги қаттиқ дори тури

Solutio, onis, f - эритма

Инъекция қилиш, ичиш ёки сиртдан ишлатиш учун мўлжалланган битта ёки бир нечта доривор моддаларни эритиш йўли билан олинган суюқ дори тури.

Charta (ae) sinapina (ae) - горчичник

Ёғсизлантирилган хантал уруғининг кукуни билан юпқа қилиб қопланган қоғоз варағи.

Dragee - драже

Ичиш учун ишлатиладиган, гранула устига доривор восита ва қўшимча моддаларни қават-қават қилиб суртиш йули билан олинадиган дозаланган қаттиқ дори тури.

Species, ei - йиғма

Ичиш ёки сиртдан ишлатишга мўлжалланган дамламалар ва қайнатмалар тайёрлаш учун қўлланиладиган майдаланган ёки бутун бир неча тур доривор ўсимлик маҳсулотининг ва баъзан доривор воситалар қўшилган аралашмаси.

Латинча - ўзбекча лугат

А

acidum, i, n - кислота
Acorus (i) calamus (i), m - оддий игир
activatus, a, um - фаоллаштирилган
addo, ere, 3 - қўшмоқ
adeps, ipis, m - ёғ
adeps (ipis) suillus (i) - чўчка ёғи
adhaesivus, a, um - ёпишқоқ
adjuvo, are, 1 - ёрдам бермоқ
Adonis, idis, m - адонис
Adonis (idis) vernalis (is) - баҳорги адонис
Adonis (idis) turkestanicus (i) - туркистон адониси
adsorbens, ntis - шимадиган
adstringens, ntis - буруштирувчи
adulti, orum - катталар
aeger, aegri, m - бемор, касал
aegrota, ae, f - касал аёл, бемор аёл
aegrotus, i, m - бемор, касал
aër, is, m - ҳаво
aërosolum, i, n - аэрозоль
aequalis, e - бир хил, баб-баробар
Aethamidum, i, n - этамид
Aethazolum, i, n - этазол
aether, eris, m - эфир
aethereus, a, um - эфирли
Aethimizolum, i, n - этимизол
Aethinyloestradiolum, i, n - этинилэстрадиол
aethylicus, a, um - этил -и (-си)
agito, are, 1 - чайқатмоқ
albus, a, um - оқ
alcaloidum, i, n - алкалоид
aliter - бошқача
Allium (i) sativus (i) - саримсоқ пиёз
Allocholum, i, n - аллохол
Alnus, i, f - қандағоч, олха
Aloë, ës, f - алой
Althaea, ae, f - гулхайри
alumen, inis, n - аччиқтош
amarities, ei, f - аччиқ таъм, тахир маза
amarus, a, um - аччиқ
Amidopyrinum, i, n - амидопирин
Aminalonum, i, n - аминалон

Aminazinum, i, m - аминазин
 ammoniatus, a, um - аммиакли
 ampulla, ae, f - ампула
 amurensis, e - амур -и(-си)
 Amycazolum, i, n - амиказол
 Amygdala, ae, f - бодом
 amylaceus, a, um - крахмалли, крахмалга тегишли
 amylum, i, n - крахмал
 ana - тенг миқдорда, тенг
 Anaesthesinum, i, n - анестезин
 anaestheticus, a, um - оғриқсизлантирувчи
 analgeticus, a, um - оғриқни қолдирувчи, оғриқсизлантирувчи
 Analginum, i, n - анальгин
 anhydricus, a, um - сувсиз
 animal, alis, n - ҳайвон
 anisatus, a, um - арпабодиёнли
 Anisum, i, n - арпабодиён, оддий анис
 annuus, a, um - бир йиллик
 antiasthmaticus, a, um - астмага қарши
 antidiarrhoicus, a, um - ич кетишига қарши
 antidiphthericus, a, um - бўғмага қарши
 antidotum, i, n - заҳарга қарши дори
 antigangraenosus, a, um - гангренага қарши
 antihæmorrhoidalis, e - бавосилга қарши
 antipestosus, a, um - ўлатга қарши
 antipyreticus, a, um - иссиқни пасайтирувчи
 antirabicus, a, um - қутуришга қарши
 antisepticus, a, um - антисептик
 antitetanicus, a, um - қоқшолга қарши
 antituberculosicus, a, um - силга қарши
 apis, apis, f - асалари
 Apomorphinum, i, n - апоморфин
 Aprenalum, i, n - апренал
 Aprepressinum, i, n - апрепрессин
 Aprophenum, i, n - апрофен
 aqua, ae, f - сув
 aquosus, a, um - сувли
 Arachis, idis, f - ерёнғоқ
 Aralia, ae, f - аралия
 arenarius, a, um - қумли, қумлоқ
 Argentum, i, n - кумуш
 Armeniaca, ae, f - ўрик
 Arnica, ae, f - арника
 aromaticus, a, um - ҳушбўй

ars, artis, f - санъат
Arsenicum, i, n - маргимуш
Artemisia (ae) absinthium (i) - аччиқ шувок, эрмон
arvensis, e - дала -и (-си)
aspersio, onis, f - сепма дори
aspersio (onis) puerilis - болалар сепма дориси
auctor, oris, m - муаллиф, реценнт ёзган киши
Aurum, i, n - олтин
axungia, ae, f - мой, ёғ

В

bacca, ae, f - данаксиз мева, резавор мева
bacillus, i, n - таёқча
bactericidus, a, um - бактерицид
bacterium, i, n - бактерия
balsamum, i, n - бальзам
Balsamum (i) Schostakovsky - Шостаковский бальзами
Barium, i, n - барий
basis, is, f - асос, негиз
Balladonna, ae, f - белладонна
Bellasthesinum, i, n - белластезин
benzoicus, a, um - бензойли
Berberidaceae - зирқдошлар
Berberis, idis, f - зирк
Berberis (idis) vulgaris - оддий зирк
Betula, ae, f - қайин
Bidens, ntis, f - қорақиз (иттиканак)
Bidens (ntis) tripartita (ae) - уч бўлакли қорақиз
Bismuthum, i, n - висмут
Bistorta, ae, f - илонсимон торон
bolus, i, f - гил, тупроқ
borax, acis, f - бура
briketum, i, n - брикет
Bromisovalum, i, n - бромизовал
Bromum, i, n - бром
brucellicus, a, um - қора оқсоқ (бруцеллёз) га оид
bulbus, i, m - пиёз боши, пиёз
Bursa (ae) pastoris - жағ - жағ
butyrolum, i, n - бутирол

С

Cacao (турланмайди) - какао
Calcium, i, n - кальций
Calendula, ae, f - тирноқгул

camphora, ae, f - камфора
 camphoratus, a, um - камфорали
 Capsicum, i, n - қалампир, гаримдори
 capsula, ae, f - капсула
 carbo, onis, m - кўмир
 carbonicus, a, um - кўмир -и (-си)
 cardiacus, a, um - юракка таъсир этувчи
 carolinus, a, um - карлсбад (Карлови Вари) -и (-си)
 catharticus, a, um - ич сурадиган, сурги
 caute - эҳтиётлик билан
 cella, ae, f - хужайра
 cellula, ae, f - хужайрача
 Centaurium, i, n - тиллабош
 cera, ae, f - мум
 ceratus, a, um - мумланган
 Chamomilla, ae, f - мойчечак
 charta, ae, f - қоғоз
 charta (ae) Sinapis - хантал қоғози, горчичник
 chartaceus, a, um - қоғозга тегишли
 chinensis, e - хитой -и (-си)
